

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# ТУРИЗМ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

5141900 – Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият таълим  
йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ - 2007

Мазкур ўқув қўлланма «Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият» таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларга мўлжалланган. Шунингдек, аҳолининг сиҳат - саломатлигини яхшилаш, ўқувчи — ёшлар ва талабаларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялаш, айниқса уларни касбга ўргатишда сайр — саёҳатлар (туризм)нинг ўзига хос ижтимоий — тарбиявий хусусиятлари ёритилган. Ушбу ўқув қўлланмада туризмнинг турлари, шакллари, мақсад ҳамда вазифаларига доир асосий масалалар баён этилган.

Ўқув қўлланмадан олий таълим муассасалари (ОТМ) «Бошланғич таълим ва спорт — тарбиявий иш», «Мактабгача таълим ва болалар спорти» таълим йўналишидаги кундузги ва сиртқи бўлим талабалари унумли фойдаланишлари мумкин.

Унинг аҳамияти бўлажак ёш ўқитувчилар жисмоний тарбия дарсларини (туризм-сайёҳликни) ташкил қилиш ва ўтказиш билан белгиланади ҳамда ушбу ўқув қўлланма туризмнинг турлари, шаклларини тўғри танлаш ва ўтказишда ёрдам беради.

Тақризчилар: **П.Хўжаев**,  
педагогика фанлари номзоди, профессор  
**К. Махкамджонов**,  
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ўқув қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2007 йил 22 февралдаги 8 — сонли қарорига биноан Олий ва ўрта махсус касб — ҳунар таълими илмий услубий ва ўқув — услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тавсия қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 августдаги 177 — сонли буйруғига асосан 1150 — сонли гувоҳнома берилди ва нашр учун рухсат этилди.

## Кириш

Туризм (саёҳат) ижтимоий-педагогик жараён сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир.

Ҳозирги Марказий Осиё минтақасида яшаган қадимги аجدодларимиз ов қилиш мақсадида тоғ ва чўлларда сайр-саёҳатлар қилиб, ўз соғлиқлари ва рухий ҳолатларни мустаҳкамлаганлар.

Қадимги Ипак йўлининг Ўзбекистон худудларидан кесиб ўтиши, факат савдо-тижоратдагина эмас, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтириш, атроф-муҳитни ўрганиш, йўллар ва яшаш жойларида тозалик, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш ва бошқа муҳим соҳаларда муҳим тарихий ҳамда ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эгадир. Абу Райхон Беруний, ал Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Захриддин Бобур каби буюк алломаларнинг сермахсул ижлдилари ва махсуллари кўпинча саёҳатлар, мақсадли юришларда вужудга келган. Шу сабабдан улар табиат ва инсон ҳаётининг гўзалликларини ўз асарлари, илмий меросларида баён этишган.

Ўзбекистоннинг табиат манзаралари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўта бой бўлганлиги учун чор россиянинг жуда кўп олимлари ва ҳарбий мутахассислари юртимизнинг табиий шароитларини чуқур ўрганишган. Шу сабабдан улар турли мақсадлар оғушида юртимизни кашф этиш ва истило қилишга муваффақ бўлишган. Эътироф этиш лозимки, юртимиз тарихи, халқимиз маданияти, табиатининг нақадар гўзаллиги, табиий бойликлари ва бошқа кўп соҳаларда ўрганишга арзийдиган илмий мерослар қолдирган.

Туризм ўқувчи ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш ва табиатни ўрганишда энг муҳим восита сифатида хизмат қилиб келади.

Меҳнаткаш омма ва зиёлиларнинг дам олиш куни, таътил пайтларида туризмдан соғломлаштириш, меҳнат қобилияти ва иш унумини оширишда мақсадли фойдаланилди ва ўз самараларини кўрсатди.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби қўхна шаҳарлар, Навоий, Гулистон, Янгиер ва бошқа янгидан қад кўтарган замонавий саноат шаҳарлари ўқувчи-

ёшлар, талабалар ва меҳнаткашларнинг оммавий сайр (экскурсия) масканларига айланди.

Бу жараёнлар ёшларнинг тарихий билимларини кенгайтириш, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини тарбиялашда хизмат қилиб келди.

Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва унинг ривожланишига бағишлаб В.Рацек, А.Колбинцов, В.Кучерявўх, И.Холмуродов, Р. Абдумаликов, Т.Ҳолдоров, Е.Дауреновлар каби маҳаллий муаллифларнинг илмий-оммабоп рисоалари, услубий қўлланмалари яратилди.

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти (ЎзДЖТИ), Олий ўқув юртларидаги жисмоний маданият факультетлари ҳамда педагогика билим юртлари (ҳозирги коллежлар) таркибидаги жисмоний тарбия бўлимларида мутахассис кадрлар тайёрлашда туризмдан кенг фойдаланилмоқда. Натижада Олий ва ўрта маълумотли жисмоний маданият мутахассислари, педагогика институтлари, коллежларида ҳамда ишлаб чиқариш меҳнат жамоаларида туризм бўйича (пиёда юриш тури) оммавий тадбирларни кўп ўтказишга муваффақ бўлмоқдалар. Бу йўлда туризм бўйича жамоатчи йўриқчиларни (методистларни) тайёрлаш, улардан мақсадли фойдаланишда илғор тажрибалар кенгайди.

Ўзбекистон мустақиллиги жуда кўп соҳаларда турли хил ислохотларни ўтказишни такозо қилмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, моддий-техник таъминот ва аҳоли ўртасида ўзини-ўзи бошқариш нодавлат ташкилотлари фаолиятида янги йўналишлар юз бермоқда.

Ўқувчи-ёшлар ва аҳолининг барча табақалари фаолиятида миллий кадриятларни ўрганиш, тарихий воқеликларни таҳлил қилиш, янги ислохотлар йўлида уларга давр талаблари асосида муносабатда бўлишни такозо этмоқда.

Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан мутахассисларнинг ташриф буюриши, кўшма корхоналарни ташкил этилиши, тарихий шаҳарларга сайрларни (экскурсия) ташкил қилиниши янги тус олмоқда. Шу туфайли

Республика Президенти ва ҳукумати томонидан юртимизда туризмни ривожлантиришга доир жиддий тадбирлар ўтказилмоқда. Бунини ЎзРВМнинг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (1999 йил 2 июль) ва Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни (1999 йил 20 август) мисолида кўришнинг ўзи kifоядир.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор ва қонуннинг сосий мақсади сайр (экскурсия) ва саёҳатларни юртимизда ташкил қилиш, хорижий сайёҳларга маданий хизматларни яхшилаш, тарихий ва замонавий шаҳарларга ўқувчи-ёшлар ҳамда меҳнатқашларнинг саёҳатларини ўтказишнинг янги усуллари ҳамда тартибларини ўрнатиш кўзда тутилган.

Шундай бўлсада, ўқувчи ёшлар, талабалар ва аҳолининг барча катламлари учун оммавий соғломлаштирувчи пиёда юриш, тоққа чиқиш ва бошқа турлар бўйича тадбирлар ўтказиш ўз моҳиятини йўқотган эмас.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабалари ҳамда синов меъёрлари таркибига 6 ёшдан 60 ёшгача бўлган кишиларга саёҳатларда иштирок этиш турининг киритилиши бунга далолатдир.

Демак, саёҳат турларини танлаш, уларни ўқувчи-ёшлар ва меҳнатқашларнинг қизиқиши, иштиёқи ҳамда эҳтиёжлари бўйича ташкил этиш бугуннинг ўта муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Уларни давр талаблари, шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда уюштиришда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини туризмнинг назарий асослари ва амалиёти билан қуроллаштириш зарурияти туғилади. Ўқув юртлари спорт уюшмалари, меҳнат жамоаларида оммавий саёҳатларни ташкил этиш учун туризм бўйича мутахассис кадрлар, жамоатчи фаолларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш лозимдир

Туризм саёҳат демақдир. Унда дам олиш, хордиқ чиқариш, жисмонан чиникиш, ўлкани ўрганиш, ижтимоий-фойдали меҳнат қилиш, табиатни муҳофаза қилиш (экология), илмий тадқиқотлар олиб бориш каби кенг қамровли ижтимоий-тарбиявий ҳамда маданий жараёнлар мужассамлашади. Уларни

амалга оширишда ташкилий ва бошқарув фаолиятлар муҳим аҳамият касб этади. Такидлаш лозимки, саёҳатнинг бу йўналишидаги мазмунлари жаҳондаги кўп мамлакатларда мақсадли қўлланилиб келинмоқда. Шу сабабдан туризмнинг ўзига хос тарихий ривожланиши мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий фаолиятлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Туризм шаклан сайр (экскурсия), саргузаштлар (путешествие, экспедиция) ва пиёда юриш (пешеход) каби турларни ўз ичига олиб, мазмунан эса инсонларнинг билим доирасини кенгайтириш, ақл-идрокни (тафаккур) ривожлантириш ҳамда жисмоний баркамолликни тарбиялаш каби энг муҳим фазилатларни камраб олади.

Эътироф этиш лозимки, сайр-саёҳатлар (экскурсия) халқаро миқёсдаги энг оммавий-маданий тадбирлардан биридир. Тарихий-маданий обидаларни томоша қилиш, уларнинг тарихи билан танишиш, замонавий қурилмалар, хашаматли уйлар, чиройли боғ-роғлар, миллатларнинг урф-одатларини ўрганиш каби соҳалар саёҳатчиларнинг диққат-эътиборидан кенг жой олади. Бунда уовлардан (транспорт) фойдаланиш, молиявий харажатлар, яшаш жойлари ҳамда озик-овқатлар билан таъминлаш, маданий хизматлар анча устивор ташкилий фаолият ҳисобланади.

Оммавий пиёда юриш саёҳатлари асосан тоғли манзаралар, дарё, қўл, сув омборлари соҳиллари каби хушманзарали жойларга ташкил қилинади. Бунда табиат билан танишиш, сўлим-гўзал манзарали жойларда тунаш, овқатланиш, жисмоний машқлар, турли амалий ҳаракатларни бажариш билан жисмонан чиниқиш асосий мақсад ҳисобланади. Бу соҳанинг ҳам ўзига хос ташкилий муаммолари мавжуддир.

Ўзбекистон географик ва табиий муҳити (билан) ҳамда тарихий обидаларга бой бўлган шаҳарлари сайр-саёҳатлар (пиёда юриш) учун жуда қулай ҳисобланади. Айниқса Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлари. Тошкент, Навоий, Гулистон каби замонавий шаҳарларнинг кўрки ва янги жамоли фақат мамлакатимиз аҳолисинигина эмас, ҳатто хорижий мамлакатларнинг ҳам диққатини жалб этади.

Фарғона водийсидаги ям-яшил тоғли манзаралар, Чотқол (Тошкент вилояти худудлари), Нурота, Туркистон, Зарафшон тизма тоғлари, Сурхон воҳасидаги гўзал манзараларда соғломлаштириш оромгоҳлари, спорт масканлари (лагерлар) ўқувчи-ёшлар ва талабалар ҳамда саёҳат хаваскорлари учун энг қулай манзиллар бўлиб хизмат қилмоқда.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини бажаришга тайёргарлик машғулотларини (саёҳат, гимнастика, енгил атлетика, сузиш ва ҳ.к.) ўтказишда юқорида таъкидланган манзиллар хизмат қилаолади.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, яқин ўтмишимизда (1960-1980 й.) ташкил қилинган оммавий соғломлаштирувчи пиёда юриш саёҳатларининг йўналишлари (маршрутлар) хали хотирадан кетмаган ва саёҳатчилар харитасидан ўчмаган. Улардан мақсадли фойдаланиш мумкин бўлади. Шу мақсадда ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнаткаш омманинг дам олиш куни, таътил (каникул) пайтларида пиёда юриш саёҳатлари ҳамда сайрларини (экскурсия) мақсадли равишда ташкил қилиш лозимдир.

Хулоса тариқасида такидлаш жоизки, таълимнинг узлуксизлиги, баркамол авлод тарбияси, касб-хунар (мутахассисликни) эгаллашда ёшларнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятларини тарбиялашда саёҳатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан ўқувчи-ёшлар, талабаларнинг билим савияларини ошириш, касбхунар йўлидаги меҳнат фаолиятларида саёҳатларни ташкил қилиш амалиёти билан уларни мақсадли қуроллантириш буюк келажакимизнинг равнакига ҳисса қўшиш ҳисобланади. Бунда саёҳатларнинг назарий ва амалий мазмунларини давр талаблари асосида ўргатиш ва кунт билан ўрганиш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

Мазкур фаолиятларни амалга оширишда Республика Президентининг туризм соҳасидаги фармонлари, ҳукумат қарорлари ва айниқса “Туризм тўғрисида”ги қонунни (1999 йил) амалга ошириш йўлидаги барча тадбирларни ўрганиш, уларга тўла амал қилиш ҳозирги давр талабидир.

Юқорида баён этилган талаблар, мулоҳазаларни ҳаётга сингдириш учун ўқувчи ёшлар ва талабаларни туризмнинг турлари, уларнинг азмун ва

моҳиятлари билан қуролантириш табиий бир ҳолдир. Шу сабабдан ушбу ўқув қўлланма уларга тўла хизмат қила олади, деб ишонч билдириш мумкин.

Эътироф этиш керакки, ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ундаги кечаётган туб ислоҳотлар асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек муаллифлар томонидан яратилган “Туризм” қўлланмалари (1978, 1988) ва дастурга (1997) таянилди.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда берган маслаҳатлари, билдирилган мулоҳазалари ҳамда амалий ёрдамлари учун профессор Ф.А.Керимов, доцентлар К.Д.Ярашев, Е.Ю.Дауренов (ЎзДЖТИ) ва профессор Ж.Э.Эшназаровларга (Самарқанд ДУ) ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.



# 1-БОБ. ТУРИЗМНИНГ ТАШКИЛИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

## 1.1. Туризмнинг вужудга келиши ва ривожланиши

Туризм (саёҳат) пиёда ва уловларда юриш, диққатга сазовор жойларда сайр-томоша қилиш, хушманзарали ва оромгоҳларда дам олиш, соф ҳаво, кўёш нурлари ва зилол сувларда чиниқиш демакдир. Табиийки, бундай ижтимоий-маданий ва тарбиявий жараёнларда атроф-муҳитни ўрганиш, маълум максадлар йўлида қўйилган вазифаларни бажариш, турли тонфадаги инсонлар билан мулоқотда бўлиш амалга оширилади. Шу сабабдан ҳам қадимги аجدодларимиз ов қилиш, турли хил меҳнатларни амалга ошириш ва энг муҳими жисмоний сифатларни (чаққонлик, тезлик, эпчилик, кучлик, чидамлик ва ҳ.к.) тарбиялаш фаолиятларини такомиллаштириб берган. Бу ҳақда турли хил археологик, тарихий манбаълар, афсона ва эртаклар, айниқса халқ оғзаки ижодида тавсиф этилган ривоятлар, далиллар, мушоҳадалар гувоҳлик беради. Улардан баъзи намуналарни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

1. Чотқол, Нурота, Сарийсё ва Туркистон тизма тоғлари орасида ясси ва силлиқ тошларга ўйиб чизилган суратлар (шакллар) орасида ов жараёни, турли хил ёвойи ҳайвонларни найза билан санчиш, ёй ўқи билан отиш, одамларнинг югуриши, ҳайвонлар билан олишуви, найза, камон ва бошқа қуролларни ишлатиш йўллари айнан ёрқин ифодаланган.

2. Сурхон воҳасидаги Далварзин тепа, Самарқанддаги Афросийёб ва бошқа худудларда олиб борилган археологик қурилмаларнинг Топилма ашёларида саёҳат қилиш, шаҳарларда савдо уюштириш, манзарали жойларда ҳордиқ чиқариш, туя, от, хачирларга юк ортиб, уларни пиёда етаклаб бориш, гоҳо уларни миниб юриш каби амалий ҳаракатлар тасвирланган. Бундай далиллар Ўзбекистон халқлари музейи, Санъат музейи, Афросийёб музейи ва вилоятлардаги тарих музейларида эҳтиёж билан сақланиб ва намойиш қилиб келинмоқда.

3. Атоқли рус тарихшунос, қазилма топилмалари, тилшунос, этнограф олимлари қадимги Марказий Осиё ҳудудлари, айниқса ҳозирги Ўзбекистонда маданий ва савдо марказлари, аҳолисининг хизматлари, қадимги Ипак йўллари ҳақида жуда қимматли маълумотларни қолдиришган. Шубҳасизки, уларнинг илмий тадқиқотлари, ҳозиргача сақланиб келинаётган қўлёзмалари, нашрдан чиққан асарлари мазмунида Марказий Осиёда ўзига хос хусусиятга эга бўлган юртимизнинг географик тузилиши, этнографияси ва саёҳатбоп жойлари тўғрисида алоҳида маълумотлар берилган. Бу ўринда В.Бартольд, Б.Шишкин ва таниқли археологик олим ва академик Я.Уломовларнинг ишлари алоҳида ўрин тутати.

4. Ўзбекистонда саёҳатларни ташкил қилиш, ўқувчи ёшлар ва талабаларни саёҳатларга жалб этиш, жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги мутахассис кадрларни туризмнинг назарий ва амалий асослари билан қуроллантириш масалаларига доир бир қатор мутахассисларнинг нашр ишлари эътиборга моликдир. Уларнинг мазмунида саёҳатларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи ҳақида баъзи маълумотлар ўз ифодасини топган. Бунда В.Децек, А.Колбинцов, Р.Абдумаликов, Т.Холдорев, Е.Дауренов қабиларнинг ҳиссалари жуда каттадир.

5. Дикқатга сазовор томонлардан яна бири шундаки, жаҳонга машҳур бўлган юртдошларимиз Абу Носир Фаробий, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Маҳмуд пахлавон, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқа буюк алломаларнинг асарлари, илмий меросларида қадимги аждодларимизнинг ижтимоий маданий ҳаёти мазмунида саёҳатлар ҳақида ҳам тўхталинган. Навоий, Бобур ва бошқаларнинг асарларига битилган суратларда овчилик, боғ ва дарё, қўл соҳилларида хордиқ чиқариш манзаралари тасвири берилган. Саёҳатларнинг саломатликни яхшилаш, умрни узайтириш, жисмоний ва ижодий меҳнат қобилиятни оширишда ги мохиятлари тараннум этилган. қадимги этнограф олим, буюк сайёҳ Маҳмуд қашғарий ўзининг “Девонул луғатит турк” китобини ёзиш учун бутун Туркистон ўлкасини пиёда ва уловларда кезиб чиққан. Унинг сайёҳлик

фаолияти ва илмий-қидирув ишлари нафақат ўз даврида ва минг йиллик давомида Турон мамлакатида кадрланиб келинган. Унинг бу асари асосида ўнлаб дарсликлар, юзлаб монография, ўқув-услубий қўлланмалар, диссертациялар ёзилган. Жисмоний маданият соҳасидаги мутахассислар, айниқса талабалар М.қашғарийнинг биографик маълумотлари ҳамда унинг асарини яхши ўрганишлари фойдадан холи эмас.

6. Энг қадимги аجدодларимизнинг ижтимоий- маданий ҳаёти ҳақида “Авесто”, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “қирқ қиз”, “Тўмарис афсонаси”, “Широк афсонаси” ва жуда кўп халқ оғзаки ижоди дурдоналарида саёҳатлар ҳақида қизиқарли воқеликлар баён этилган.

Юқорида зикр этилган манбаъларни ўрганиш, илмий тадқиқлар ўтказиш натижалари асосида қадимги аجدодларнинг ижтимоий-маданияти ҳаётидаги саёҳатлар ҳақида баъзи бир мулоҳазалар юритиш мақсадга мувофиқдир. Сирдарё, Зарафшон, Амударё ва бошқа кичик дарёларнинг бошланиши, ўрта қисми ва уларнинг сўнгги ирмоқлари атрофида қадимги аجدодларимиз ҳаёт кечирганлар. Улар чорва билан шуғулланиб, йилнинг фаслларига қараб доимо яйловларда кўчиб юришган. Бунда оила аъзоларининг ҳам бевосита биргаликда юришга тўғри келган. Бу эса асосан соҳиллар, яйловлар, тоғли жойларда пиёда, уловларда (от, хачир, хўкиз, эшак ва х.к.) юришга даъват этган. Катта-ю кичик бундай шароитларда жисмоний жиҳатдан чиниқишга тўғри келган. Тоғма-тоғ, яйловма-яйлов кўчиб юриш, кишки пайтларда ўзларининг ўтроқли манзилларида яшаш шароитларида бўри, тулки, кийик, арҳар (ёввойи қўй), каклик, тустовук, бедана овлаш билан шуғулланиб, эпчиллик, чакқонлик каби жисмоний сифатларга эга бўлишган. Табиийки бундай овларда асосан ўрта ёшдагилар, йигитлар, ўсмирлар ва ҳатто ёш болалар ҳам иштирок этишган.

Тарихий маълумотларга қараганда баланд ва тепаликлар устига, гоҳо текис яйловларда ҳам тошларни йиғиб мўла (белги) ясашган. Мўлани яшадан асосий мақсад шунда бўлганки, ов жойларини белгилаб қўйишдир. Шунингдек ким ёки кимлар биринчи бўлиб тоққа чиқса, қадам тегмаган

жойларга илк бор егиб боришса, эсдалик учун мўла яшаган. Ҳатто у мўлаларга ясовчи ёки улуг кишилар номини беришган. Эҳтимол ““Ҳонтангри” (Хитой), “Казбек”, “Элбрусъ” (кавказ) каби чўкқилар ҳам шу тарика аталгандир.

Юртимизда “Нурота”, “Туркистон”, “Оҳалик” каби тоғлар ҳам балким қадимда шу одатлар бўйича номлангандир.

Буюк бобоколониимиз, шеърый султони ҳазрат Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида саёҳатлар ҳам ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Достонда “Денгиз сафари, бўрон ва айрилик” (XXVIII боб) қисмида Фарҳоднинг сувда сузиш, ҳалокатга учраган кемадаги кишиларни кутқариш каби жасоратлари билан бир қаторда Яман ўлкасидан Арманлар худудига (Шопур орқали) келиб қолиши, тоғларда сайр қилиши, Шириннинг висолини кўриш мақсадида ҳарсанг тошларни ўйиб ариқ казиши ва бошқа жуда кўп инсоний фазилатлар мазмун топган. Чин (Хитой) мамлакатидан Арман ўлкасига саёҳат қилиб келиш Фарҳод тимсолида баён этилиши, қадимги аждодларимизнинг сайёҳликдаги фаолиятларидан дарак беради.

Ўзбек халқи орасида “Тоҳир ва Зухра” достони энг севимли асарларидан биридир. Шу дoston асосида атоқли адиб, драматург Собир Абдулла томонидан ишлаб чиқилган “Тоҳир ва Зухра” драмасида саёҳатлар мазмунига хос бўлган мураккаб жисмоний фаолиятлар тасвирланган. Сандиққа солиб Жайхунга (Амударё) улоқтирилган Тоҳир узок ўлкаларга оқиб боради. Ноилож ва беихтиёрлик “Саёҳат” уни хоразм подшоси ҳузурига элтади. Инсонпарвар ва мард подшо Тоҳирнинг истак ва мақсадларини маъқуллаб, чопарларга қўшиб уни ўз юртига қайтаради. Ўз юрти, эли ва севгилиси Зухрага бўлган меҳр-муҳаббати ва садоқати Тоҳирни эсон-омон уйига етиб келишни таъминлайди. Шунда Тоҳир дўстлари, устозлари ҳузурда дейди:

“Э севгили диёрим, мен соғиниб зиёда,

Тоғлар ошиб яланғоч, чўлларкезиб пиёда,

Шаънинга куйладим куй ҳар жилға, ҳар киёда,

Авжим фалакка етди, куй янгради фазода..."

Бундан маълумки бир неча юз йиллар, балким минг йиллар аввал яшаган авлодларимиз ҳаётида турли-туман ижтимоий воқелик ҳамда ҳодисалар таркибида сув ва қуруқликларда (тоғ, чўлбиёбон ва ҳ.к.) инсонларнинг меҳнат қилиши, заҳмат чекиши содир бўлган. Бу жараёнлар ёшларни жисмоний жиҳатдан бақувват, кучли ва чидамли қилиб тарбиялашда хизмат қилган.

Афсонавий сайр-саёҳатлар "Гўрўгли" туркумидаги ўнлаб дастурлар ва бошқа дostonларда юкори савияда мадҳ этилган, яъни Авазхон, Хасанхон, Равшанхон, Рустам ва бошқа ғлаб ижобий қахрамонлар тимсоилада "учқур отлар"да тоғдан-тоққа учиб ўтиш, дарё ва чакалакзорлар устидан сакраб ўтиш каби фаолиятлар талкин қилинади. Бунда юксак даражадаги чавондозлик маҳоратлар орқали йигитларнинг ҳар қандай тўсиқларга бардош бериши, уларни енгиб чиқиши ифодаланади. Бундай рамзий тимсоллар орқали аждод-авлодларимизнинг Ватанни химоя қилиш, эл-юрт хизматида бўлиш, машаққатли меҳнатлар эвазига ўз севганига етишиш, ота-она қадрига етиб, уларни эъзозлашни тушуниш кийин эмас.

Эътироф этиш лозимки, бундай ижтимоий-тарбиявий жиҳатлар миллий қадриятлар сифатида ҳозиргача сақланиб, улар давр шароитлари асосида янги шакл ва мазмунларга эга бўлмоқда.

"Алпомиш" дostonи ҳалқимиз ҳаётига чуқур сингиб кетганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ундаги эл-юрт ори учун ва севган ёри учун бўлган даҳшатли курашлар, жиддатли жангларда пиёда юриш, тоғлардан ошиш, дарёлардан кечиб ўтиш, қўл ёкаларида дам олиб, хордиқ чиқариш, отда пойга қилиш, паҳлавон-алплар билан кураш тушиш каби кенг қамровли амалий фаолиятлар саёҳат мазмунига мос келади.

Алпомишнинг қалмоқ элига Барчинойни кўриш учун сафарга отланишида ўз синглиси қалдирғочбегимга хайрлашув нидолари шундай тасвирланган:

“Акам деб эргашиб келган,  
Умид тортиб бунда келган,  
Мунглиқ синглим, хуш қол энди.  
Жахонни сайр этиб юрсам,  
Душманларнинг додин берсам,  
Яна қайтиб элга келсам,  
Эмикдошим, сени кўрсам  
Кеб юртимга эга бўлсам,  
Бунда келиб даврон сурсам,  
Эмикдошим, хуш қол энди”. (1-китоб, 1992 йил 80-бет)

Достонда ифода этилишига Асқар този, ойна кўли, Чилвир чўли ва х.к.нинг номлари, ойна кўли ёқасида Ойбарчин ўз канизақлари билан бахмал ўтовда яшаб, атрофларда сайр қилиши бежиз эмас, албатта. Чунки бундан бир неча минг йиллар илгари Бойсун-қўнғирот элатлари шу манзилгоҳларда яшаб, табиат қўйнида унинг сахий неъматларидан баҳраманд бўлишган. Бойчибор каби отлар зотини кўпайтирган. Тоғ ёнбағирларида қўй боқиб, текисликларда арпа-бугдой экиб деҳқончилик қилишган. Буларнинг барчаси инсонларнинг соғлом яшаши, оилада фарзандларни баркамол қилиб тарбиялашга омил сифатида хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қадимги аجدод ва авлодларимиз ўзларининг ижтимоий-маданий ҳаётида сайр-саёҳатлардан мақсадли ҳамда унумли фойдаланганлар.

Шарқдан-/арбга ва /арбдан Шарққа ўтган қадимги ипак йўлларининг юртимиз ҳудудларидан ўтиши ва тугашлари Хива, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкент, Жиззах, Фарғона водийси ва бошқа кўпгина шаҳарларининг савдо марказларига айланиши, уларнинг меъморий ва маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Уларнинг тарихий тараққиёти ва бугунги моҳияти ҳақида саёҳатлар жараёнида чуқур ҳамда кўп қиррали маълумотлар берилмоқда жисмоний маданият соҳасидаги мутахассис кадрлар ва воқеалардан бохабар бўлиши мақсадга мувофиқ келади.

Туризм - саёхат ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эга бўлган назарий ва амалий фан сифатида ўқитилади. Унинг ижтимоий тузумлар (формация) билан боғлиқ бўлган ўз тарихи ҳамда ривожланиш жараёнларига эга.

Туризм умумий маънода сайр-саёхатлар, саргузаштларни ифода этади. Шу сабабдан улар ижтимоий-турмуш ва меҳнат жараёнларида таркиб топади.

Туризм ҳақида илмий-оммабоп рисолалар, услубий қўлланма-лар жуда кўп. Уларнинг мазмунида турли ёшдаги кишилар ва аҳолининг та-бақаларига қараб сайр-саёхатларни ташкил қилиш йўллари баён этилган.

Туризмнинг вужудга келиш сабаблари ва даврлари ижтимоий турмуш ва меҳнат жараёнлари билан бевосита боғлиқдир, яъни:

Энг қадимги инсонлар яшаш учун ов ва меҳнат қуролларини яратишга ҳаракат қилишган. Шу тарзда тоғлар, дарё ва қўлларнинг соҳилларида яшаб, ёввойи ҳайвонларни ов қилишган, уларни қўлга ўргатиб меҳнат билан шугулланган. Ов манзиллари ва дам олишга қулай бўлган жойларда маълум бир белгиларни (тур) қўйишган. Зарур пайтларда ана шу жойларга келиб хордик чиқаришган, турли ўйинлар ташкил қилиб мусобақалашган.

Ишлаб чиқариш меҳнат жараёнининг такомиллашуви, ов ва жанг қуролларини яратишининг янги усуллари одамларнинг узоқ жойларга бориб ов ва меҳнат қилиши, шу асосда энг қулай ва яхши жойларни танлаб дам олиш, ҳатто ўтироклашиб қолишларини таъминлашга олиб келган. Шу тарихда дарёлар, қўллар, денгизларда ов қилиш, сайр ўтказиш, изланиш учун кемалар ясаб, улардан мақсадли фойдаланганлар. Бу соҳада Христофер Колумбнинг Америка қитъасига бориб қолиши (кашфиёт), турли саёхатчиларнинг Ҳиндистон, Африка, Австралия ва бошқа қитъалар, мамлакатларга борганлиги тарихдан маълум.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бир қатор рус сайёҳлари, мутахассис олимлари (асосан ҳарбийлар) Марказий Осиёнинг иклими, табиий бойликлари, аҳолининг маданияти ва б.к. жиҳатларини ўрганиш учун ташриф буюришган. Улар орасида П.П.Семёнов Тянь-шаньский., Пржеволский кабилар тоғ шароитларини чуқур ўрганиб, махсус хариталар тайёрлаган.

Туризмнинг ривожланиши асосан собик иттифок даврига тўғри келади. Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларидаёқ (1925-1930й) Марказий қасаба уюшмалари кенгаши (ВЦСПС) қошида махсус туристик жамият, яъни пролетар туризм ташкилотини таъсис этган. Бу жамият асосан меҳнатқашларнинг турли шаҳарлари саёҳатини (экскурсия) уюштириш, ўқувчи-ёшларни тарихий обидалар билан таништириш, ўлкани ўрганиш каби тадбирларни уюштирган. Шунингдек дам олиш кунлари оммавий равишда шаҳар атрофларига пиёда чиқиш, чанғида юриш, велосипедда сайр қилиш каби амалий фаолиятларни ташкил қилган. Уларнинг асосий мақсади жисмонан чиниқиш, меҳнат фаолиятини ошириши ва мудофаа ишларига тайёргарлик кўришдан иборат эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941-1945) ҳарбий тайёргарлик жараёнларида ўқувчи-ёшлар ва меҳнатқашларнинг топографик билимларини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Атрофларни чамалаб (орентирование) топиш, харитани ўқиш, мўлжалга тез етиб бориш (жисмоний ҳаракат) каби туристик фаолиятлар кенг ривожланди. Бу жараёнлар ўша даврларда ва ҳатто кейинчалик ҳам “меҳнат ва мудофага тайёр” (ГТО) мажмуидан ўрин олди.

Урушдан кейинги йилларда (1950-1960) Марказий Қасаба уюшмаларининг ташаббуси билан барча иттифокчи Республикаларда ва уларнинг қуйи тармоқларида туристик клублар ташкил этилди. Клублар туризм бўйича (пиёда юриш, тоғ туризми, велосипед туризми ва ҳ.к) секциялар, тўғарақлар, командалар (жамоа) ташкил этиб, мусобақалар ташкил этишга киришди. Кейинги 30-40 йил давомида (1955-1990) Республикалар, зоналар (Марказий Осиё, Кавказ, Болтиқ бўйи, Ўрол-Сибирь ва ҳ.к) ва иттифок миқёсида слетлар (мусобақалар) ташкил этилди. Уларнинг дастурий мазмунида категориялий (даражали) пиёда юриш, тоғ сўқмоқлари ва девонларидан ошиш, дарёлардан кечиб ўтиш, арқонларга осилиб дарё, жарларнинг устидан ўтиш, белгиланган жойларни компас орқали ва чамалаб топиш, гулхан ёқиш, чодирларни тез (вакга) ўрнатиш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўри-



сатиш, жамоанинг иш фаолиятларини ифода этувчи альбомларни намойиш этиш, қўшиқ-ракс бўйича кўрик-танлов ўтказиш каби қўп қиррали ижтимоий –тарбиявий жиҳатлар ўрин эгаллаган эди. Бундай нуфузли туристик тадбирлар бошланғич жамоаларда (ўқув-юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳ.к) ҳам у ёки бу даражада ўтказилиши одатга айланди.

Оммавий пиёда юриш, шаҳар ва тарихий ёдгорликларни томоша қилиш сайр-саёҳатлари асосан куйи жамоаларда яхши йўлга қўйилди. Марказий шаҳарлар, вилоятларда ташкил қилинган секциялардаги терма командалар тоғ туризми, велосипед туризми кабилар билан шуғулланиб, уларда чамалаб топ-иш (орентирование) бўйича махсус машғулотлар ташкил қилинди. Шу асосда юқорида зикр этилган турлар махсус спортга айланди. Уларнинг қоидалари (низомлар) ишлаб чиқилиб, спорт разрядлари (даражалар: I, спорт усталигига номзод, спорт устаси, хизмат кўрсатган спорт устаси ва ҳ.к унвонлар) тасдиқланди.

Белоруссия, Болтиқбўйи, Ўрол-Сибирь худудларида асосан туризмнинг тоғ туризми, чамалаб топиш, сув туризми каби турлари ривож топди. Кавказ, Қирғизистон ва б.к, тоғли худудларда эса тоғ туризми (ғорларни топиш, қояларни забт этиш) кўпроқ таркиб топди. Бошқа худудларда оммавий пиёда юриш туризми кенг ривожланди.

Собиқ Иттифок давридаги қайта қуриш (1980-1990) тадбирлари бошқа соҳалар каби туризм ишларига, айниқса жамоаларда оммавий соғломлаштириш саёҳатларини ташкил қилишга салбий таъсир кўрсатди, яъни:

Шуғулланувчиларнинг эрк ва истакларини чегаралаш, моддий-техник таъминотни бекор қилиш, фаолларнинг саъй-ҳаракатларини тўхтатиш каби тадбирлар расмий равишда амалга оширилди. Бу фаолиятлар деярлик барча собиқ иттифокчи республикаларда ҳали ўз кучларини тиклаб олаолган эмас.

## 1.2. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш жараёнилари

Ўзбекистоннинг худудларидаги сайр-саёхатларни жуда кўп манбаъларда учратиш мумкин, яъни қадимги аждодларимиз ижтимоий турмуш кечирish юзасидан кўчманчи сифатида ҳар томонга ўтиб ҳаёт кечирганлар. Оилавий ва уруғ-қabila бўлиб бутун бор мол-мулкни турли уловларга (туя, от, эшшак, ҳачир, хўкиз ва ҳ.к) ортиб яйловлар, чўллар, тоғли жойларда қўниб, кўчиб юрган.

Бундай юриш-туриш албатта уларга осон бўлмаган. Лекин яйловларда мол боқиш, ҳаёт кечирish, зилол сувлардан мириқиб ичиш, офтоб нурларида товланиш, сут-қатик, гўшт ва меваларни истемол қилишнинг ўзига хос лаззатларини татиганлар.

Аждодларимизнинг сайр-саёхатларини кўз олдимишга келтириш учун “Авесто”, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Қирқ қиз”, “Тоҳир ва Зухра” каби ўнлаб дostonлар, бадий асарлар мисол бўла олади. Айниқса буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳонни кезиши, Бобурнинг Ҳиндистон томон саргузаштлари ва у ерда кечирган ҳаёти сайр-саёхатнинг мазмунини тўлдиради.

Инсон камолатини таъминлаш, сиҳат-саломатликни доимий равишда яхшилаб беришда саёхатларнинг (қўл ёқаларида тунаш, кемаларда юриш, тоғларга чиқиш ва ҳ.к) амалий моҳиятларини шарқ табобатининг султони Абу Али Ибн Сино илмий жиҳатдан ўрганиб, уларни мерос қилиб қолдирганлиги бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон географик тузилиш жиҳатдан хилма-хилдир. Яъни шарқда Тянь шань тоғларининг шохобчалари (давоми), жанубда Туркистон, Ҳисор тоғлари, оралиқларда эса Зарафшон, Нур ота тизма тоғларининг сувлик ҳамда кўкаламзор майдонларида аҳоли кўпроқ яшайди. У ерларда дам олиш, хордиқ чиқариш, соғломлаштириш масканлари атайлаб қурилган. Республиканинг ғарб ва шимол томонлари чўл-саҳролар билан туташган бўлсада паст, ясси тоғлар билан ўралиб, Чимқўрғон, Арпасой, Катта қўрғон каби сув омборлари, катта-кичик сунъий кўлларнинг намлик ҳавоси экологик жиҳат-

дан мувозанатни саклаб туради. Орол денгизи муаммолари ҳам аста-секин ҳал қилиш арафасидадир.

Республикада туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида бир қатор илмий-оммабоп китоблар, ўқув-услубий қўлланмалар яратилган. Улар орасида мутахассис олимлар Р.Абдумаликов, Т.Х.Холдаров ва бошқалар томонидан тайёрланган дастурлар, ўқув-қўлланмалар муҳим аҳамиятга эга. Республика туризми тарихида И.Ф.Холмуродов, В.И.Кучерявих (Самарқанд), В. Рацек, А.В.Колбинцев (Тошкент) каби иқтидорли мутахассисларнинг ўрни эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон собиқ иттифоқи таркибида туризмни ривожлантиришда юқоридан берилган кўргазмалар асосида фаолият кўрсатиб келди. Давр талабларига мос равишда тарихий шаҳарларга сайр (экскурсия) уюштириш яхши йўлга қўйилди. Бу йўлда катта шаҳарлар ва чет эллардан ташриф буюриш-ган саёҳатчиларни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларда қа-бул қилиш, уларга маданий хизмат қилишда катта тажрибаларга эришилди.

Маҳаллий шароитда ўқувчи-ёшлар талабалар ва меҳнаткашларнинг сайр-саёҳатларини уюштириш ҳам юқори савияда амалга оширилди. Айниқса ёшларни марказий шаҳарлардаги (Москва, Ленинград, Киев ва ҳ.к) тарихий-маданий жойлар билан таништиришда катта фаолиятлар кўрсатилди.

Ўтган бўлимда изох этилганидан республикадаги туристик фаолиятларга асосан касаба уюшмалари кенгашлари раҳнамолик қилди. Собиқ иттифок ҳукм сурган барча даврларда туризм ишлари асосан жамоатчилик асосида бошқарилди. Яъни йирик шаҳарлар ва вилоят марказларида туристик клублар, секциялар туризм ҳаракатининг асосини ташкил этди. Илғор тажриба ва имкониятларга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда баъзи бир умум таълим ўрта мактабларда туристик клуб (секция) ташкил этилди. Уларнинг фаолиятида оммавий пиёда юриш саёҳати ва туризм бўйича мусобақалар (слёт) ташкил этиш, вилоят ҳамда республика

мусобақаларида ишгирик этиш устувор турар эди. Бундай жамоаларда туристик фаолларни (актив) тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Республика туризмининг ривожланиш тарихида Самарқанд саёҳатчи-ташкilotчиларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу тўғрида Р.Абдумаликов ва Т.Х.Холдоровларнинг баъзи бир маълумотлари билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Самарқанд энг қадимий шаҳар сифатида тарихий обидаларга бой бўлиши билан жаҳонга машҳурдир. Шу сабабдан бу ерга эрамиздан олдинги 327 йилда Александр Македонскийнинг босқинчилик мақсади бўлсада келиб шаҳарни томоша қилган. 1865-1870 йилларда рус босқинчилари ҳам келиб талон-та-рожлик билан шуғулланган бўлсада, баланд минораларни кўриб лол қолишган. Собик иттифоқ даврида эса марказ раҳбарлари ҳам шаҳарни кўриб маҳ-лиё бўлишган.

Умуман олганда Самарқанд ўзининг архитектура қурилиши ва маданий обидалари билан юртимизнинг шон-шухрати ҳисобланади. Шу сабабдан собиқ иттифоқ даврида ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналарида сайр (экскурсия) ва пиёда юриш туризми мазмун ва моҳият жиҳатдан эътиборга лойиқ эди.

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги даврларда (1930-1940) ўқувчи-ёшларнинг пиёда юриш саёҳатлари асосан Оҳалик (шаҳардан 20-25 км жанубда), Омонқўтон (40км.жанубда) ва Зарафшон дарёси ёқасидаги Чўпонота (шаҳар-нинг ғарб томонида 6-8 км) зиёратгоҳига кўп ташкил этилган. Уларнинг мақсади атроф-муҳитни ўрганиш, жисмонан чиниқиш, ўсимликлардан гербарийлар тайёрлашдан иборат эди. Урушдан кейинги дастлабки даврларда (1950-1960) оҳалик, Мирон кўл, Чўпонота, Омонқўтон ва бошқа манзарали жой-лари гуруҳ-гуруҳ (ўқувчи-ёшлар) бўлиб саёҳат қилиш одат тусига айланди. Айниқса Омонқўтон ғори (1946 йилда топилган) меҳнатқашлар ва ўқувчи-ёшларнинг диққатини кўпроқ жалб этган. Чунки мазкур ғорда бундан 40 минг йил аввал яшаган одамларнинг суяклари топилиб, унинг тарихи анча шов-шувларга сабаб бўлган.

1951 йил Тожиқ педагогика билим юрти негизида жисмоний тарбия педагогика билим юртининг ташкил этилиши (директори Ю.Ю.Юсупов узок йиллар рахбарлик қилди) катта воқелик бўлди. Билим юрти ўқув режаси асосида туризм махсус фан сифатида ўқитила бошланди. Уни география ўқитувачиси Иброҳим Ғайбуллаевич Холмуродов бошқарди. У киши билим юртида туризм ва география бўйича дарс беришда 50 йилдан ортиқ хизмат қилди ва жуда кўп тажрибали саёхатчиларни етиштириш ҳамда кўп мингли мутахассис кадрларни тайёрлашда фаол хизмат қилди. Эътироф этиш лозимки Р. Абдумаликов (1951-1955) ва Т.Х.Холдоров (1965-1968) И.Ғ.Холмуродовнинг илк қалдирғочлари ҳисобланади.

Жисмоний тарбия педагогика билим юрти ўқувчилари билан бир кунлик (дам олиш кунлари) ва кўп кунлик (ёзги имтиҳон сессияси олдида) саёхатларни ўтказишнинг асосий манзили Чўпонота ва Омонқўтон, кейинчалик эса Оҳалиқда ташкил этилган (1962) соғломлаштириш оромгоҳи (лагер) ҳисобланди. Пиёда юриш саёхатлари жараёнида назарий билимлар (юриш, дам олиш, тунаш, овқатланиш, табиатни кузатиш ва ҳ.к) ва амалий кўникмалар чуқур ўргатила бошланди. Шаҳар ва вилоят миқёсида ташкил этилган мусоба-қаларда (слёт) барча ўқувчи-ёшларни (500-600 киши) жалб этиш йўлга қўйилди. Иқтидорли ёшлар ва ҳавасманд туристларни жамлаб (15-20 киши) 13-15 кун давомида Кўликалон, Искандар қўл, Марғузар (Етти гўзал) кўллариға саёхат уюштириш ишлари яхши натижалар берабошлади. Натижада шаҳар туристлар клуби ташкил этилиб (Н.Бойкони рахбар) туризмни тарғибот қилишда муҳим бурилиш бўлди. Унинг фаоллари В.И.Кучерявўх, Б.Климов, А. П.Аванесов кабилар ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида турист-тик тўғарақлар ташкил этишди.

Самарқандда туризмнинг равнақ топиши 1960-1970 йилларға тўғри келади. Жисмоний тарбия педагогика билим тажрибалари ва туризмни тарғибот қилишдаги кўпгина фаолиятлар шаҳардаги хотин-қизлар педагогика билим юрти (Р.Абдумаликов), озик-овқат техникуми (Ж.Фахритдинов), тикув

фабрикаси (Р.П.Сухарева) ва бошқа жамоаларда туризмнинг оммалашувига сабаб бўлди.

Шу сабабдан ҳам вилоят “Спартак” спорт жамияти таркибида туризм секцияси (бошқарувчи) ташкил этилиб, унинг раҳбари А.П.Аванесов хизмат қилди.

Самарқанд туризмининг ривожланишида хотин-қизлар педагогика билим юртининг фаолияти салмоқли ўринга эга. 1955-1960 йилларда жисмоний тарбия ўқитувчилари А.Сирожов, В.Тсингое ва расм ўқитувчиси С.С.Хегай бошчилигида зарафшон дарёси соҳиллари, Афросиёб қазилмалари ва шаҳар ичида дам олиш кунли сайр-саёҳатлари ташкил этилиб, ўқувчи қизларнинг билим донраларини кенгайтиришда хизмат қилишган. Ҳатто улар Кўликалонга (Тожикистон) саёҳат уюштиришга мувоффақ бўлишган.

1960 йил сентябрида билим юртига ёки мутахассис Р.Абдумаликов ишчи жалб этилди. У киши аввало билим юртидаги шароит-муҳитни ўрганиб чиқди. С.С.Хегай унинг олдида келиб туризм ҳақида ўз мулоҳазалари ва тажрибаларини гапириб берди. Шу сабаб бўлдию, орадан 10-15 кун ўтар-ўтмас 30 га яқин ўқувчи қизлар билан Омонқўтонга тунаб келиш саёҳати уюштирилди.

Чунки, Р.Абдумаликовнинг хотирасида (1951-1956) Омонқўтон чуқур из қолдирган эди. Саёҳат мазмунли, қизиқарли бўлиб ўтди. Саёҳат якунида бундай саёҳатларни ҳар баҳор ва ҳар кузда ташкил қилиш, ёзги таътилда эса Искандар кўлга саёҳат уюштиришни келишиб олишди. Шу бўлдию билим юрти ўқувчи қизлари “Спартак” жамияти туризм секцияси ва шаҳар туристик клуб томонидан уюштирилган кишки, баҳорги ва ёзги оммавий саёҳатларининг энг фаол, энг оммавий жамоасига айланди. Қизлар ҳар бир саёҳатда 100-150 гоҳ 300 дан ҳам ортиқ таркибда қатнашиб, кўрик-синовларнинг ғолиб-лигини кўлга кирита бошлади. Айниқса Чўпонота, Хишров ГЭС, Оҳалик, Ми-ронқўл каби тоғли ҳамда хушманзарали жойларда ўтказилган слёт (мусобақа-лар) дастур ғолибларини (оммавийлик, альбомлар намойиши, қўшиқ-ракс, чодир ўрнатиш, номаълум жойни топиш, чой қайнатиш ва ҳ.к)

бажаришда бошқалардан кам эмас эди. Бу ҳақда билим юрти жисмоний тарбия ўқитувчи-си Р.Абдумаликовнинг ўқув кўлланмалари, газеталардаги мақолалари гувоҳлик бўлади.

Энг муҳим ва эътиборли томони шундаки, Р.Абдумаликов, С.С.Хечай, Б.Ғ.Ғаниев раҳбарлиги ва иштирокида 1962-1967 йиллар давомида хотин-қизлар билим юрти ўқувчи қизлари билан Кўликалон, Искандар кўл, Марғузар (Етти гўзал), (Тожикистон), Шохимардон (Фарғона) ва б.к кўп жойларга кўп кунлик саёҳатлар уюштирилди. Шунингдек Навоий шаҳри, Москва Ленинград шаҳарларига сайр (экскурсиялар) ташкил этилиб, ўқувчи қизларнинг билим доираларини кенгайтириш, уларнинг жисмоний баркамоллигини оширишда катта ҳисса қўшилди.

1967 йил Самарқандда педагогика институти ташкил этилиб, унда жисмоний тарбия факультети ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бунда тажрибали мутахассис сифатида Р.Абдумаликовнинг хизматлари каттадир. Мутахассис кадрларни тайёрлашда туризм фан сифатида ўз ўрнига эга эди. Шу боисдан ўқув-амалий машғулотларини ўтказиш энг аввало Оҳаликда (туристлар базаси), кейинчалик эса институт ташкил этган. Омонқўтондаги спорт-соғломлаштириш масканида (лагерь) ташкил этилди. Бунда бир кунлик саёҳатлар тоғ ораликлари ва чўққиларида турли хил техник машқлар ўргатилди. Ўқув дастури асосида бир ҳафталик амалий машғулотларни ўтказиш ва саёҳатларнинг аҳамиятини тарғибот қилиш мақсадида 1970 йил ёзги таътилда талабалар саёҳатини ўтказиш Иссиқ кўлда (Қирғизистон) амалга оширилди саёҳат жа-раёнида Иссиқ кўл атрофи, унинг шарқида жойлашган Пржевалск шаҳри билан танишилди. 10 кундан ошиқ давом этган саёҳат талабалар хотирасида чуқур сақланиб қолди. Кейинги даврларда талабаларнинг кўп кунлик саёҳат-лари яна Искандар кўл, Марғузор кўллари соҳиллари, баланд қорли тоғ чўққиларида мазмунли ташкил этилди.

Ўзбекистон туризми турналар каби баланд учди. Юқорида таъкидланганга-нидек Марказий “Спартак” жамиятининг туризм секцияси томонидан турли худудларда (зона) умумиттифок туристик слётлар ўтказиш

давом этди. 1965 йилда Кавказ, Болтиқбўйи ва Марказий Осиё биринчиликлари ташкил этилди. Марказий Осиё худудидаги слёт Исик кўлда бўлиб ўтди.

Республика терма жамоаси (раҳбари Ф.Тухватуллин) таркибида Самарқандлик туристлар Р.Абдумаликов, Ж.Фахритдинов, Р.Сухаревалар иштирок этишди. Слёт август ойининг биринчи ярмида бошланди. Слёт дастурида: Туристтик техника ва тактика машқлари билан таништириш, жисмоний чиништириш, озиқ-овқатларни жамғариш, топографик билимлар ва б.қ. зарур тадбирлар хақида назарий машғулотлар ўтказилди. Амалий машғулотлар: Ананьева (Исик кўлнинг шарқий қисми) оқсув дараси ва давони, кичик Олма ота кўли-Олмаота шаҳри – Медео- Горельник маршрути (йўналиши) бўйича 180 км. Тоғли масофани 4 кунда пиёда ўтиш амалга оширилди. Горельник туристлар базасида дам олиб, хордиқлар чиқарилгач дастурнинг асосий қисмига ўтилди. Яъни 10 дан ортиқ жамоа (Москва, Туркменистон, Ўзбекистон, Доғистон, Омек, Ленинград ва ҳ.к) ўртасида техник мусобақалар бошланди. Бунда 50 м. узунликдаги сим арқонда жарлик устидан сийпаниб-тортилиб ўтиш, қияликлар ва жарликларда югуриб, белгиланган нарсани чамалаб топиш (800 м), пастликка тушиб “жароҳатланган”га тиббий ёрдам кўрсатиш, чодирни тез ўрнатиш ва б.қ турларда Ўзбекистонлик 8 киши (14 тадан) мувоффақиятли иштирок этди. Мусобақалар тугагач, барча жамоалар баланд тоғли қорлардаги девонлар ошиб, тез оқар дарёларни кечиш яна Исик кўл соҳилига (Ананьева шаҳри) қайтиб келишди. Мазкур слёт қатнашчилар хотирасида бир умр сақланиб қолиш билан биргаликда мамлакатда туризмни янада оммалаштиришга қатта хизмат қилди.

Республиканинг иқтисодий, маданий ва сиёсий салоҳияти ўсабориши билан янги вилоятларни ташкил қилиш юзага келди. 1974 йил Жиззах вилояти ташкил этилиб, унда педагогика институти ҳам вужудга келди. Одатдагидек факультетнинг ўқув режасида туризм мустақил фан сифатида ўқитила бошлади. Факультетни ташкил этиш ва унинг фаолиятини бошқариш учун Р.



Абдумаликов таклиф этилди. Шу билан биргаликда Т.Холдоров, Р.Бозоров, М.Пардақулов, А.Ғуломов каби ёш мутахассислар ҳам жалб этилди.

Аввалдан фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар Х.Комилов, Ҳ.Мелиев, Ш.Хасанов, П.Ражабов каби ёшлар янгидан келган ҳам касблари билан жам бўлишиб факультет фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга киришдилар, кишки имтиҳон сессияси тугагач (февраль-1977 йил) талабаларнинг бир ҳафталик туристик машғулотини ўтказиш учун институтнинг Учма қишлоғида (Фориш тумани) жойлашган спорт-соғломлаштириш масканига (лагерь) йўл олишди. Маскан баланд тоғ оралиғидаги сойда жойланиб ёғочдан ясалган уйларга эга эди. 20 дан ортик талабалар ўқитувчилар Р.Абдумаликов ва П.Ражабовлар бошчилигида машғулотларда иштирок этишди. Назарий тушунчаларга эга бўлгач, амалий машғулотларни бажаришди. Бунда тоғ шароитидаги 10 км. Масофани юриш ва югуриш билан ўтиш, бунда 6 та назорат белгисини (пункт) аввалдан қўйилган нарсани (ёзма хат кути ичида) топиб келиш вазифа қилиб қўйилди. Икки жамоага (команда) бўлинган талабалар масокаларни муддатида (вақтга) ўтиб келишди. Қиррали тошлар, қояларга чиқиш, жарликлардан ўтиш, қияликлардан йиқилмай тушиш каби мураккаб техник машқлар талабаларнинг маҳоратини ошириш, туризм билан шуғулланиш каби фаолиятларини уйғотишда катта ҳисса қўшди.

Шу тариқа Жиззах вилояти туризмни ривожлантиришнинг янги қирраларига асос солинди.

Республикада туристик кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг (ЎзДЖТИ) ҳиссаси бекиёс каттадир. Институт ташкил топган даврдан бошлаб (1955й) кишки (1965йилгача) ва ёзги кўпкунлик туризм ўқув дастурида туризмнинг жисмоний тарбия тизимидаги ўрни, туризмни ташкил қилиш, саёҳатчиларни топографик билимлар, илмий кидирув ишлари, биринчи тиббий ёрдам каби мавзуларда назарий машғулотлар ва амалий тадбирлар мазмун топган. Шу асосда бўлажак ўқитувчилар ва мураббийларнинг туристик фаолиятлари такомиллаштирилади. Бу ўз навбатида барча турдаги ўқув юртлари, ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари ва турли му-

ассасаларда сайр (экскурсия) ва саёхатларни (туризм) ташкил қилиш йўлларини белгилаб беради. Институтдан кўпқунлик саёхатлар Тошкент-Хўжакент йўналишида поездда ва ундан кейин Хўжакент-Чимган йўналишида пиёда бориш ва қайтиб келиш (130 км) шарти билан ўтказилиб келинди. Сўнги 8-10 йил давомида эса Тошкент-Кумушкон йўналишида автобусда, кейин эса у ердаги институтнинг соғломлаштириш-спорт маскани атрофида пиёда юриш билан дастур талаблари бажарилади. Бу ўқув-амалий машғулотда III босқич талабалари иштирок этиб, аввало ҳисоб (зачёт) ва кейин эса III разряд (“Турист” иншоно) нормативини бажаришади. Шу тарика мутахассислар туристик билим ва малакага эга бўлади.

Бошида таъкидланганидек “меҳнат ва мудофаага тайёр” (ГТО) мажмуи талаблари асосида деярлик барча турдаги ўқув юртларида йил давомида 1-2 маротаба оммавий саёхатлар уюштирилар эди. Шу сабабдан ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг 80-90 % саёхатларда иштирок этар эди. Бу талаблар “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларида ҳам ўз ифодасига эга. Лекин оммавий сайр-саёхатларни ўтказиш талаб даражасида эмас. Бунинг у ёки бу сабаблари бор. Қандай сабаб бўлмасин ўқувчи-ёшлар ва талабалар жисмоний баркамолликка эришиш ва келажакда меҳнат жамоасида саёхатларни ташкил этиш, иштирок қилиш ва улар билан боғлиқ фаолиятларни бошқариш учун туристик малакага эга бўлишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва истиқлол йўлидаги таракқиётида соғлом авлод давлат дастури муҳим аҳамият касб этмокда. Ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнаткаш омманинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш, уларнинг жисмоний баркамоллигини оширишда жисмоний тарбиянинг муҳим воситаси сифатида туризм ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан барча аҳоли туризмнинг у ёки бу тури билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва билимларни синаш учун саволлар.

1. Туризм тушунчаси нималарни билдиради?

2. Туризм қандай пайдо бўлган ва унинг ривожланишига нималар сабаб бўлган?
3. Туризмнинг экскурсиядан фарқи нимада?
4. Туризмнинг қайси хусусиятларини биласиз?
5. Ўзбекистонда туризм қачондан буён мавжуд?
6. Туризмнинг ифодаловчи қандай манбаларни биласиз?
7. Абу Али Ибн Сино туризм ҳақида нималарни тавсия этган?
8. Туризм фан сифатида қаерларда ўқитилади ва унинг мазмуни нималардан иборат?
9. Давлат тилида яратилган ўқув, услубий қўлланмалар ва оммабоп рисолалардан қайси турларини биласиз, уларнинг муаллифлари кимлар?
10. “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларида туризмнинг (сайр-саёҳат) ифодаланиши нималарга қаратилган?

### 1.3 Мустақиллик давригача Ўзбекистонда туризм

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тарих ва ўтмишни ўрганмасдан, билмасдан келажакни барпо этиш мумкин эмас, деган мулоҳазалари ҳозирги даврда жуда қўл келмоқда. Бунда саёҳат жараёнларини ўрганиш, ўтмишни илмий-назарий ва педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг ижобий томонларини ҳаётда қўллаш. Энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда.

Тарихий маълумотларга қараганда XIX асрнинг биринчи ярмида рус сайёҳлари Марказий Осиёнинг тарихи, маданияти, табиий бойлиги ва географик муҳитини ўрганишга илк қадамлар қўйишган. Айниқса бу жараёнлар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида кенг авж олган. Бунда тарих, география, ботаника, этнография, археология ва бошқа кўп соҳалар бўйича олимлар, ҳарбий мутахассислар сафарбар этилган. Уларнинг мақсад ва вазифалари кўп қиррали жараёнларни ташкил этиб, истиқлолчилик асосий ўринда турган. Шулар қаторида географик муҳит ва табиий бойликларни ўрганиш, қидириб топиш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бундай мураккаб ва машаққатли тадбирларни ташкил қилиш ҳамда амалга оширишда Б.А.Федченко, П.П.Семенов, Тянь-Шаньский катта жасоратлар кўрсатишган, яъни улар Тянь-Шань, Помир-Олой тизма тоғлари, уларнинг қуйи тармоқларини харита қилиб яшашганлар. Булар ўз навбатида ўша даврда ва кейинги замонларда тоғлар, дарёлар, конларни ўрганишда, шунингдек гуруҳ бўлиб саёҳатлар ташкил қилишда анча хизмат вазифаларини ўтаган.

1876 йилда Новороссийский Университети талабалари профессор И.А.Головкинский раҳбарлигида қримга узок муддатли саёҳат-экспедиция (қидирув) уюштирган. Улар қрим тоғларини пиёда кезиб, жуда кўп ва турли қимматли маълумотлар тўплашган.

1877 йилда Тбилиси шаҳрида Кавказ табиатшунослик жамияти қошида биринчи рус альп клуби ташкил этилган.

1878 йилда Ялтада “Табиат, тоғ спорти ва крим тоғларидан севувчилар тўғараги” ташкил этилди. У 1890 йилда биринчи туристлар клубига айлантирилди.

1900 йилда Санкт-Петербургда Рус тоғ жамияти ташкил килинди. Д.Н.Анучин, В.И.Вернадский, И.В.Мушкетов, П.П.Семенов, Тянь-Шаньский, Б.А.Федченко ва бошқа унинг ташкилотчилари бўлган. Бу жамият турли йўналишлар (маршрут) чизмаларини (схема) ишлаб чиқди ва Кавказ, Олмаота ва бошқа жойларда ўз бўлимларини ташкил этди.

Таъкидлаш лозимки, таниқли тарихчи Н.К.Гупин, геолог А.П.Парпинский, ёзувчи Д.Н.Маминсибиряк, олимлар К.А.Тимирязов, Д.И.Менделеев, И.П.Повлов, сайёхлар Н.М.Пржевальский, Н.А.Норденшельд ва бошқалар жойлардаги бу жамиятнинг фаол ташкилотчилари ва аъзолари бўлишган.

Бундай тарихий далилларни тилга олишдан мақсад шуки, уларнинг тажрибалари Ўзбекистон шароитларида ҳам кенг қўлланилган.

Бунинг гувоҳи сифатида XX аср бошларида Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Фарғона водийси йўналишидаги Темир йўл бекатларининг Великий Алексеевич (Бахт), Урсатьевский (Ховос), Горчаков (Марғилон), Ломакин (Зомин), Милготин (Аллаорол) каби Рус генераллари, олимлари, сайёхлари номи билан аталганини эслашнинг ўзи кифоядир.

1987 йил Россияда Октябрь инқилобининг ғалабаси мамлакатда янги ижтимоий турмуш шароитини юзага келтирган бўлсада, унинг негизда мустамлакачилик ғоялари асосий ўринни эгаллади. Чор Россиясининг мустамлака худудларидан бири бўлган Марказий Осиёда ҳам янги советлар тузуми зўравонлик (курол ишлагтиш орқали) билан ўрнатилди. Уларнинг негиздаги таълим, маданият, иқтисодиёт, сиёсий-ғоявий кучлар устувор эди. Бу жараёнлар, айниқса рус маданияти Марказий Осиё халқлари, айниқса Ўзбекистонда тез сингдирилди. Уларнинг мазмунида жисмоний маданият, спорт ва туризм ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Маълумки, Россиянинг раҳбарлари Собик Иттифокнинг барча хуудларида ягона талаб асосида барча фаолиятларни амалга ошириб келишган. Советлар ҳукумати ва партиянинг Марказий бошқарувчилари биргаликда турли қарорлар чиқариб, уларни Республикаларда бажаришни талаб этган.

Бу Собик Иттифок давридаги ҳукмронлик ва мустамлакачиликнинг ўзгача бир шаклида бажариб келишган. Иттифокчи Республикаларнинг, шулар қаторида Ўзбекистон Республикасининг ҳам партия ва ҳукумат раҳбарлари унга сўзсиз амал қилишган. Бу албатта давр тақозаси эди. Ҳар бир даврнинг ўзига хос тузуми, тизими ва талаб даражалари бўлади. Бунга аҳолини, кенг жамоатчиликни эргаштириш, зарур бўлса турли сиёсат, тадбирлар, зўравонликлар билан бош эгишни ўргатади. Халқ эса унга эргашмасдан, бош эгмасдан иложи йўқ. Бундай мустабитлик ва сиёсат қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган сиёсий-ғоявий амаллардир. Бундай амаллардан шўролар ҳукумати ўта усталик, айёрлик ва ўз мақсадлари йўлида кенг фойдаланганлар.

Ўша замонларда қабул қилинган қарорлар ва ўтказилган тадбирларнинг маълум даражадаги ижобий томонлари ҳам йўқ эмас. Уларнинг юртимиздаги баъзи ижобий самараларини эслатиш, билиш ва ҳозирги Мустақиллик шароитимизда мақсадли фойдаланиш адолатли бўлар эди. Чунки, уларни кўпчилик мутахассислар, ўқувчи ёшлар амалга ошириб келишганлиги маълумдир.

Совет ҳокимияти йилларида туризм миллионлаб кишиларнинг маънавий бойлигига айланиб қолди. Туризм дам олиш, саёҳат қилиш, табиатни муҳофаза қилиш формасига айланди ва социалистик қурилиш, маданиятнинг раванқ топиши билан у йилдан-йилга такомиллашиб борди.

Мамлакатда ёшларни меҳнат ва мудофаага тайёрлаш, табиатни, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Жисмоний тарбия, спорт ва туризм меҳнат ва мудофаанинг муҳим омилларидан бўлиб қолди. Совет жисмоний маданият ҳаракатининг

ривожланиши туризмни ҳам жисмоний тарбиянинг асосий воситасига айлантирди.

1919 йилда Москвада ўқувчилар экскурсиянинг Марказий бюроси ташкил этилиб, у 30-йилларга келиб Марказий болалар экскурсия-ткрстик станциясига айлантирилди.

Туризмни оммалаштиришда Москва комсомолларининг хизмати катта бўлди. 1928 йилда “Комсомольская правда” газетаси ва Москва шаҳар комсомол ташкилоти раҳбарлигида Волховстрой ва харбий шон-шуҳрат жойларига биринчи оммавий юриш ташкил қилинди. Шу йилларда болалар ва ўсмирлар туризмида ҳам анча силжишлар юз берди. 1927 йилда Маориф халқ комиссарлиги “Болалар ва ўсмирлар ўртасида экскурсия ишларини янада ривожлантириш ҳақида” қарор қабул қилди.

Бу қарор Ўзбекистонда ҳам амалга оширилди. Туристик ҳаракатини янада такомиллаштириш ва уни оммалаштириш мақсадида партия ва ҳукумат қарорига асосан 1930 йилда Бутунитгифок кўнгилли пролетар туризми ва экскурсия жамияти (ОПТЭ) тузилди. 1932 йил 3 апрелда бу жамиятнинг биринчи Бутунитгифок съезди бўлиб ўтди. Съездда 290 делегат иштирок этди. Съезд туризмнинг келгуси вазифаларини белгилади ва уни социалистик қурилиш ҳамда маданиятга боғлаб олиб бориш зарурлигини қайд этди. Ўлкани ўрганиш ва қазилма бойликларни қидириш ишлари кўпгина жойларида интенсив равишда олиб борилди. Ана шу умумхалқ ишида ёшлар, ўқувчилар ҳам фаол иштирок этдилар. Улар мутахассислар билан биргаликда табиат сирларини очиш, ўлкани ўрганиш, қазилма бойликларни топиш ва шунга ўхшаш зарур соҳаларда амалий ёрдам бердилар, узоқ масофаларга юриш, тоғ чўккиларига чиқиш, зарур анжомларни манзилга олиб бориш, карта ва компас билан ишлаш каби малакаларни ўзлаштирдилар ва уларни оммалаштирдилар. Бу жараёнлар совет туризмнинг янада такомиллаштирилишига асос бўлди. Айниқса Совет Армияси учун кадрлар тайёрлаш совет туризмнинг янада такомиллаштирилишига асос бўлди. Айниқса Совет Армияси учун кадрлар

тайёрлаш, тоғли ва ўрмонли чегараларда ҳар томонлама хушёрликни оширишда туризм катта роль ўйнайди.

Маълумки, 30 йилларда альпинизмага эътибор кучайган эди. Совет альпинистлари Помир, Хон-Тангри ва Коммунизм чўққиларига чиқиш ва уни забт этишга бир неча бор уриндилар. 1933 йилда Александр Маленков бошчилигидаги 7 альпинист қиш шароитида Местийский ва Бечо довонларидан ошиб ўтишга муваффақ бўлдилар.

1936 йилдан бошлаб ВЦСПС оммавий туризм ва альпинизм ишларига бевосита раҳбарлик қила бошлади. Лекин бу даврларда туризмни оммавий равишда ривожлантириш бир мунча кийин бўлди. Шу сабабли СССР Халқ Коммиссарлари Совети қошидаги Бутуниттифоқ жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича комитети хаваскорлик туризми ишларининг олиб борилишини қоникарсиз деб топди ва ўз навбатида, кўнгили спорт жамиятлари қошида туризм секцияларини ташкил қилишни тавсия этди. Натигада Бутуниттифоқ туризм секцияси ташкил қилинди ва “СССР туристи” нишони таъсис этилди.

1939 йилнинг кузида совет туризмнинг 10 йиллигига бағишлаб слёт ўтказилди. Ана шу слётда туризм ҳаракатида фаол қатнашган жамоатчилар биринчи марта “СССР туристи” фахрий нишони билан тақдирландилар. Улар орасида кейинчалик туризм намоёндалари бўлган А.Н.Кисилева, Н.Н.Аделунг, О.А.Архангельская, Н.М.Губановлар бор эди. Бу слётда жами 30 киши мазкур нишонга сазовар бўлдилар.

1940 йилда барча республикаларда оммавий туристик юриш эълон қилинди. 1941 йилнинг бошларида эса пионер ва ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ экспедицияси эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида туризмнинг аҳамияти катта бўлди.

Фашистлар вақтинчи оккупация қилган Кавказ тоғ оралигидаги шақтёрлар шаҳарчаси – Тирниазуда 1,5 минг аёл, кексалар ва ёш болалар камалда қолиб кетди. Уларни бу офатдан қутқариш учун тажрибали турист ва альпинистлар зарур бўлди. Уларнинг ёрдамида 3375 м. баландликка эга



бўлган Бечо довони орқали Юсенни чўккисидан аҳолини олиб ўтишга муяссар бўлинди. Бунда оддий электр симлари ва шахтёрларнинг оддий иш қуроллари туристик жиҳоз ўрнида ишлатилди. Бу туристларнинг дастлабки жасоратларидан бири бўлди. Уруш йилларида Украина, Белоруссия ўрмонларида туристлар разведка ишларида ҳам жуда кўп жасорат кўрсатганликларини алоҳида қайд қилиш керак. Улар орасида ўзбек йигитлари ҳам бор эди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларданок туризм ишларига янада эътибор бера бошланди.

1949 йилда туризм Бутуниттифок ягона спорт классификациясига мустақил спорт тури сифатида киритилди. Шундан кейин туризм бўйича спорт мастерларлари ва мастерликка номзодлар пайдо бўла бошлади. Спорт классификациясининг ўша даврдаги талаби бўйича спорт мастери талабини бажариш учун 12 та узоқ саёҳатларда 3000 км. масофани босиб ўтиш кифоя эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро туризм ҳам анча ривожлана бошлади. 1947 йилда Парижда расмий равишда Халқаро туристик ташкилотлар иттифоқи (МСОТО) ташкил қилинди. Бунга давлатлар ёки бирор давлатнинг туристик ташкилотлари аъзо бўлиш ҳуқуқига эга эди. Бу халқаро туристик ташкилотга 100 дан ортик давлатлар аъзо бўлган. СССР уш ташкилотга 1956 йилдан аъзо бўлиб қиради.

50-йилларнинг ўрталарида пионер ва ўқувчиларнинг Бутуниттифок туристик-ўлкашунослик экспедиция ишлари янада ривожлантирилди. 1955 йилда Москвада болалар туризми бўйича Бутуниттифок конференцияси, 1957 йилда Селигер кўли яқинида биринчи халқаро туристлар слёти ўтказилди. Бу анжуман халқаро ёшлар ва талабаларнинг VI фестивали дастурига киритилган эди.

1958 йилда СССРнинг “Спутник” халқаро туризм бюроси ташкил этилди. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси ўқувчи, талаба ва ёшларни

халқаро ёшлар фаолиятига жалб қилиш, улар ўртасида ўзаро тажрибалар алмаштиришдан иборат эди.

1962 йил 20 июлда ВЦСПС президиуми “Туризмни янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди ва шу қарор асосида туристик-экскурсия бошқармаси (ТЭУ) туризм Советига айлантирилди. Шунинг алоҳида қайд қилиш керакки, 50-йилларнинг охири ва 60-йилларда Бутуниттифоқ кўнгилли “Спартак” спорт жамияти ва унинг қуйи органларида туризм барқ уриб ривожланди. Ишлаб чиқариш корхоналари, савдо тизимлари, ўрта махсус ўқув юртларида оммавий туристик походлар, слётлар ўтказиш анъанала айланди. қуйи жамоаларидаги фаол, тажрибали туристлар Бутуниттифоқ туристлар слётларида катнаша бошладилар. 1963 йилнинг августида Иссиқкўл ва Олмаота яқинида “Спартак” спорт жамиятининг III Бутуниттифоқ туристлар слёти ўтказилди. Бу слётда Ўзбекистон терма командасидан Тошкент ва Самарканд туристлари қатнашдилар. Улар орасида ўзбек туристи Р.Абдумаликов ҳам бор эди.

“Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги 1966 йил 11 август қарориди ёшларнинг туристик ишларига алоҳида эътибор бериш, янги туристик базалар қуриш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Шунга кўра, ўқув юртлари, корхоналарда туризмни ривожлантириш тадбирлари кўрила бошланди. 1963-1969 йиллар мобайнида Саян кўли, Болтиқ бўйи республикалари, Белоруссияда, шунингдек Олмаота, Фрунзе шаҳарларида Иттифоқ миқёсида йирик туристик слётлар, семинар-кенгашлар, конференциялар, кадрларни тайёрлаш курслари ташкил қилинди. Бунда туризмда эришилган ютуқлар бўйича тажриба алмашилди. Ленинград, Минск, Омск, қозон ва бошқа шаҳарлардаги туристик клублар, жамоаларнинг илғор тажрибалари маъқулланди.

1969 йил 30 майда “Мамлакатда туризм ва экскурсияни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарорда касаба союз ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника

билим юртлари ва умумтаълим мактабларида туризм ишини йўлга қўйиш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш масалалари таъкидланди.

Жаҳон миқёсда туризм билан шуғулланувчилар 1950 йилда 25 млн. кишини ташкил этган бўлса, 1966 йилда уларнинг сони 141 млн., 1970 йилда 168 млн., 1975 йилда эса 250 млн.дан ортиқ кишига етди.

1972-1973 йилларда СССРнинг 50 йиллигига бағишланган пионер ва ўқувчиларнинг Бутуниттифок слёт мусобақалари беш даврада ўтказилди. Бу мусобақалари беш даврада ўтказилди. Бу мусобақалар мактаб, район-шаҳар, область ва республикалар миқёсда ўтказилди. У Львов областининг Сокаль шаҳрида яқунловчи мусобақалар финалида иттифокчи республикалардан 36 команда иштирок этиб, унда 500 ўқувчи қатнашди. Украина ССР командаси мазкур мусобақа ғолиби деб топилди.

1976 йил августда Белоруссияда пионер ва ўқувчиларнинг навбатдаги Бутуниттифок слёти бўлиб ўтди, бунда умумкоманда ҳисобида Белоруссия ССР коллективи ғолиб чиқди.

Маълумки, 1972 йил 1 мартдан бошлаб ГТО (готов труду оборону) комплекси таркибига туризм ҳам киритилди. Бу ўз навбатида, ГТО комплексининг барча босқичлари бўйича белгиланган талабларнинг бажарилиши билан ёш организмнинг ҳар томонлама чиниқишига олиб келади. Бу эса жисмоний меҳнат, мудофаа ишларига доимо тайёр бўлиш демакдир. Таниқли туризм билимдонлари Б.И.Огородников, В.М.Аленин, Н.Калеткин, С.Алексеев, Р.Рубель кабилар ўз асарларида туризмнинг ГТО комплексидаги ўрни ва пиёда юриш туризми жараёнларида ГТО меъёрларини бажариш тартиблари ҳақида мулоҳаза юритганлар.

Ўтказилаётган туризм тадбирлари оқибатида ижтимоий-фойдали ва оммавий ишларида фаол иштирок этиш одат тусига айланиб қолди. Революцион, жанговар ва меҳнат шон-шухрати жойларига экскурсия пайтларида завод-фабрика, колхоз-совхоз хўжалик, қурилиш ишларида яқиндан ёрдам бериш туристларнинг шарафли бурчидир. Мактаб ўқувчилари турли поход, саёхатлари айниқса дам олиш, каникул пайтларида

уюштирадилар. Бундай пайтларда ўқувчилар турар жойларни ободонлаштириш, кўчат ўтказиш, ота-оналар, кекса кишиларга кўмак бериш, колхоз далалари, яйловларда меҳнат қилаётган кишиларга ёрдамлашиш ва шу каби фойдали ишларда актив иштирок этадилар.

Туризм ва экскурсия бўйича Марказий кенгаши президиуми 1971 йил 29 июнда “Энг яхши туристик саёҳатларни ўтказиш учун “Бутуниттифок мусобақалар ўтказиш Низом”ни тасдиқлади. Шу Низомга асосан “Турист” журнали (Йилнинг илк саёҳатчилари” совринини таъсис қилди. 1977 йили СССР Маориф вазирлигининг буйруғи билан республика, ўлка, область, округларда ёш туристлар станцияси ҳақида Низом” таъсис қилинди.

Барча хуудларда туристик походлар, саёҳатларни ташкил қилиш қондалари, туристик клублар, секциялар, туристик кадрлар тайёрлаш ва шу каби тегишли масалалар бўйича ВЦСПС томонидан тасдиқланган қатор бошқа Низомлар ҳам мавжуд. Туризм ва экскурсия кенгашлари, кўнгили спорт жамиятлари қошидаги туризм секциялари, туристлар клублари, болалар туристик станциялари ва барча жамоалар қошидаги ҳаваскорлик туризми секцияларининг иш фаолиятини яхшилашда мазкур қарор ва низомларга амал қилинган ҳолда иш олиб борилди. Туризмнинг барча турлари бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини юқори савияда олиб бориш, тарихий, маданий ва ҳордиқ чиқариш жойлари билан меҳнаткашларни таништиришда “Турист” журналининг (у 1966 йилдан бошлаб чиқа бошлаган) хизмати катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, туризм ҳақида жуда кўп адабиётлар, методик қўлланмалар, справочниклар ҳам мавжуд. Айниқса А.Х.Абуков (1970, 1980), А.Беляков (1969), П.Н.Богданов (1974), А.Колесников, В.Кудрявцев (1974) каби мутахассисларнинг туризм бўйича назарий ва амалий асарларида туризмнинг тараққиёти, унинг келажаги, туристик походларни ташкил қилишнинг илғор шаклл ҳамда методлари, кўпгина корхоналардаги туристик иш тажрибалари ўз аксини топган. М.С.Юноньев (1974), Д.Арманд (1965),

Ю.А.Штюрмер (1974) каби муаллифлар қўлланмаларида эса туризм ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига кенг ўрин берилган.

1960-1976 йилда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйича ҳам туристик маршрутлар, саёҳат йўллари ва қўлланмалар тайёрланган, пиёда юриш, тоғ туризмга оид адабиётлар мавжуд. Чунончи, В.Раецкийнинг “Чимён”, “Ўрта Осиё йўллари бўйлаб”, А.Колбинцевнинг “Ўзбекистон йўллари бўйлаб”, “Фарғона водийси бўйлаб саёҳат”, В.Кучерявихнинг “Фанск тоғлари бўйлаб саёҳат маршрутлари”, Р.Абдумаликовнинг “Саёҳат саҳифалари” ва бошқалар шулар жумласидандир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус сайёҳлари, ҳарбийлари, мутахассислари Ўрта Осиёга, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон территориясига фан, маданият ва ижтимоий тараққиётнинг баъзи бир шакллари ҳам олиб келишгани ҳақида таъкидланган эди. Марказий давлат архиви материалларининг гувоҳ беришича, 1879 йили Тошкентдаги билим юртлари бош инспектори ва ота-оналарнинг розилиги билан ўлкани ўрганиш мақсадида бир неча ўқувчи Бурчмулла тоғига саёҳатга чиқишган.

1890 йил 9 июлда ўқитувчи А.Шельтингга томонидан Тянь-Шань тоғларига кўп кунлик поход уюштирилиб, унда табиатни ўрганиш, схема ва карталар тузиш ишлари амалга оширилди.

Кейинчалик Чимён ва унинг юқори қисмлари чуқур ўрганилган, махсус карталар тузилган, маршрутлар белгиланган. Бу тадбирларни амалга оширишда Тошкент, /азалкент, Хўжакент, Бурчмулла ва бошқа жойлардаги маҳаллий халқ вакиллари айниқса фаол иштирок этган. Тошкентдаги гимназия ўқитувчиси Н.Малин 1901 йилнинг март ойида кичик ва катта Чимёнга чиқиб, уернинг табиати, хайвонот дунёси, шунингдек дам олиш жойлари ҳақида ўзининг 46 бетдан иборат ҳисобот дафтарини қолдирган.

Лекин Октябр инқилобигача бўлган барча экскурсия, туристик тадбирлар аксарият ҳолларда шахсий манфаат йўлида, савдогарчилик, турли гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаб сотиш учун ўтказилган. Табиийки, бунда фақат бой-бадавлат кишиларгина бундай имкониятларга эга эди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган дастлабки пайтларданок партия ва ҳукумат қарорлари, кўрсатмалари асосида пионер ва ўқувчиларнинг туристик-экскурсия ишларини йўлга қўйиш, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун дам олиш зоналарини ташкил қилиш ишлари жадаллаша бошлади. Айниқса Тошкент, Самарқанд, Фарғонада бу иш яхши йўлга қўйилди. Маориф, медицина ва бошқа зарур соҳалар қаторида жисмоний маданият, спорт ва туризмнинг ривожланишига ҳам имкониятлар яратилди.

1928 йилнинг ўзида Ўрта Осиё республикалари бўйича 7 та маршрут бўйича турли саёҳатлар ўтказилди. I-маршрут Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Марв-Ашхобод-қизиларват-Красноводск шаҳарлари бўйлаб бўлган. Бу маршрутда асосан ишчилар, ўқувчи ёшлар тоғ, водий ва хушманзара жойларда дам олганлар, жойлар билан танишганлар. Кейинги маршрутлар Тошкент-Бухоро-қарши -/узур-Шаҳрисабз-Тахтақарача довони (ҳозирги Омонқўтон) – Самарқанд-Тошкент; Тошкент-қўқон-Наманган-Андижон-Сойбозор-қўрғон; Арслонбоб-Жалолобод-Фарғона-Хўжанд (Ленинобод)-Тошкент ва бошқалар эди.

1933 йил 31 декабрда Тошкент шаҳар Жисмоний маданият кенгашининг қарори билан меҳнаткашларнинг қишки спартакиадаси ташкил қилиниб, унда эркаклар 35 км. ва аёллар 25 км. масофани пиёда юриб ўтишлари дастурга киритилганди. Бунда ГТО комплексларининг I ва II босқичи талабларига кўра туристик меъёр бажарилмаса, қатнашувчилар кейинги спорт мусобақаларида иштирок этишдан маҳрум бўлардилар.

Маълумки, ГТО комплексининг ташкил қилиниши (1930 йил) барча жамоаларидаги ишчи, хизматчи, зиёли, колхозчи, ўқувчи ёшларни спорт билан шуғулланишларига кенг йўл очиб берди. Шу билан биргаликда жойларда туристик ишларни уюштириш, ўлкани ўрганиш, турли гербарийлар йиғиш, жисмонан чиниқиш учун имкониятлар яратилди. Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарларда, шунингдек йирик темир йўл станциялари атрофларида ўқувчи ва ишчи ёшларнинг бир кунлик ва кўп

кунлик туристик походлари ўтказилган, шу походларнинг маршрут ва схемалари тузилган. Поход хисоботларида барча қилинган ишларнинг тўла материали ёритилган. 1935-1940 йилларда Самарқанд-Оғалик (20км.), Самарқанд-қоратепа (40 км.), Самарқанд-Ургут (35 км.), Самарқанд-Булунгур (30 км.), Самарқанд-Челак (36 км.), Самарқанд-Каттақўрғон-Зирабулок (120 км.) маршрутлари бўйича пиёда, велосипед, отда юриш туристик саёхатлари ташкил қилинди. Бу саёхатлар жараёнида турли кросслар, граната улоқтириш, тўсиқларни енгиб ўтиш, противогаз кийган ҳолда юриш каби кўпгина мураккаб машқлар бажарилган. Бунда Самарқанддаги №6, №21, №30 сонли мактаблар жамоа, Охунбобоев номидаги тери ишлаб чиқариш заводи, Самарқанд темир йўл станцияси ишчилари фаол иштирок этганлар.

Уруш йилларида республикамиздаги шаҳар, қишлоқ мактаблари, меҳнат жамоаларида ҳарбий тайёргарлик ишлари билан бир қаторда туристик походлар уюштириш ҳам зарур эди. Чунки ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг чидамли, жасур бўлишлари, оғир юк билан противогаз кийган ҳолда узоқ масофаларни босиб ўтиш машқларини бажаришлари давр талаби эди. Ёшлар бундай мураккаб машқларни бажариш билан бирга яйлов ва қирларда, сой ёқаларида югуриш, сакраш, сувда сузиш, жойларнинг схемаларини тузиш машғулотларини ҳам бажарар эдилар.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда республикамизнинг барча ўқув юртларида асосий дарс машғулотлари билан бирга ўқув программасига ҳарбийлар киритилди. Бунда ўқувчилар граната улоқтириш, кросс уюштириш, противогазларда машқ қилиш каби машқларни бажарар эдилар. Ҳар haftaда бир марта 10-15 км масофани пиёда босиб ўтиш мажбурий эди. Бу 1949 йилдан то 1952 йилгача давом этди.

1951-1960 йиллар мобайнида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро вилоятларида партия, кенгаши органлари, касаба союз, комсомол, спорт ташкилотлари фаолиятларида айниқса жиддий силжишлар бўлди. Янги ерларни ўзлаштириш, қурилиш ва ишлаб чиқаришга фидокорона меҳнат

қилиш учун аксарият ёшлар отландилар. Уларга Ўзбекистон спортчилари, мактаб ўқувчилари, касаба союз ташкилотлари, “Пахтакор” кўнгилли спорт жамиятлари яқиндан ёрдам бериб турдилар. Натижада ёшлар меҳнат қилиш билан бирга турли спорт мусобақаларида, спартакиадаларда ҳам қатнаша бошладилар. Айниқса туризмнинг велосипед, пиёда юриш турлари бўйича оммавий походлар, саёхатлар ўтказилиши анъанага айланиб қолди.

Ўша пайтларда республика миқёсидаги “Наука”, “Труд”, “Локомотив”, “Искра”, “Медик” каби спорт жамиятларига жуда кўп ёшлар аъзо бўлдилар. “СССР туристи” нишондорлари, туризм бўйича разрядли спортчилар ва инструкторлар тайёрлашда бу жамиятлар фаолият кўрсатдилар. Айниқса “Наука” (17 нишондор), “Искра” (25 нишондор), “Локомотив” (12 жамоатчи инструктор) жамиятларининг ҳиссаси катта бўлди. Олий ўқув юрларида ҳам малакали спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари етишиб чиқишди. Биргина Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг туризм секцияси ҳар йили 5-60 тадан “СССР туристи” нишондорларини тайёрлаб чиқарарди.

1951 йил Самарқанд тожик педагогика билим юрти базасида жисмоний тарбия педагогика билим юрти ташкил қилинди. Натижада жисмоний тарбия бўйича тажрибали мутахассис кадрлар сонни кўпайди. Мазкур билим юртини йўлга қўйишда марказий шаҳарлардан таклиф қилинган мутахассислар ҳам анчагина эди. Улар орасида москвалик С.П.Курганов (гимнаст), ленинградлик С.Лошаков (енгил атлетика), тошкентлик Т.Каримов (гимнаст), М.Умаров (кураш), Ҳ.Ҳ.Каримов (физкультура тарихи), В.В.Бохолдин (сувда сузиш) лар бор эди. Улар ташаббуси билан йилнинг турли фаслларида кўп кунлик туристик саёхатлар ташкил қилинарди. Билим юртининг география ўқувчиси И.Г.Холмуродов ёш мутахассис сифатида ёшларни ўлкани ўрганишга, туристик походларга қизиқтиришда айниқса жонбозлик кўрсатган. Уни туризм бўйича катта инструктор, йирик мутахассис сифатида ҳурмат билан тилга оладилар. Билим юрти ўқувчиларини Туркистон, Зарафшон тизма тоғлари ва ундаги гиёҳлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси



географик тузилиши, аҳоли яшайдиган жойлар, уларнинг тарихи билан таништиришда, шунингдек Омонқўтонда топилган (1946 й.) қадимги аждодларимиз яшаган ғорга қилинган саёхатларда унинг хизматлари бекиёсдир.

Омонқўтон ўрмонлари республикамизнинг энг гўзал, хушманзара жойларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда ўнлаб кўпгина ўқувчиларнинг дам олиш масканлари жойлашган. Самарқанд туристлар базаси ҳам шу ерга жойлашган.

Самарқанд атрофида туристик саёхатлар учун тоғли жойлар жуда кўп. Ургут, Оғалик, Октош тоғлари, Зарафшон дарёси соҳиллари шаҳар меҳнаткашлари, студент ва ўқувчилар билан доимо гавжум бўлади. Табиат шайдоларининг баъзилари лола, турли тоғ-адир гуллари ва ўсимликларнинг янги навларини топиш, уларни кўпайтириш йўллари билан қизиқадилар, бошқалар эса муздек сувларда мириқиб чўмилдилар, турли спорт ўйинлари, мусобақалар уюштириб ҳордиқ чиқарадилар, жисмонан чиникадилар.

1951-1960 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳри ва вилоятлар туризм бирмунча ривожланган. Ҳатто туризм ва экскурсия бўйича университет ташкил қилинган бўлиб, унда фақат ўлкани ўрганиш эмас, балки пиёда юриш, тоғ туризми бўйича ҳам машғулотлар ўтказилиб турилган. Бу университетда асосан туризм, ўлкани ўрганиш бўйича инструкторлар, жамоатчи туристик активлар тайёрланган. Бунда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) география факультети, “Искра” (кейинчалик “Спартак”) спорт жамияти қошида ташкил қилинган туризм секцияси катта фаолият кўрсатган. Шаҳардаги 6-,21-,30 ва бошқа мактаб ўқувчилари ўзларининг географик ва жисмоний тарбия ўқитувчилари ёрдамида кўп кунлик туристик походларда актив катнашганлар.

К.Д.Ушинский номидаги хотин-қизлар педагогика билим юрти жамоа ҳам 1954-1960 йилларда Тожикистоннинг Кўликалон, Искандарқўл ва бошқа тоғли жойларига кўплаб туристик походлар қилди. Бу походларга билим

юртининг А.С.Тсинтас, С.С.Хегай, А.Сирожов каби ўқитувчилари походларнинг мазмунли ўтишида жонбозлик кўрсатдилар.

1955 йилга келиб республикада туризм билан шуғулланувчилар сони 8327 кишига етди. Бу пайтда 6 мингдан ортиқ жамоаларда туризм секциялари иш олиб борган эди. Туристлардан атиги 3 таси биринчи разряд, 155 таси ёшлар разрядига эга эдилар. Улар асосан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳарларининг вакиллари эди.

1960 йилда Тошкент вилоят туризм совети 24 та дам олиш куни походини ташкил қилди, унда 543 киши қатнашди. 1-2 категорияли походларда эса 26 киши иштирок этди. Фақат Самарқанд шаҳрида 2225 киши туризм билан мунтазам равишда шуғулланди. Самарқанд вилоят “спартак” спорт жамияти қошидаги туризм секциясининг раиси А.П.Аванесов бошчилигида Зарафшон тизма тоғларидаги Оғалиқ, Миронкул ва Самарқанднинг шимоли-шарқида жойлашган Афросиёб тепаликларига походлар уюштирилди. 1960 йилнинг бошларида 1820 метр баландликдаги Оғалиқ тоғига қишқи поход ташкил қилиниб, чўққилардан бирига “Спартак” номи берилди. Бу походда 18 киши қатнашди. Кейинчалик бу чўққига чиқиш туристлар учун энг қизиқарли машғулот бўлиб қолди.

1961 йили республика бўйича бир кунлик туристик походларда жами 4620 киши қатнашди. 1962 йилда республика “Спартак” спорт жамияти бўйича 380 жамоада (шундан 67 таси ўқув юртлари) 5931 киши туризм билан шуғулланди. Улар орасида 1 та спорт мастери, 561 та “СССР туристи” нишондори, 11 та биринчи разряд, 22 та иккинчи разряд, 96 та учинчи разряд, 123 та жамоатчи инструктор, 70 та судья бор эди.

Ўзбекистон Спорт жамиятлари ва ташкилотлари кенгаши 1962 йил 5 февралда ўзининг VII пленумида туризмни янада оммалаштириш масаласини кўриб чиқди. Бунда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил қилишда туризмнинг аҳамияти катта эканлиги қайд қилинди. Пленумда Андижон “Строймашина” заводининг туризмни ташкил қилиш соҳасидаги тажрибасини оммалаштириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Шу билан бирга

олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабаларининг соғломлаштириш лагерьларини куришга қарор қилинди.

Бу пленумда Самарқанд вилоят туристларининг “1қ4” ташаббуси кенг маъқулланди. Ҳар бир коллективда туризм секциясини ташкил этиш, ўлкани ўрганиш, соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш, ҳар 10-12 туристга битта инструктор тайёрлашга қарор қилинди. Республика касаба уюшмалари ташкилотига Чимёнда туристик комплекс куриш топширилди.

ВЦСПСнинг 1962 йил 20 июлдаги “Туризмни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига асосан 1962 йилда Ўзбекистон ССРда туризм Совети ташкил топди ва унинг биринчи ташкилий пленуми 1962 йил 13 сентябрда бўлди.

1962 йили Самарқандда республика туристларининг 1-слёти бўлди. Ўзбекистон ССР вакиллари шу йилиёқ Бутуниттифоқ туристлар слётида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Бу даврга келиб Самарқанд область туристларининг махорати бирмунча ошди. Шаҳар туристлар секциясида тажрибали туристлар пайдо бўла бошлади. А.П.Аванесов, В.Н.Бойцони (техник), О.Т.Никонов (озик-овқат трести методисти), Р.П.Сухарева (тикув фабрикасининг ишчиси), В.П.Заруцкий (№21-сонли мактаб ўқитувчиси), Р.Абдумаликов (хотин-кизлар педагогика билим юртининг ўқитувчиси) ана шулар жумласидандир.

Самарқанд жисмоний тарбия педагогика билим юртининг туризм секцияси 1962 йилда туристик жихозлар харид қилиш, дам олиш куни походи ва кўп кунлик туристик саёҳатлар уюштириш бўйича республикадаги туризм секциялари ичида биринчи ўринни эгаллади.

1963 йил 13 декабрьда республика туризм кенгашининг президиуми йиғилишида ўша йилнинг 11-15 октябрыда бўлиб ўтган I чи Бутуниттифоқ туристик чамалаб топиш мусобақасида қатнашган республика жамоасининг кўрсатган натижаларини кўриб чиқди. Бунда команда вакили О.Н.Миллер, жамоа капитани Г.Г.Капустин ахборот бердилар. Ахборотда айтилишича, 1963 йил 11-14 октябрыда Ужгородда Бутуниттифоқ туристик чамалаб топиш

мусобақаси бўлиб ўтган ва унда республика терма командасидан 12 киши катнашган. 13 та иттифоқдош республикалардан 29 та дамоа иштирок этган. Бунда эркаклар 8,1 км. ва аёллар 6,3 км. лик махсус маркаланган трассада куч синашганлар. Аёллар командаси 18 ва эркаклар жамоаси 29-(охирги) ўринни эгаллаган. А. Малихина (Тошкент, Округ офицерлар уйи) 191 иштирокчи орасида 44 ўринни эгаллади.

Республикада 1963 йилда 296 та секция мавжуд бўлган бўлса, 1964 йилда уларнинг сони 1000 тага етди, туристлар сони эса 23,7 мингдан 50 минггагача ўсди. Поход катнашчиларининг сони 80 мингдан 160 мингга кўпайди, “СССР туристи” нишондорлари сони 3197 кишидан 10 минг кишига ортди.

1966 йилда туристлар тайёрлаш борасида бирмунча муваффақиятларга эришилди. қуйидаги жадвал бунинг яққол далилидир.

Жадвал 1

### Туристларни тайёрлаш маълумоти

Спорт жамяятлари	Туристлар сони	Разрядлар			СССР туристи нишондори	Жамоатчи институт	суўьялар	турбазалар
		I	II	III				
“Меҳнат”	19729		17	184	1810	564	193	6
“Спартак”	16956	—	3	313	3661	681	110	9
“Буревестник”	3518	4	49	236	304	159	2	17
“Локомотив”	1935	16	5	10	576	98	9	4
“Пахтакор”	4073	9	—	—	1834	8	32	4
		—						

1961-1970 йиллар давомида Ўзбекистон вилоятларида туризмни ривожлантириш, секциялар ташкил этиш, туризмни кенг тарғибот қилиш, кадрлар тайёрлашда К.С.Аничков, В.И.Рацек, А.Ҳасанов (Тошкент), Г.Г.Капустин (Чирчик), Н.И.Бойцони, Н.М.Виноградов, Н.Аминов (Самарқанд), А.Ларионов (Фарғона), О.Я.Кейльман (Навий) ва бошқаларнинг хиссаси катта бўлди.

1967 йилга келиб Ўзбекистоннинг 9 та вилоятида туризм кенгашлари (2таси жамоатчилик асосида) фаолият кўрсата бошлади. Уларда 10 та экскурсия бюроси, 38 та прокат пунктлари, 50 дан ортиқ шаҳар ва район туристлар клуби, 2 минг турист шуғулланди. 63 та соғломлаштириш-туристик клублари мавжуд бўлиб, 27 минг меҳнаткаш ва ўқувчилар унда дам олишди.

Жадвал 2

### Ўзбекистонда туризмнинг таракқиёти

Кўрсаткичлар	1965 й. 1 январигача			1966 й. 1 январигача		
	Жами	Туризм кенгаши бўйича	Мактаб туризми	Жами	Туризм совети бўйича	Мактаб туризми
1. Туризм секцияси	1000	-	420	1626	-	819
2. Туристлар сони	90450	-	34306	208002	-	92188
3. Туристлар клуби	34	16	12	44	32	12
4. Соғломлаштириш лагерълари	41	-	15	41	-	15
5. Лагеръларда дам олувчилар сони	23730	-	8534	24200	-	9000
6. Дам олиш куни поход қатнашчилари	295854	1980	225470	382521	2018	312099
7. Кўп кунлик сەҳат қатнашчилари	277254	584	203200	244050	470	195793

1970 йилда 1771 туристик секциялардан 30 мингдан ортиқ киши оммавий туристик походларда иштирок этди. Шу йили бизнинг республикамизда 80 та туристлар клуби, жисмоний тарбия жамоаларида эса 3200 туризм секциялари мавжуд бўлиб уларда 6000 жамоатчи кадрлар тайрланган, 383 та маршрут, 90 та, прокат пункти, 70 та соғломлаштириш лагерълари ишлаб турган эди.

**Республика вилоятларида туризмнинг ривожланиши  
(1968 йил маълумотлари)**

Вилоятлар	Туризм билан шугулланувчилар	Спорт мастер-лигига номзод ва I разрядли-лар	II разряд	III разряд	Ёшлар разряди	Инструкторлар	Сувьялар	“СССР туристи” нишондорлари
1. Андижон	4178	-	-	-	-	116	20	558
2. Бухоро	4518	4	6	108	49	147	47	342
3. кашкадарё	5312	-	-	262	-	17	66	123
4. Наманган	1920	-	-	-	-	68	-	-
5. Самарқанд	10517	6	37	345	235	641	204	3740
6. Сирдарё	1288	-	-	-	-	1	14	-
7. Фарғона	18086	2	9	468	-	110	141	5421
8. Хоразм	1562	-	-	-	-	19	31	-
9. Тошкент шаҳри	8854	7	29	195	148	203	170	1872
10. ққАССР	346	-	-	-	-	-	9	36

Шу йили 30 мингдан ортиқ киши бу жойларда дам олди, дам олиш кунлари походларида 800 минг, кўп кунлик туристик саёхатларда эса 134 минг киши жамоалардаги жисмоний тарбия мутахассислари, комсомол, касаба уюшма ташкилотлари фаоллари айниқса жонбозлик кўрсатдилар.

Гўзал Тошкентга ҳар йили ўн минглаб туристлар жаҳоннинг барча бурчақларидан ташриф буюришади. Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига (1983) дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларидан келган меҳмонлар тантаналарда иштирок этдилар.

Улар қўхна, аммо доимо навқирон Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий обидалар, замонавий маданий-маиший иншоотлар билан танишдилар.

Ҳозирги кунда ҳар бир вилоятда йирик туристик базалар, болалар туристик талабалари ташкил этилган. Мактаб ўқувчилари, студент-ёшлар

таътил пайтларида туристик походлар ташкил қилиш, саёхатларга бориш, шаҳарларга экскурсия уюштиришнинг оммавий шаклларида кенг фойдаланмоқдалар.

Самарқанд шаҳарида 50 йилдан ортиқ давр мобайнида туризм ва ўлкашунослик университети иш олиб борди. Унда мактаб ўқувчилари, студент ёшлар, мутахассис ишчи- ёшлар 2 йил давомида шуғулланмоқдалар.

Жадвал 4

#### Ўзбекистондаги туристик базалар ва уларда дам олувчилар сони

Кўрсаткичлар	1970 й	1975 й	1976 й	1977 й	1978 й	1979 й	1980 й	1984 й
1. Туристтик базалар сони	8	22	20	22	23	27	30	36
2. Ётиш жойлари сони (минг)	1,4	3,6	3,6	3,7	4,6	5,7	6,1	8,2
3. Турбазаларда дам олувчилар (минг)	74,5	198,4	237,3	326,7	395,7	475,6	510,0	621,0

1970 йилда 197,6 минг киши ва 1979 йилда 43812 киши дам олиш куни походларида, 118 минг киши эса 1-2 кунлик походларда қатнашди.

Республикада туризмнинг ривожланишига жисмоний тарбия жамоалари ва уларда ўтказиладиган барча тадбирлар, айниқса ГТО комплекси меъёрларини топширишни уюштириш ишлари катта тўртки бўлди.

## Республика вилоятларида жисмоний маданият ва туризм кўрсаткичлари

Вилоятлар	Жисмоний тарбия жамоасони	Жис. тар-я билан шуғулланувчилар	ГТО нишондорлари сони	Туризм билан шуғулланувчилар сони	% хисобидан
1. ққАССР	844	188017	90961	500	2,7
2. Андижон	833	327351	164230	12650	3,9
3. Бухоро	885	317285	155509	13576	7,3
4. Жиззах	529	87315	34242	3185	3,8
5. қашқадарё	934	197014	987	7525	3,8
6. Наманган	743	235712	123090	11880	5,01
7. Самарқанд	1434	390502	172255	36123	9,2
8. Сурхондарё	764	181782	81509	24956	13,7
9. Сирдарё	429	102157	59557	3666	3,6
10. Тошкент ш	553	391169	1650072	36076	9,2
11. Фарғона	1081	395515	175847	26798	6,8
12. Хоразм	619	172943	56678	19924	11,5
13. Тошкент	1257	374660	188078	16041	4,0
<b>ЎзССР</b>	10931	3,361,422	1,536,695	216407	6,0

Эътироф этиш керакки, собиқ иттифоқ давридаги Ўзбекистон туризми ва у билан боғлиқ бўлган тадбирлар, қарорлар ҳамда баъзи бир атамалар ўша давр номи билан ифодаланди. Чунки ҳар бир воқелик ўз номи билан аталиши мақсадга мувофиқдир. Тарихий номлар ва атамалардан ҳозирги ёшлар воқиф бўлмоғи керак.



**Республика спорт жамиятлари кенгашларида туризм иши бўйича  
кўрсаткичлар**

Спорт жамиятлари	Жисмоний тарбия жамоалари	Жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар	ГТО нишондорлари	Туризм билан шуғулланувчилар, % ҳисобида
1. "Буревестник"	37	91890	2933	8563 9,0
2. "Локомотив"	223	43859	12665	6174 1,4
3. "Мехнат"	421	206167	63996	24561 1,2
4. "Пахтакор"	2193	675030	253431	13233 2,0
5. "Спартак"	640	289422	95479	41306 1,4
6. "Мехнат резервлари"	396	178487	122791	13662 7,6

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, мактаб ўқувчилари, туризм бўйича тажрибали кадрлар, туризм бўйича машғулотларда доцентлар А.Абулқосимов, К.Абдужабборов (университет), И.Холмуродов (Жисмоний тарбия педагогика билим юрти), Б.Климов (Небсонли мактаб), В.И.Кучерявих (область туризм кенгаши), А.П.Аванесов ("Спартак" кўнгилли спорт жамияти туризм секциясининг раиси) ва бошқалар фаол иштирок этганлар. 1960-1980 йиллар давомида К.Д. Ушинский номидаги хотин-қизлар педагогик билим юрти С.Айний номидаги Давлат педагогика институти (Р.Абдумаликов, Т.Холдорев), Макаренко номидаги жисмоний тарбия педагогика билим юрти (И.Холмуродов) туризм секциялари республика кўрик-конкурсларида оммавий туризмни ташкил қилиш, кўп кунлик туристик поход ва экскурсияларни ўтказиш бўйича ғолибликни қўлдан бермай келмоқдалар. Бу жамоалар Туркистон тизма тоғлари, Зарафшон тоғлари, Фаиск тоғлари, Тянь-Шаньдаги Иссиққўл ва Тожикистон тоғларига жуд кўп саёхатлар, походлар ўтказишди. Бундай тадбирлар Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятларида ҳам ташкил қилинди. Республикада туризмни ривожлантириш ишида Ўзбекистон қасаба уюшмалар кенгаши қошидаги туризм ва экскурсия республика кенгаши қатта фаолият кўрсатиб келди.

**Республика туризм ва экскурсия кенгаши бўйича спорт жамиятларида  
туристик иш кўрсаткичлари**

Спорт жамиятлари	Секция-лар сони	Клублар сони	Туристик жиҳозлар билан таъминловчи	“СССР туристи” нишондо рлари	II-III ёшлар разрядига эга бўлганлар сони	I разрядли	Спорт мастер - лигига номзодлар
1. “Буревестник”	41	-	1	341	217	3	-
2. “Зенит”	54	-	-	7450	2150	-	1
3. “Локомотив”	21	-	-	739	341	3	-
4. “Меҳнат”	65	-	12	4769	1112	-	-
5. “Пахтакор”	162	1	51	8783	3287	-	-
6. “Спартак”	207	2	13	10 25	4868	5	2
1. “Меҳнат резервлари	396	4	99	87977	16716	28	-
Республика бўйича:	1026	7	176	120 73	18004	39	3

**Туризм бўйича кўрсаткичлар**

№	Кўрсаткичлар	Жами	Авто-туризм	Вело-туризм	Сув туризми	Тоғ туризми	Мого туризми	Пиёда юриш туризми	Фор туризми	Чангида юриш
1	Туризм билан шугулланувчилар сони	68124	423	274	523	8588	421	56812	-	180
2	Жамоатчи кадрлар	5283	29	25	89	695	24	4404	-	17
3	Туризм бўйича судьялар	1045	18	10	41	183	9	772	-	12
4	Ўлка бўйлаб маршрутлар	228	-	2	6	97	-	123	-	-
5	Бир кунлик ва кўп кунлик походлар	19372	135	32	254	4870	57	141778	-	26
6	Бир кунлик ва кўп кунлик поход катнашчилари	360749	410	247	594	49333	117	310777	-	-
7	Категориялик саёхатлар	148	20	9	14	64	20	91	-	269
8	Категориялик саёхат катнашчилари	1481	165	12	546	635	-	123	-	-

9	Туристтик клуби (Республика кенгашида)	31								
10	Катта инструкторметодис тлар	3								
11	Инструктор- методистлар	28								
12	Контрол-муҳофаза қилиш ходимлари	18								

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, туризм қайси давр ёки қайси давлатнинг қандай тузуми ҳамда тизими бўлишидан қатъий назар у мазмун жиҳатдан фақат саломатликни яхшилаш, хордиқ чиқариш, жисмоний жиҳатдан чиникишга қаратилади. Уларнинг негизида ўлкани ўрганиш, табиатни муҳофаза қилиш устувор бўлади. Шу сабабдан ҳам Чор Россияси ва кенгашлар мустамлакачилиги даврларида Ўзбекистоннинг турли худудларида ўтказилган экспедициялар, кидирув ва илмий тадқиқотлар юртимизда ривожлантиришда маълум даражада ҳисса қўшилган.

Айниқса XX асрнинг 60-70 йиллари мобайнида Республиканинг барча шаҳарларидаги ўқув юртларида оммавий пиёда юриш саёҳатлари, йирик марказий шаҳарларга поезд, автобус, самалётларда сайр (экскурсия) томоша қилиш юқори даражага кўтарилди. Натижада ўқувчи ёшлар Москва, Ленинград, Киев ва бошқа Марказий шаҳарлардаги олий ўқув юртларида таҳсил олишди. Улар ҳозирги мустақиллигимизни яратиш, ҳимоя қилиш ва истиқболини таъминлашда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

## 1.4 Ўзбекистоннинг Мустақиллиги даврида туризмнинг янги

### Йўналишлар ва уларнинг истиқболлари

Республика Президенти И.А.Каримов “Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонолигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат”,- деб мустақиллик жараёни ҳақида фикр билдирган. Бунда туризм, айниқса халқаро туризмнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва моҳиятлари мавжуддир.

Маълумки, ижтимоий-маданий турмуш шароитлар давлат тасарруфидаги кўп соҳалар, бошқарув органлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Айниқса иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнлар унинг асосини ташкил этади. Фан, соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний маданият ва спорт каби энг муҳим соҳалар инсоният учун энг зарур тадбирлар сирасига киради.

Ўзбекистон мустақиллиги янги йўналишдаги ва ўз истиқболлидаги ижтимоий-маданий ҳаётга йўл бошлади. Шу асосда деярлик барча соҳаларда туб ислохатлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизими, маданият ва бошқа соҳалардаги ислохатлар ўзининг ижобий самараларига эришмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги қонунида (12-модда) белгиланганидек, “Санаторий-курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва туристик базаларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари” муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан биридир. Шу сабабдан “Барча санаторий-курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва туристику базаларда жисмоний тарбия моддий базаси ҳамда яққа тартибда ва гуруҳ бўлиб ўтказиладиган жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулоти учун бошқа шарт-шароит яратилади”, - деб алоҳида таъкидланган. Бунинг боиси шундаки соғломлаштирувчи жисмоний тарбия воситаларининг муҳим таркибий қисми саёҳатлардир.

Аҳолининг барча қатламларида ва тоифаларда соғломлаштириш, хордиқ чиқариш ва кўнгил очиш тадбирларини янада кенг ёйиш, бунда сайр-саёҳатларни (туризм) мақсадли ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда.

Буюк келажак авлодларини тарбиялаб етиштириш, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотини оширишда саёҳатларнинг барча турлари ҳамда шаклларида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги халқаро маданият алоқаларни кучайтириш ҳамда уларнинг кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Халқаро маданий алоқалар мазмунида тарихий шаҳарлар, аجدод-авлодлардан мерос бўлиб қолган турли хил обидалар, замонавий кошоналар, музей, театр, спорт иншоотлари, аҳоли истиқомат жойлари муҳим ўринларни эгаллайди. Шу сабабдан бу соҳаларни янгилаш, таъмирлаш, сайқал ва зеб бериш, айниқса саёҳатлар ва меҳмонларга туристик хизматларни яхшилаш талаб даражасид бўлмоғи зарур.

Ана шундай кенг камровли ижтимоий-тарбиявий жиҳатларни ташкил қилиш ва уюштириш мақсадида Республикада Ўзбектуризм компанияси ташкил этилди (1995 йил).

Унинг, зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилганлигини эслатиш лозим бўлади, яъни:

1. Аҳолининг маданий дам олишлари ва саёҳат қилишларини таъминлаш.
2. қадимий буюк ипак йўли ўтган шаҳарларга аҳолининг сайр-саёҳатлар қилишига шарт-шароитлар яратиш.
3. Улуғ алломалар хотирасига бағишлаб қурилган мақбаралар, ёдгорлик масканлари ва ҳ.к.га зиёрат қилиш учун саёҳатлар уюштириш.
4. Ўқувчи ёшларнинг тарихий ёдгорликларни саёҳатлар орқали ўрганиши ва сайр қилиб дам олишларини таъминлаш.
5. Халқаро туризмни ривожлантириш, чет мамлакатларга саёҳат қилиш, чет элдан келадиган саёҳатлар гуруҳини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш.

6. Тижорат, ўзаро ҳамкорлик ва бошқа мақсадларда саёҳат тадбирларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

7. Туризм бўйича маданий хизматларни кенгайтириш, уларга ёшларни жалб этиш ва мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ва х.к.

Таъкидлаш зарурки, мустақиллик шароитидаги саёҳатларга бўлган талаблар аввалги даврлардаги туризмдан кескин фарқ қилмоқда. Булар ўз навбатида Республикада туризмни ривожлантиришнинг янги йўналишлари ҳамда шакллари очиқ бермоқда. Бундай жараёнларни янада ривожлантириш масалалари. Республика ҳукуматининг диққат-марказида турибди. Буни ЎзР Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” ва 1999 йил 30 июндаги “Ўзбекистонда туризм учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, ЎзРВМнинг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 1999 йил 2 июлдаги №324-сонли қарори мисолида кўриш, 1999 йил 2 июлдаги қарорига асосан мамлакатда туризм бўйича замон талаблари даражасида мутахассис кадрлар тайёрлайдиган махсус таълим муассасаларини яратиш ҳамда шу асосда туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада оширишни мақсад қилиб қўйилган. Шу сабабдан:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан биргаликда 1999 йил 1 августга қадар:

Тошкент Давлат иқтисодийёт университети таркибида халқаро туризм факультети фаолият кўрсатиб келмоқда;

Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизида Тошкент туризм касб-хунар коллежини ташкил қилиш;

2. Тошкент маданият институтидаги туризм факультетига режалаштирилган қабул (80 та) Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида ўтказилсин, деган кўрсатмалар мавжуд.

3. Термиз ва Шахрисабз шаҳарларида туризм касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳам мўлжалланган.

Ушбу қарорда (5-банд) кўрсатилишича ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиокомпанияси, Ташки ишлар вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги туризм соҳасидаги таълим муассасаларига ҳар томонлама ёрдам беришлари таъкидланган. Бундай маъмурий ва ташкилий ишларни бажаришдан мақсад шундаки, Республикада туризм хизматлари ҳамда улар билан бевосита боғлиқ бўлган амалий фаолиятларни юқори даражага кўтаришдан иборатдир. Бу билан юртимиз шон-шухратини жаҳонга тарқатишдаги фаолиятларда туризм муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилганлигини билиш ва англаш қийин эмас, албатта. Республиканинг барча ижтимоий-маданий салоҳиятларини юқори даражага кўтариш, айниқса аҳоли ўртасида туризмни оммалаштириш асосий тадбирлардан бирига айланмоқда. Шу жиҳатдан ҳам уни қонуниятлар билан қафолатлаш даври етиб келди. Буни Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни (1999 йил 20 август) мисолида кўриш мумкин. Бу қонун 22 моддадан иборатдир. Уларнинг баъзи бир ўрта муҳим жиҳатларини намуна тариқасида келтириш лозимдир, яъни:

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

3-модда. Асосий тушунчалар. Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан

шугулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиш (саёҳат қилиш): турист-Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс;

Экскурсия фаолияти-туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми;

11-модда. Туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи. Туристик саёҳат яқка тартибда ёки туристик гуруҳи таркибига амалга оширилади. Туристик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

қонуннинг бошқа моддалари туристлар ва туристик ташкилотларнинг ҳуқуқлари, вазифалари, турли хил шартномалар ва улар билан боғлиқ бўлган фаолиятлар ўз ифодасини топган.

Мазкур қарорлар ва қонун асосида уюштирилаётган туризм асосан давлат аҳамиятига молик бўлган тадбирларидир. Булар асосан йўланма (путёвка) ва рухсатномалар (лицензия) орқалигина амалга оширилади ва турли хил уловларда (самолёт, поезд, автобус, енгил машиналар ва ҳ.к.) юриш орқали амалга оширилади.

Эътироф этиш лозимки, жаҳондаги жуда кўп мамлакатларда, айниқса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида (МДҲ) туризмнинг бу шакллари билан бир қаторда ҳаваскорлик туризми (пиёда юриш, тоққа чиқиш, транспортларда юриш, дарё, кўллар ва ҳ.к.да сайр қилиш) ҳам асосий ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳаваскорлик туризмнинг шаклланиши ва унинг ривожланишида касаба уюшмалари ташкилотлари гамхўрлик қилиб келганлиги юқорида баён этилди. Лекин мустақиллик даврида ҳаваскорлик туризми шаклан ва мазмунан ўз кучини қисман пасайтирди. Бунинг



объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта, яъни моддий таъминот, транспорт, жиҳозлар, хавфсизликни сақлаш, ташкилий ва хўжалик ишлари ҳамда бошқа кўп муаммолар вужудга келди. Шунга қарамасдан аҳолининг саломатлигини яхшилаш ўқувчи ёшларнинг жисмоний камолотини таъминлаш йўлида туризмнинг ўрни ва моҳияти йўқолган эмас. Бу жиҳатдан давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Бундай ижтимоий-маданий ва тарбиявий жараёнларни амалга ошириш мақсадида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мажмуи ишлаб чиқилиб, уни 2000 йил 1 мартдан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу мажмуада барча ёшдаги (6 ёшдан 60 ёшгача) кишилар учун мўлжалланган синов меъёрлар таркибида сайр-саёҳатлар (пиёда юриш) ўрин эгаллаган. Уларни намуна қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1. Бошланғич синф (I-IV) ўқувчилари учун дам олиш кунларида 2-5 км. масофаларга сайр (экскурсия) ташкил қилиш, пиёда юриш билан атроф-муҳитни кузатиш, танишиш.
2. V-VII синф ўқувчилари билан татил пайтларида 10-12 км. масофалик жойларга саёҳат ташкил қилиш ёки ўқув йили давомида камида 2-3 маротаба 3-5 км. масофага саёҳат қилиш. Бунда туристик шароитлар билан танишиш, ҳаракат қилиш, жиҳозлар, чодир ўрнатиш малакаларини ҳосил қилиш.
3. VIII-IX синфларда дам олиш кунини саёҳатларини (йил давомида 2-3 маротаба) ўтказиш ва 20-25 км. Масофаларга пиёда юриш. Чодир ўрнатиш, компас ва бошқа воситалар орқали чамалаб топиш, маданий дам олиш ва ҳ.к.ни ўрганиш.
4. Академик лицейлар (юқори синфлар), касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшлари ҳамда Олий ўқув юртларининг талабалари тунаб келиш саёҳатида катнашишлари, туристик техника бўйича мусобақаларда иштирок этиш ва бошқа талабларни бажаришлари кўзда тутилган.
5. Ўрта ва катта ёшдаги кишилар ҳам дам олиш кунини ҳамда тунаб келиш саёҳатларида фаол катнашишлари тавсия этилган.

Махсус тестлардаги туристик талаблар ва синов меъёрлари шуғулланувчи ёки қатнашчиларнинг ёши, жисмоний тайёргарлиги, жинси ҳамда саёҳатларга қизиқишларини эътиборга олади. Ўз навбатида уларнинг жисмоний жиҳатдан ривожланиши, саломатликни яхшилаш, чиникиш каби сифатлар ҳамда ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, ўлкани ўрганиш билан Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, экологик муҳитни сақлашга қўмақланган назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, уларни бойитиш фазилатлари ҳам мужассамлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда туризм Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий маданияти салоҳиятини янада мустаҳкамлашга маълум даражада ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу йўлда Республика Президенти ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган турли-туман тадбирлар, бевосита ғамхўрликлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эътироф этиш керакки, Ислом дини оламида ҳаж, зиёрат қилиш, улуғ алломаларни эслаш каби жиҳатлар анча устувор туради. Бундай мўътабар тадбирларни ўтказишда юртимиз фозиллари, уломалари ва турли соҳадаги кишилар фаол иштирок этмоқда. Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар, айниқса Амир Темур мақбараси, Шохизинда, Бибиҳоним, Регистон, Хўжа аҳрор, Имом ал Бухорий каби улуғ зотларнинг зиёратгоҳлари, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлардаги тарихий-маданий ёдгорликлар фақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё халқларинигина эмас, ҳатто Араб мамлакатлари, АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия ва жаҳондаги жуда кўп давлатларнинг одамлари диққатини жалб этмоқда.

Ўз навбатида юртимиз аҳолиси ҳаж қилиш мақсадида Саудия Арабистони ва бошқа араб мамлакатларига саёҳат қилишни одат қилиб олишди.

Зиёлилар, йирик мулкдорлар, тижоратчилар ва ўқувчи-ёшлар, талабалар ҳам хизмат юзасидан турли саёҳатларда фаол иштирок этмоқда. Бу жиҳатдан Собиқ Советлар давридаги туризмдан анча бой, кенг қамровли,

буюк мақсадлар йўлида янгиланиб бораётган кескин фарқ қилувчи саёҳатлардир.

Ўқувчи ёшлар ва меҳнаткаш аҳолининг сеvimли саёҳатларидан бири пиёда юриш, тоққа чиқиш, от ва бошқа уловларда гўзал манзарали табиат қўйнида саёҳат қилиш каби фаолиятлар ҳам янги шакл ва мазмунга эга бўлиб, улар ҳам оммалашмоқда. Ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларида саёҳатлар ўзига хос мазмунга эга бўлмоқда.

Аҳолининг саломатлигини яхшилаш, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялашда туризм ўз мавқеи ва мақомига эришмоқда. Бу жиҳатлар “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мажмуида ўз ифодасини топганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

#### Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар.

1. қадимги аждодларимизнинг саёҳатлари қандай ифодаланган, улар бизгача қандай етиб келган?
2. Ўзбекистонга босқинчилик йўли билан келган Чор россияси ва советларнинг туризм соҳасидаги тадбирлари нимадан иборат эди. Ижобий томонларни баён этинг.
3. Мустақиллик йилларида юртимизда саёҳатлар бўйича қандай тадбир-чоралар кўрилди?
4. Саёҳатларнинг ҳозирги давр талаблари нимадан иборат?
5. Халқаро туризм тушунчасини ифодаланг.
6. Саёҳатбоп масканларни эслатинг.

## II-БОБ. СОҒЛОМ АВЛОД ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ

### 2.1. “Соғлом авлод” Давлат дастури ва унда туризмнинг педагогик моҳиятлари

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Президент ташабуси билан аҳолининг саломатлигини яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш, оила ва маҳаллалар, ҳамда меҳнат жамоаларида соғлом авлод учун барча имкониятларни ишга солиш, меҳнат ҳамда тарбиявий жабҳаларда астойдил фаолият кўрсатган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари амалга оширила бошлади. Бу йўлда айниқса “Соғлом авлод учун” уч даражали орденларнинг таъсис этилиши, оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар, тиббий ходимлар, тарбия муассасаларининг раҳбар ходимлари ўринли мукофотланиб келинмоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов соғлом авлод иборасини қуйидагича тавсиф этган: “Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом иймон эътиқоди бутун билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк миллатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қутқара олади” (“инсон бахт учун туғилади”, 2001 йил 109 бет). Ана шундай мураккаб ва кенг қамровли тарбиявий жараёнларни амалга ошириш учун “Соғлом авлод” Давлат дастури мукамал равишда ишлаб чиқилди (1999 йил) ва у ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Унинг йўналишларида таълим-тарбия, маънавий-маърифий маданият, тиббиёт, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳалар ўрин олган.

Маълумки соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришда тиббиёт асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзининг амалий ҳаракати ва фаолияти билан яшаётган катта-кичик инсонлар жисмоний меҳнат орқали соғломдирлар. Бу соғлиқни жисмоний тарбия воситалари орқали мукамаллаштириш ҳаётий эҳтиёж эканлиги дастурда талқин қилинган. Шу жиҳатдан ҳам энг кичик

ёшдаги болалардан тортиб то вояга етиб, мустақил ҳаёт кечиришга тайёр бўлган йигит-қизларгача давлат дастури асосида жисмоний тарбия берилмоқда. Уларнинг жисмоний баркамоллигини мустаҳкамлаш, катта ёшдаги кишиларнинг саломатлигини тобора яхшилаб боришда оммавий соғломлаштирувчи жисмоний маданият ва спорт тадбирлари узлуксиз равишда ўтказилмоқда.

Буюк келажак авлодимизни тарбиялаб етиштириш, уларнинг саломатлигига кафолат беришда жисмоний тарбия воситалари, айниқса спорт турлари, туризм муҳим ўрин эгаллашлиги “Соғлом авлод” Давлат дастурида ўз ифодасини топган.

Туризмнинг педагогик хусусиятлари ва моҳиятлари шундаки, ёшларнинг соғлигини яхшилаш, уларни жисмоний чиниктиришда энг аввало гуруҳ бўлиб саёҳатларда юриш, бир-бирига меҳрибон, дўст ва Ватан туйғулари мужассамлашади.

Катта ёшдаги кишиларда аҳиллик, меҳнат ва атроф-муҳитга бўлган муносабатларни яхшилаш, касб-ҳунар эгалари ва тарихий обидаларга ҳурмат билан қараш каби ижтимоий-маданий жараёнлар мустаҳкамланади. Бу тадбирларни ташкил этувчи ва жойларда етакчилик, ижрочилик қилган ходимлар саёҳатчиларнинг қизиқиши, муносабатлари ва эҳтиросларини яхши билиши, педагогик маҳоратларга эга бўлмоғи лозим.

Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбия воситалари, шунингдек саёҳатларнинг пиёда юриш, уловларда сайр-саёҳат қилиш ва бошқа турларидан мақсадли фойдаланиш зарурдир.

## 2.2. Туризмнинг соғломлаштирувчи ва таълим берувчи хусусиятлари

Жисмоний тарбия тизимида туризм кўп қиррали ижтимоий-тарбиявий хусусиятларни ўзида мужассам этган. Уларнинг таркибида соғломлаштириш ва таълим бериш энг муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятлардир.

Соғломлаштириш хусусияти шундаки саёҳатларда бевосита амлага ошириладиган юриш, югуриш, паст-баланд жойлар турли тўсиклардан ўтиш, тез оқар ариқлар ва дарёлардан кечиб ўтиш амалий фаолиятини талаб этади. Шунингдек, елкада юкларни кўтариб юриш, тоза сувлардан мириқиб ичиш, соф ҳавода дам олиш, ухлаш, қуёш нурларида тобланиш саломатликни яхшилаш омилдир.

Тарихий обидаларни кўриш, томоша қилиш, ўрганиш жараёнларида ҳам маълум масофаларни пиёда ўтишга тўғри келади. Соатлаб оёқларда туриш, ҳаракат қилиш талаб этилади. Соя-салқин жойлар ва хиёбонларда ўтириб дам олиш, ҳордиқ чиқариш ҳам соғлиққа ижобий таъсир этади.

Саёҳатларнинг таълим бериш хусусияти шундаки, жойларнинг номлари, тарихий келиб чиқиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, этнографик ҳолатлар билан танишиш, хариталарни ўқиш, чизғилар тайёрлаш, кундалик ва саёҳат эсдаликларини ёзиб бориш ҳар бир катнашчида маълум билимларни ўргатади ёки билимни талаб этади.

Шу билан биргаликда саёҳатлар давомида нафас олиш, юрак қон томирларининг уриши, мушак ҳаракатлари сарф қилган кучни ва уни озиқ-овқатлар, дам олиш билан тиклаш ҳақидаги билимлар билан ҳам қуроллантиради.

Саёҳатларнинг соғломлаштирувчи ва таълим берувчи хусусиятлари ўқувчи ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолотини ўстиришда хизмат қилиши мумкин. Шу сабабдан ўқувчи ёшлар, талабалар билан асосан пиёда юриш оммавий саёҳатларни кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Туризмнинг моҳиятлари ва уларнинг турлари ҳақида яна қисқа мулоҳазалар қилиш лозим бўлади.

Тарбия – ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама ўстириш, унинг онги ва ҳулқ-атворини таркиб топтириш жараёнидир. Туризм эса кишиларни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Туризм жисмоний тарбиянинг ажралмас қисми сифатида соғломлаштириш ва мажмуий тарбияни амалга ошириш вазифаларини бажаради. Бу эса шахсни ҳар томонлама камолга етказиш воситаларидан биридир.

Туризм ақлий тарбия тараққиётига бевосита таъсир этади, ёшларнинг география, биология, тарих, геология, иқтисод, адабиёт, маънавият ва бошқа фанлар бўйича олган билим ҳамда малакаларини янада бойитади. Тарихий обидалар билан танишиш кишиларининг улкан яратувчанлик меҳнатларини ўз кўзлари билан кўриш ёшларнинг фикр доиралари, билим ва малакаларинигина ошириб қолмасдан, уларда Ватанга муҳаббат, жамоатчанлик руҳини ҳис қилиш, халқлар ўртасидаги дўстликни эъзозлаш каби ҳис ва туйғуларни ҳам тарбиялайди.

Мустақиллик яратган улкан қурилиши ва меҳнат шон-шухрати жойларига турли саёҳатлар уюштириш ғоявий-сиёсий, ахлоқий, жисмоний тарбиянинг ягона бирлигини ташкил этади. Бунда юртимиз кишисининг ҳақиқий ахлоқий принциплари, коллектив маданиятини биринчи ўринга қўйиш шаклланади.

Бундай саёҳатлар жараёнида ахлоқий-иродавий сифатлар: соф виждонлилик, уюшқоқлик, жасурлик, бурчни ҳис қилиш, ўзаро ёрдам ва ўртоқлик ҳис-туйғулари синовдан ўтади ва чиниқаади. Ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш меҳнат жараёнларида характер, ишонч тушунчалари умумий маънода шаклланса, туристик саёҳатлар жараёнида улар амалда синалади.

Туристлик фаолиятлар жараёнида меҳнат малакаси ҳам шаклланади. Туристлар бутун саёҳат давомида юк кўтариш, турли тўсиқлардан ўтиш,

кечалари тунаш учун жой тайёрлаш, овқат пишириш учун ўтин тўплаш, дам олиб ва тунаб ўтган жойларини тартибга келтириш, оёк кийимларини доимо яхши сақлаш ва бошқа жуда кўп зарур ҳаётий юмушларни бажаришларига тўғри келади. Бу жарёнлар эса ҳар бир кишидан, айниқса ёшлардан меҳнатсеварлик, уюшқоқлик каби фазилатларни талаб этади.

Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон шароитида туристик походлар, экскурсиялар давомида кишлоқ меҳнаткашларига зарур ёрдам кўрсатиш ҳам мўлжалланади. Бунда улар турли мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказиш, бадий ҳаваскорларнинг концертлари айрим спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувларини ўтказиш кабиларни режалаштирадilar. Баъзан мавсумий кўп кунлик походларда кўриқхоналар, ўрмон хўжалиги ходимлари, чорвадорларга мева териш, ем-хашак тўплаш каби ишларда ёрдам бериш керак бўлади. Масалан, 1960-1967 йилларда Самарқандда К.Д.Ушинский номидаги хотин-кизлар педагогика билим юртида, 1968-1980 йилларда С.Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ва 1976-1984 йилларда Жиззах давлат педагогика институтида талабаларнинг қишки ва ёзги таътил пайтларида Москва, Ленинград, Киев, Душанбе, Тошкент, Бухоро, Навоий, Фарғона шаҳарларига экскурсиялар; Искандаркўл, Кўли калон (Тожикистон), Исиккўл (киргизистон), Шохимардон ва бошқа жойларга кўп кунлик туристик походлар ташкил қилинди. Бу походларда тажрибали туристлар билан бир қаторда ҳаваскор ўқувчилар, талабалар ҳам қатнашди.

Тегишли юкларни (озик-овқат, чодир ва х.к.) кўтариш, чодир ўрнатиш, навбатчилик қилиш вазифаларини бажаришда баъзи ёшлар ўта ялқовлик қилишлари ёки ишни сифатсиз бажариб қўйишлари мумкин. Туристлик саёҳат қонунларида буларга асло ўрин йўқ. Аксинча, бундай ҳолларда фақат оддий туристларгина эмас, балки поход раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишга мажбурдирлар. Демак, саёҳатларда тарбиявий ишлар асосий ўринни эгаллайди. Бу эса поход қатнашчиларида меҳнатни севиш, бирдамлик, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш каби хусусиятларни мустаҳкамлайди.



Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги ёшларнинг ҳар томонлама гармоник камол топишларида ўқув юртлари, меҳнат жамоаларлари, ота-оналар, бутун жамоатчилик олиб борадиган тарбиянинг барча воситалари, шунингдек туризм ва барча спорт турларининг роли каттадир. Шу туризм ва барча спорт турларининг роли каттадир. Шу нарсани тан олишимиз керакки, ҳозирда фан ва техниканинг жадаллашиб кетиши маълум даражада кишиларнинг, жумладан, ўқувчи ёшларнинг ҳам кўп вақтини олмоқда. Бу эса толиқиш, рухан чарчаш ҳолларига, фаол ҳаракатнинг сусайишига олиб келмоқда. Бу ўринда тажрибада синалган ва дарслик муаллифлари томонидан 1980-1995 йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларидан далил келтириш жуда ўринлидир.

Талабаларнинг фаол ҳаракат фаолиятини ўрнатиш мақсадида қуйидаги шароитлар ўрганилди.

Самарқанд, Жиззах Давлат педагогика институтларининг гуманитар факультетларида ўқиётган талабаларни икки гуруҳга бўлиб чиқилди, яъни спорт секцияларида мунтазам шуғулланувчилар ва умуман секцияларда қатнашмайдиган талабалар (ҳар қайси гуруҳда 50 тадан киши) билан тажриба олиб борилди. Текширишлар натижасига кўра, спорт секцияларида шуғулланувчилар бир кунлик туристик походда (12- 16 км. пиёда юриш) тетик, фаол бўлдилар, туристик эстафеталар, жойларни схемалар, компас орқали чамалаб топишда яхши натижаларни кўрсатдилар. Туристик походларда кам иштирок этувчи ва спорт секцияларида шуғулланмайдиган талабаларнинг 70-80 фоизи (маҳаллий хотин - қизларнинг 90 фоизи) эса бир кунлик туристик поход давомида (12-16 км.) ўзларида чарчоқлик сездилар, эстафета ва чамалаб топиш мусобақаларида қатнашишга хоҳиш билдирмадилар.

Самарқанд ва Жиззах шаҳар мактаб ўқувчилари орасида ҳам юқоридаги тажриба ўтказилди. Тадқиқотлар натижасига кўра шуни айтиш мумкинки, мактаб ўқувчиларининг 75-85 фоизи туристик походларда

мунтазам қатнашиш истаги борлиги маълум бўлди. Лекин шаҳардан ташқарига уюштириладиган походларда иштирок этиш имконияти мактабларда ҳамма вақт бўлавермайди. Чунки ўқитувчилар кўпинча дам олиш кунлари турмуш ва оилавий ишлар билан банд бўладилар. Сабабларидан яна бири жамоатчи туристик кадрлар кам тайёрланган, борларининг ҳам тажрибаси етарли даражада эмас. Спорт секцияларида шуғулланувчи мактаб ўқувчилари эса тўсиқларни енгиб ўтиш, кисқа вақтда чодирларни ўрнатиш, биринчи тиббий ёрдами кўрсатиш каби машқларни бажаришда яхши натижа кўрсатадилар. Жисмоний тарбия дарсларида сууст шуғулланиб юрган ва спорт секцияларига катнашмайдиган ўқувчилар, айниқса киз болалар, юқоридаги талабларни бажаришда бир мунча кийинчиликка дуч келдилар. Бундай ҳолатлар 1995-2000 йилдаги кузатишлар, синов тажрибаларида ҳам аниқланди.

Хуллас, ўқувчи ёшларнинг фақат жисмоний тарбия дарсларидагина фаоллигини ошириб қолмасдан, балки спорт секцияларида ҳам мунтазам шуғулланиш, махсус тестлар меъёрларидаги туризм талабларини муваффақиятли бажаришга йўллаш керак бўлади.

Кўпчилик мутахассисларнинг илмий текширишларига караганда, кейинги пайтларда фаол ҳаракатнинг камайиши натижасида идора ходимлари, ақлий меҳнат кишилари ва бошқа соҳалардаги кишиларда юрак-қон томир мавжуд бўлаётганлиги сезилмоқда. Бу хасталикларнинг олдини олиш учун шифокорларимиз доимо фаол-ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирмоқдалар. Бундай актив ҳаракатларнинг асосийси туризм билан шуғулланишидир.

Республикаимиз табиати шунчалик гўзалки, у юриб чарчамайдиган, кўриб кўз тўймайдиган диёр. Чотқол, Чимён, Шохимардон, Бахмал, Омонқўтон тоғлари, Сирдарё, Зарафшон воҳаларида дам олиш, походлар уюштириш, соғлиқни қайта тиклаш ва уни мустаҳкамлашнинг сеҳрли даво воситалари ҳисобланади. Улардан қишки пайтларда ҳам фойдаланса бўлади.

Эътироф этиш лозимки, мазкур сайрлар назарий билим (тушунча) ва амалий малакалар ҳосил қилиш йўлида таълим-тарбия вазифасини ўтайди. Шу билан биргаликда қатнашчиларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш, жисмонан баркамолликни ўстиришга қаратилади. Демак туризм шакл ва мазмун жиҳатдан тарбиявий ҳамда соғломлаштирувчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштириш билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Сайр қилишда (экскурсия) қатнашчиларнинг белгиланган жойга етиб бориши, уловларга чиқиш ва тушишлари, сайр-саёҳат манзилига кириш ва бевосита сайр-саёҳатларда иштирок этиш жараёнида пиёда юриш асосий ўринда туради. Чунки, эркин равишда барча фаолиятларни бажариш, юкларини кўтариб юриш, томоша-сайр жараёнларида фаол қатнашишда шароитларга қараб тез ёки секин юриш, тўхташ, баъзан югуриш ҳам амалга оширилади. Бу жараёнлар ҳам саёҳатчиларнинг саломатлигини яхшилаш, фаол амалий ҳаракатлар қилишда кўмак беради.

Хулоса қилиб айтганда туризмнинг сайр-саёҳат ва пиёда юриш шакллари мазмун ва моҳият жиҳатдан ўз хусусиятларига эгадир. Уларни мақсадли уюштириш ва олиб боришда мутасадди ходимларнинг масъулиятлари эътиборга лойиқдир.

### 3.2. Туризмнинг турлари ва уларнинг аҳамияти

Туризм мазмун жиҳатдан кенг камровли ижтимоий-тарбиявий хусусиятга эга бўлган педагогик жараён ҳисобланади. Инсонларнинг амалий фаолиятлари, ижтимоий-турмуш шароитлари, табиат манзараларига қизиқишлари ва б.қ жуда кўп соҳаларни эътиборга олган ҳолда туризм кўп тармоқли соҳадир. Уларнинг энг асосий турларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Пиёда юриш саёҳати.
2. Тоғларда юриш саёҳати.
3. Қояларни забт этиш саёҳати.
4. Чамалаб топиш (орентирование) саёҳати.
5. Тезоқар дарёларда эшкак эшиш саёҳати.
6. Уловларда (автомото, велосипед ва ҳ.к) юриш саёҳати.

Таъкидлаш лозимки, мазкур турлар мазмун жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилиши ва тартиб қоидаларнинг ўз хусусиятларига қараб, улар мустақил спорт ҳисобланади.

Пиёда юриш саёҳатида унинг шакллари (бир кунлик, кўп кунлик) қараб масофалар белгиланади ва маълум даражада талаблар қўйилади. Уларни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида IV-бобда тўла мазмун берилади.

Тоғ туризми (тоғларда юриш саёҳати) пиёда юриш саёҳатининг давомидир. Яъни барча ҳаракатлар бунда такрорланади. Фақат категориялик (кийинчилик даражалари: 1.2.3.4.5.6) жиҳатдан бошқа туризмлардан фарқ қилади. Аниқроқ айтганда баландлиги 1.5-5км (денгиз сатҳига нисбатан) тоғларга чиқиш, давонлардан ошиш, тезоқар сувлардан кечиш каби мураккаб ҳаракатлар бошқарилади.

Қояларни забт этиш туризми (скалолазание) пиёда юриш ва тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир. Фақат тик қоялар, қояларга тирмашиб чиқиш (арқонлар, ҳимоя воситалари ва ҳ.к) билан тубдан фарқ қилади.

Чамалаб топиш (орентирование) туризми ҳам пиёда юриш, тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир. Яъни маълум масофаларни пиёда ўтиш, тўсиқликлар, довлонлардан ошиш ҳоллари бунда ҳам қўлланилади. Бошқа туризм тур-

ларидан фарқли ўларок, бунда харита, чизма, компос, куёш, ой, юлдуз ва ҳ.к воситаларидан фойдаланган ҳолда мақсадга етиб боришдир. Яъни номаълум ва нотаниш жойларни топиш асосий фаолият ҳисобланади. Туризмнинг бу туридан пиёда юриш, тоғ туризми ва б.к туризмлар бўйича ўтказилган махсус мусобақаларда (слётлар) кенг фойдаланилади.

Автомобиль, мотоцикл, велосипед каби уловларда юриб саёҳат қилиш ҳам муҳим ўринларни эгаллайди. Тез оқар дарёларда қайик, эшкак, сол ва шунга ўхшаш мосламаларда ўтириб саёҳат қилиш ҳам амалда мавжуд. Бунинг учун катта тайёргарликлар, жисмонан махсус маҳоратларга эга бўлиш талаб этилади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур техник туризм турлари мамлакатимизда ҳа-ли оммалашмаган. Шу туфайли гуруҳ бўлиб саёҳатларга чиқиш, уларни рас-мий равишда ташкил қилиш жараёнлари жуда камдан кам учрайди.

Хулоса шундан иборатки, туризм шаклан кўп тармоқли турларга бўлинади. Уларнинг мазмуни шуғулланувчиларнинг жисмоний баркамоллигини ошириш билан бир қаторда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик каби инсоний фазилатларни тарбиялашда хизмат қилади.

#### Ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш учун саволлар.

1. Туризмнинг жамиятдаги ўрни нималардан иборат ва қандай хусусиятларга эга ?
2. Туризм шаклан қандай турларга эга?
3. Сайр-саёҳат тушунчалари бир биридан нима билан фарқ қилади?
4. Туризмнинг асосий турлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Пиёда юриш, тоғда юриш, қояларга чиқиш, чамалаб топиш каби туризм турларининг бир-биридан фарқлари нимада?
6. Қандай уловлар ва мосламаларда саёҳат қилиш мумкин?

### 3.3 Туризм турларининг классификацияси

Жаҳон халклари айниқса мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикаларида туризм умумий хусусиятларга айланган. Ўз йўналиши, характери ва фаолият хусусиятларига кўра туризм сайр қилиш (экскурсия, саёҳат қилиш) ва поход (пиёда юриш) шаклларига ажралади.

**Сайр қилиш** – кенг оммага қулай бўлган пиёда юриш, чангида, велосипед, қайик ва бошқа воситалар ёрдамида соғлиқни яхшилаш, организмни чиниктириш мақсадида уюштириладиган қисқа муддатли оммабоп туризм шаклидир. Туризмнинг бу шакли кекса-ю ёш иштирок этиши мумкин.

**Экскурсия** - жамоа равишда бирон объектга (музей, стадион, корт қурилиш, фабрика, завод, ўрмон ва ҳоказо) илмий қидирув ёки ўқув мақсадида, умумий маданий ривожланиш учун ўтказиладиган тадбирлар. Бундай тадбир аҳоли яшаб, ўқиб турган жойларга ёки бошқа шаҳарларга ҳам борганда уюштирилиши мумкин. Туризмнинг бу шакли асосан катта ёшдаги боғча болалари, мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлирининг талабалари орасида кенг тарқалган маданий, таълим-тарбиявий аҳамиятга молик тадбирдир.

**Походлар** – ташкилий равишда гуруҳ бўлиб пиёда, отда, уловда, велосипед, чанги, қайик ва шу каби воситалар ёрдамида жисмоний чиникиш, ўлкани ўрганиш, ижтимоий-фойдали меҳнат қилиш мақсадида уюштирилади.

Туризмнинг турлари амалда тобора ортиб бормоқда. Жисмоний тарбия нуқтаи назаридан олиб қаралганда, уларни тайёргарлик, ҳақиқий туристик ва оммавий тарғибот походларига ажратиш мумкин.

Тайёргарлик походлари поход ҳаракатлари ва организмни катта ва узок муддатли походларга тайёрлаш, уларда иштирок этишга ҳозирлашда асосий хизмат вазифаларини ўтайди. Тайёргарлик походлари жараёнида сайр қилиш, экскурсия элементларини киритиш зарур. Бу босқичнинг асосий мазмунида туристик коидалар, поход турмуш шароити, юриш техникаси, махсус

туристик фаолиятлар, йўлни аввалдан ўрганиш, разведка қилиш, дам олиш жойларини танлаш ва уни тайёрлаш, кечки дам олиш ва тунашни уюштириш, гулхан ёқиш ва шу каби соҳаларни ўрганиш ётади. Чидамлилик, кучлилилик, тезлик ва бошқа жисмоний сифатларни ҳам тайёрлаш мураккаб походларда иштирок этишни таъминлайди.

Ҳақиқий туристик походлар туризмнинг типик турларидан биридир. У кўп кун (бир неча кундан то бир ойгача) давом этиб, маршрут ва ҳаракат усулларининг хилма-хиллиги билан бошқаларидан тубдан фарқ қилади. Уларни спорт клублар ёки махсус туристик муассасаларда рўйхатдан ўтказилади, шунингдек мураккаб туристик походларни уюштириш учун юқорида кўрсатилган ташкилотлардан рухсат олинади. Бундай походларни жамоатчи-инструктор, тажрибали ва махсус тайёргарликка эга бўлган туристлар бошқаради ва раҳбарлик қилади.

**Спорт походлари** – бу асосан спортга таалуққидир бундай ҳолларда мураккаб походларнинг қийинчилик даражалари, масофанинг узунлиги, табиий тўсиқларнинг қийинчилик меъёрлари, аҳоли яшайдиган пунктларга етиб бориш тартиблари, заҳатли походлар сони ва бошқа шартлар қўйилган бўлади.

**Тарғибот-ташвиқот походлари** йирик ижтимоий-сиёсий ёки спорт анжуманларига бағишланган бўлиб, унинг мақсади жамоатчилик ва оммани туризмга жалб этишдан иборатдир. Бундай ҳолларда жамоалардаги илғор тажрибалар алмашинади, туристик ҳаракатдаги янги воқеалар, натижалар жорий этилади, актив туристлар турли йўллар билан рағбатлантирилади. Бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт чиқишлари, спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари, туристик техника ва бошқа воситаларни билиш юзасидан мусобақалар уюштирилиши тарғибот ишларининг жонли, қизиқарли бўлишини таъминлайди.

**Экспедиция** – туристик саёҳат бўлиб, у бирон объектни (географик, геологик, ўлкашунослик, тарихий ва бошқалар) ўрганиш мақсадида

уюштирилади. Бундай саёҳат жараёнларида актив ҳаракат, яъни пиёда юриш, отда, уловда ва бошқаларда юриш, шунингдек суст ҳаракат йўли билан (транспортда) масофани ўтиш мумкин.

Территориал белги жихатдан туристик саёҳатлар, походлар маҳаллий ва узоқ, характерли жихатидан эса режали ва ҳаваскорлик турларига эгадир. Режали походлар аввалдан белгиланган ва фақат махсус ишланган маршрутлар орқалигина уюштирилади. Бундай ҳолларда туристлар махсус жиҳозлар, озик-овқат ва инструкторлар билан таъминланади.

Ҳаваскорлик саёҳатлари жисмоний маданият жамоалари кенгашлари, спорт клублари, туристлар клуби, маданият клублари, туристлар оромгоҳлари базалари, болалар туристик станциялари, мактаблар, ўқувчилар уйлари ва алоҳида туристлар груҳлари томонидан уюштирилади.

Бунда туристлар мустақил равишда ўз маршрутларини тузадилар, поход жараёнида ўз-ўзларига хизмат қиладилар. Керакли туристик жиҳозлар, озик-овқат ва бошқа воситаларни ўзлари харид қилишлари ёки ижарага олишлари лозим бўлади. Саёҳатнинг бу хусусияти оммавий равишда бир кунлик ва бир неча кунлик походлар ўтказиш учун энг қулай бўлиб, у кўпинча ўқув юртларида кўпроқ тараққий қилган. Шунини қайд қилиш лозимки, қасаба уюшма ташкилотлари, спорт клублари, ҳафтада икки кун дам олиш кунларидан унумли фойдаланиб, йирик корхоналар, ижодий ходимлар жамоалари шаҳар атрофи жойларига поход уюштириш шакли кенг фойдаланмоқда. Ҳатто Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Навоий ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги ишлаб чиқариш, меҳнат жамоалари тоғли зоналарда дам олиш уйлари, профилакторийлар ташкил қилиб, йил давомида меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқариши ва саёҳат қилиш учун маълум қулайликлар яратиб берилган.

Саёҳатлар ҳаракат усулларига қараб пиёда юриш, тоғ, сув, чанги, велосипед, автомобиль, мотоцикл ва аралаш турларига бўлинади. Саёҳат қилиш ва унинг тартиблари “Ҳаваскорлик туристик поход ва саёҳатларни



ташкил қилиш ва ўтказиш қондалари”га асосан ўтказилади. Бу талаблар ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланмоқда. Ҳаваскорлик саёҳатларининг ўсиб бориши бир кунлик ва кўп кунлик походлар ўтқизишни тақозо этмоқда. Шунга кўра кўп кунлик саёҳатлар I,II,III,IV,V қийинчилик категорияларига (даражаларига) бўлинади. қийинчилик даражалари походларнинг масофаси, тўсиқларнинг хусусияти ва сони, ҳар бир турнинг мазмунига қараб белгиланади. Улар ҳақида кейинги бобларда тегишли маълумотлар берилади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликнинг шароитлари ҳамда имтиёзлари доирасида “Соғлом авлод” Давлат дастурида туризмдан мақсадли фойдаланиши лозим. Ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, касб-хунар (мутахассислик) йўлидаги назарий билим ҳамда амалий малакаларини такомиллаштиришда саёҳатлар муҳим аҳамиятга эга бўлган тарбиявий жараёндир.

## IV-БОБ. САЙР-САЁҲАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 4.1. Ўзбекистоннинг сайр манзиллари

Ўзбекистоннинг географик жихатдан жойлашиши ва тузилиши, шунингдек иклим шароити саёҳатларнинг деярлик барча турлари учун қулайдир. Айниқса Тарихий-маданий обидаларга бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, замонавий қурилиш қошоналарига эга бўлган Тош-кент Республика аҳолисининг сайр-саёҳат манзиллари ҳисобланади. 2500-3000 йиллик тарихга эга бўлган Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Қўқон, Наманган, Нукус, Урганч каби шаҳарлар ҳам қадимий ёдгорликлари билан кўпчи-ликнинг диққат-эътиборини жалб этади. Сўнги 40-50 йил ичида янгидан қад кўтарган Янгиер, Гулистон, Навоий, Зарафшон, Жиззах каби шаҳарлар ҳам замонавий маданий қурилиш бинолари, спорт иншоотлари, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан жаҳонга танилмоқда.

Собиқ иттифок даврида ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнат илғорлари сайрларни кўпроқ Марказий шаҳарларда (Москва, Ленинград, Киев ва ҳ.к) ўтказишар эди. Республика мустақиллиги туфайли ва шаҳарларнинг кўрк-жамоли кескин равишда ўзгариб бориши туфайли аҳоли ўз сайрларини юрти-миз ҳудудларида ўтказмоқда.

Марказий Осиё республикалари ва бошқа мустақил давлатларнинг сай-ёҳлари Ўзбекистоннинг бугунги равақи, истиқболи, чиройига ҳавас билан қарамоқда. Хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган меҳмонлар, ишбилармонлар, сайёҳлар ва расмий вакиллар, раҳбарлар ҳам Тошкент, Самарқанд Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга сайр-саёҳат уюштиришни хуш кўр-моқдалар. Сайёҳларни фақат тарихий-маданий ёдгорликларгина эмас, балки осмонўпар баланд архитектура қурилишлари, спорт комплекслари, йирик са-ноат ишлаб чиқариш корхоналари, шахсий фирмалар, кўшма кўрхоналар, савдо, тижорат масканлари, олий ўқув юртлари, шифохоналар, театр ва мада-ний истироҳат боғлари, улардаги анъанавий миллий байрамлар (“Наврўз”, “Мустақиллик куни”, кураш теннис ва б.к. халқаро турнирлар, турли спорт

мусобақалари) ҳам кўпроқ қизиқтирмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, оммавий тадбирларнинг ташкилий жиҳатлари, миллий хусусиятлари ҳамда таълим - тарбия ва сиҳат-саломатлик йўлидаги фойдали ишлар диққатга сазовар бўлмоқда. Бунда Республика президенти И.А.Каримов ва унинг сафдошлари катта фаолият кўрсатаётганлиги эътиборга лойиқдир.

**Тошкент.** Ўзбекистоннинг пойтахти сифатида Тошкент фақат Марказий Осиёдагина эмас, ҳатто барча қитъалардаги мамлакатларга таниш. Аҳолиси 2 млн. Дан ошиқ бўлиб, 100 га яқин миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилади. Мустақиллик йиллари даврида (1991-2006) шаҳарнинг кўрки бекиёс даражада ўзгарди. Деярлик барча худудларда янги-янги кошонали бинолар қад кўтарди. Замонавий архитектура қурилишлари (банклар, савдо-тижорат мажмуалари, турли идоралар, элчихоналар ва х.к) Тошкентнинг жамолини янгилади. Айниқса Консерватория институти, шаҳар маъмурий идоралари, Темурийлар тарихи Шон - шухрат музейлари, “Ўзбекистон”, “Жар” спорт мажмуалари саёҳатчиларнинг гавжум масканига айланди.

Жаҳондаги Ислоҳ Дини фозиллари ва уламолари Кўқалдош мадрасаси, Хастумом намозгоҳи ва Ислоҳ университетига ташриф буюрганда ўзбек миллатининг улуғлигига шаҳодат бўлмоқда.

Тошкентнинг қайси даҳаси ва мавзесига борманг кўп қаватли уйлардаги аҳолининг тинч-тотув яшаши, соғлом турмуш тарзини кечираётганининг гувоҳи бўласиз.

Театр, цирк, музейларда типимсиз равишда одамлар оқимида дуч келасиз. Умумтаълим мактабларнинг ўқувчилари, касб-хунар коллежлари ёшлари, олий ўқув юртлари талабалари ўқув даргоҳларида шодон кезиб, ўйнаб-сакраб юрганлигига ҳавасингиз келади. Кенг кўчаларнинг хиёбонларидаги савдо дўконлари, ҳар қадамда учрайдиган деҳқон бозорларида одамлар зич, қадам ташлашга жой йўқ, деса бўлади.

“Мустақиллик” ва “Наврўз” байрамларида Халқлар Дўстлиги майдони (Алишер Навоий боғи), Мустақиллик майдонлари ва шаҳарнинг барча катта майдон-хиёбонларида байрамлар зўр тантана билан ўтказилмоқда. Янги ўқув

йилининг бошланиши, ўзбек кураши, теннис, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказилаётган расмий мусобақалар, халқаро турнирлар жараёнлари ҳам зўр тантана билан ташкил этилиб байрам тусини олмоқда.

Эътиборли томони яна шундаки авваллари юртимизга ёт бўлган шахсларнинг номи билан юритилган шоҳ кўчалар, маҳаллалар, ўқув юртлари маҳаллий улуг зотларнинг номига қўйилди. М: Амир Темур кўчаси (Энгелье), Буюк Ипак йўли (Ш.Руставели), Ш.Рашидов кўчаси (Ленин) ва ҳ.к.

Китоб дўконлари ва расталари ҳамда алоқа тармоқларида давлат тилидаги китоблар, журналлар, газеталар ва турли ўқув қуроллари асосий маҳсулотларни ташкил этади. Хуллас Тошкент саёҳатларнинг энг гўзал ва диққатга сазовар масканига айланмоқда.

Самарқанд шаҳарнинг тарихий узок даврлар билан боғланган. Мутахассис олимлар Самарқандни Римнинг тенгдоши деб юритади. Бунда бир ҳақи-қатни эслашга тўғри келади. Александр Македонский эрдан аввалги 327й.да Самарқандни босиб олиш учун унинг атрофига келади. Ўша даврда шаҳар ҳозирги Афросиёб қазилмалари тепаликларида жойлашган. Бу жойнинг ўша замонлар тақазосига мос равишда эканлиги стратегик (ҳимоя ва ҳужум) аҳа-мият касб этган. Яъни шаҳар жуда катта қалъани ташкил этган. Афросиёбнинг бутун айланаси чуқур жарликлар (50-60 м.чамаси) билан ўралиб, унинг шимолий-шарқ ва жануб томонларида кенг йўллар бўлган, яъни аҳолининг кириб-чикиши, айниқса қадимги Буюк Ипак йўлининг бу жойдан ўтишига шарт-шароитлар яратилган.

Қалъанинг мустаҳкамлиги туфайли Македонскийнинг аскарлари узок вақтлар шаҳар атрофини кезиб юришган. Кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли ёвуз душманлар қалъанинг деворларини бузиб ташлашган ва шаҳарни вайрон қилишган. Шундай бўлсада шаҳарни қайта тиклашга мувоффақ бўлишган. Лекин Чингизхон (XII аср) лаўкарлари ҳам Афросиёбга бостириб кириб, шаҳарни хонавайрон қилишган.

Шу сабабдан кейинги даврларда (XIV-XVIII асрлар) шаҳар қурилишлари Афросиёбнинг жануб томонидаги паст-баланд ва текислик жойларда (ҳозирги Самарқанд) давом эттирилган. Бунда асосан Амир Темур мақбараси (мавзалеи), Регистон майдони, Бибихоним мадрасаси, Шохизинда зиёратгоҳи, Хўжа Аҳрор Вали масжиди ва б.қ. жуда кўп тарихий обидалар мисолида кўриш мумкин. Улар қарийб 600-500 йиллардан буён қад кўтариб туриши билан жаҳон халқларининг эътиборини қозонган.

Самарқанднинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, буюк алломалар Абдурахмон жомий, ҳазрати Алишер Навоий каби улуғ зотлар ижод қилган. Ислом дини шухратини оширишда Хўжа Аҳрор Вали, Матурутий каби шайхлар хизмат қилишган. Коинотни ўрганишда жаҳонга машҳур бўлган Мирзо Улуғбек подшолик қилган. Уларнинг қолдирган улкан масжидлари, турли қурилиш бинолари шаҳарнинг кўркини безаб турибди.

Самарқанднинг қадимги тарихи ва ҳозирги раванкини ифода этувчи Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Афросиёб сайёҳлар учун хизмат қилмокда. Университет, тиббиёт, савдо, архитектура, кишлққ хўжалиги, чет тили ва б.қ. институтлари, ўнлаб касб-ҳунар коллежларининг замонавий бинолари, опера ва драма театрлари, турли хил идораларнинг қурилмалари, спорткомплекслар шаҳарнинг кўркига хусн қўшиб турибди.

Мустақиллик туфайли шаҳарнинг ички ва ташки йўллари қайта қурилиб, автоуловлар ва пиёдалар учун қулайликлар яратилди. Университет хиёбинининг бошланишида Амир Темур ҳайкали ўрнатилиб, у гўё ўтган-кетганларни эслаб, меҳмонларни “Хуш келибсиз” деб кутиб олаётганга ўхшайди.

Самарқанднинг тарихий-маданий ёдгорликлари ва замонавий бинолари боғ-роғлари, беҳисоб ноз-неъматлар билан тўла бозорлари барчани мафтун этиши бежиз эмас.

Қадимий азм шаҳар Бухоро тарихий-маданий ёдгорликлари билан ўзига хос бўлган сайр-саёҳат манзилидир. Шаҳарнинг тарихи Самарқанд, Термиз, Қарши, Хива, Урганч каби шаҳарлар билан боғлиқ равишда узок ўтмишдан дарак беради.

Абу Али Ибн Сино, Имом ал Бухорий (Хўжа Исмоил) ва бошқа жуда кўп илм, табобат, ислом дини арбоблари Бухорода таҳсил олган, ҳаёт кечирган. 2500 йилдан ортиқ даврда шаҳарда турли қурилишлар, асосан масжид, мадраса, савдо марказлари, шохона уй-жойлар, қасрлар, калъалар битказилган. Уларнинг кўпчилиги қисми ҳозирги даврда сайр-саёҳат йўлида хизмат қилмоқда.

Мустақиллик тўғрисида замонавий уй жойлар, идораларнинг бинолари, маданият марказлари янгидан қад кўтарди. 2002 йил “Универсиада” ўтказилишига доир спорт мажмуалари пайдо бўлди. “Бухоро” стадиони халқаро мусобақалар ўтказишга мослаштирилди.

Бухоронинг сайр-саёҳат соҳасидаги яна бир эътиборли томони шундаки уч томонлама темир йўллар туташган. Яъни шарқдан Москва, Тошкент, Фарғона водийсидан келадиган поездлар, ғарбдан эса Туркманистон, Қорақалпоғистон, Хоразм, Уч қудуқ поездлари, жанубдан: Тожикистон, Термиз, Афғонистон поездлари Бухорода (Когон бекати) туташади ва кесиб ўтишади. Бу саёҳат йўлининг энг қулайлигини таъминлайди.

Бухорога сайр қилувчилар тарих музейида шаҳарнинг ўтмиши, хонликлар давридаги маданият, либослар, қуроллар, кейинги йиллардаги Ислам дини таълимоти, илм-фан, санъат, маърифат ва бошқа жуда кўп соҳалардаги эришилган ютуқлар, мерослар билан танишишга муяссар бўлади.

Хива-Урганч қадимги ва ҳозирги Хоразм воҳасининг маданий маркази сифатида унинг шуҳрати оламга кенг тарқалган. Тарихий манбаълар, қазилмаларнинг гувоҳлик беришига Хоразм воҳаси 3 минг йиллик тарихга эга. Буни “Авесто” китобидаги (3минг йил аввал яратилган) диний қарашлар, урф-одатлар, қабилаларнинг бўлинишлари, саломатлик, шифокорлик, давлатни идора этиш, маънавий-маърифий тадбирлар ва ҳ.к мисолида тасаввур этиш мумкин.

Хоразм юрти қаҳрамонлар Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, улуғ адиблар С.Шерозий, Маҳмуд Паҳлавий, истедодли санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, О.Отажонов, Коммуна Исмоиловалар қабиларни тўхфа этган.

Хива ва Урганч шаҳарларидаги қалъалар, масжидлар, макбаралар, савдо марказлари ва бошқа юзлаб тарихий ёдгорликлар минг йиллик тарихга эгадир. Археологлар, тадқиқотчилар (Пирмат Шермухамедов ва б.к) ва тарихчиларнинг таъкидлашича Хоразм ва Қорақалпоғистон воҳаси қадимги даврларда ям - яшил боғлар, зилол сувларга бой бўлган. Шу сабабдан бу жойлар-да катта қалъалар, кўрғонлар кўп қурилган. Лекин улардан биронтаси ҳам сақланиб қолмаган. Чунки Эрон, Турк, Мўғул ва б.к. давлатларнинг boskin-чилик урушлари барча жойларни хонавайронликка айлантирган. Шунингдек турли табиий офатлар, айниқса саҳро ва чўллардан эсан кучли бўрон, шамол, тўфонлар кум, тупроқ, туз ва б.к чиқиндиларни учириб келиб, бутун во-хани кўмиб ташлаган. Сўнги 20-30 йил давомида олиб борилган археологик изланишлар, қазилмалар 4-5 м. ва ундан ҳам баландроқ кум уюмлари (дар-хон) тагида ётган энг қадимги шаҳар ҳамда кўрғонларнинг деворлари, турли буюмлар, жанг қуролларини топишга мувоффақ бўлинди.

Хива, Нукус ва Урганч шаҳарларнинг кўрки сўнги 10-15 йил давомида анча ўзгарди. Янгидан қурилган касб-хунар коллежлари умум ўрта таълим мактабларнинг ўқув бинолари, маданий ва савдо марказлари, спорт иншоотлари шаҳарларнинг замонавий тус олишига хисса қўшмоқда. Жалолиддин Мангуберди хотираси, Махмуд Акаремияснинг ташкил этилиши, “Авесто” китобини-нг ёзилишига 3 минг йил тўлиши, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини-нг ўтказилиши, Махмуд пахлавий хотирасига бағишланган халқаро кураш ту-ризми ва б.к кўплаб оммавий-маданий тадбирларнинг ташкил қилиши Хоразм ва Қорақалпоғистон воҳасининг шуҳратини оширди. Бу тадбирлар асоси-да ўша юртларга ҳам сайр-саёҳат уюштиришни давр тақазо этади.

Ўзбекистоннинг сайр-саёҳатларига бой бўлган масканлари деярлик барча вилоятларда мавжуд. Фарғона, Андижон, Наманган шаҳарлари ва б.к. кичик шаҳарларда (Қўқон, Марғилон, Асака, Чуст, Поп ва ҳ.к) ҳам тарихий ёдгорликлар мавжуд.

Ал Фарғоний, Боборахим Машраб, Мухаммад Бобур, Ҳамза Ҳакимзода каби улуғ алломалар, давлат арбоблари, санъаткорларнинг ҳаёти билан боғлиқ зиёратгоҳ жойлар жуда кўп. Уларни фақат маҳаллий халқгина эмас, балки Республиканинг бошқа ҳудудларидаги ўқувчи-ёшлар, талабалар, меҳнаткашлар ҳам сайр қилиб, томоша қилишларига арзийди.

Оҳангарон, Олмалик, Бекобод (Тошкент вилояти), Сирдарё, Гулистон, Янгиер (Сирдарё вилояти), Зомин, Бўстон, Пахтакор, Жиззах, Фориш, Бахмал (Жиззах вилояти), Жомбой, Челак, Қўшробод, (Самарқанд вилояти), Хатирчи Навоий, Учқудук, Зарафшон (Навоий вилояти), Қизил тепа, Қора кўл, Когон (Бухоро вилояти), Китоб, Шахрисабз, Қарши (Қашқадарё вилояти), Денов, Термиз, Жарқўрғон (Сурхандарё вилояти) ва б.к жуда кўп кичик шаҳарлар, қўрғонлар ҳам баъзи бир тарихий ёдгорликлар, замонавий хотирлаш масканлари ва б.к. обидаларга эга. Бундай масканларга ҳам аҳолининг сайр-саёҳатларини ташкил қилиш, уларни оммавий ахборот воситалари, телерадиоларда кенг тарғибот қилиш лозим. Бунинг негизида ёшлар ва меҳнаткаш оммани маънавий жиҳатдан тарбиялаш, оан Ватанга садоқат ҳис-туйғуларини мустаҳкамлаш, ўтмиш тарихимизни ўрганиш билан авлод-аждодларимизга тасаннолар билдириш каби эзгу-ниятлар мавжуд бўлади.

Хулоса қилиб айтганда юртимизнинг ҳар бир бурчаги, бир қарич ери азиз ва мўътабардир. Уларни кўриш, ўрганиш ва эъозлашда сайр-саёҳатларнинг мазмуни муҳим аҳамиятга эгадир.



**ТОШКЕНТНИНГ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН  
НАМУНАЛАР**




**1-расм. Тошкент шаҳридаги мадраса**



**2-расм. Тошкент шаҳридаги мадраса**



**3-расм. Тошкент шаҳридаги мадраса**




**4-расм. Чорвок дам олиш маскани**

Ёз мавсуми келиши биланок кўпгина Тошкентликлар ва шахримиз меҳмонлари ўз таътилларини табиат кўйида ўтказишга ҳаракат қиладилар. Мана шундай гўзал масканларидан бири Тянь-Шань тоғ тизмаси бағрида барпо этилган ва Пскем, Кўксув ва Чотқол сингари гўзал тоғ дарёлари билан ўралган Чорвоқ сув омбори ҳисобланади. Баландлиги 160 метрлик тўсин билан тўсилган бу омборнинг ёнгинасида Ўзбекистондаги энг йирик қуввати 600 минг Квт.ни ташкил этувчи Чорвоқ ГЭСи жойлашган бўлиб у Ғазалкент, Чирчиқ ва Тошкент каби қўшни шаҳарларни электр қуввати билан таъминлайди.

«Чорвоқ денгизи» деб ҳам аталадиган мазкур сув омбори энергия қувват ва ирригация мақсадида барпо этилган. Унинг максимал ҳажми 2 млрд. м<sup>3</sup>, майдони 40 км<sup>2</sup>, сохил чизигининг узунлиги эса 70 км. атрофидадир. Сув омборининг табиатга бурканган сохилларда эса оромгоҳ ва санаториялар, болалар дам олиш оромгоҳлари ва туристик базалар қад кўтарган.

Чорвоқ кўлининг чап соҳилида эса «Чорвоқ оромгоҳи» меҳмонхонасининг «Пирамидасимон» учта улкан мажмуаси қад ростлаган. Ҳозирги кунда ўз кучоғига кўплаб дам олувчи меҳмонларни қабул қилмоқда. Меҳмонхонанинг шинам, Европа стандартида жихозланган хоналари Сизда унутилмас таассурот қолдиради. Спорт ва болалар майдончалари, кафе ва барлар, қайқда сайр қилиш хизмати ва пляжлар дам олувчиларнинг доимий хизматидадир. Чўмилиш, катерда сайр, сув мотоциклда учи шва турли экскурсиялар эса Сизнинг яхши хордиқ чиқариб, марокли дам олишингизга ёрдам беради.




5-расм. Чимён тоғлари

Тошкент шаҳридан 80 км. нарида Тянь-Шанъ тоғларида, сув сатхидан 1300-1600 м. баландликда Чимён маскани жойлашган. Бу ерга енгил машина ёки автобусда асфальтланган йўлак оркали бир ярим – икки соатда етиб олиш мумкин. «Чимён» ўзбек тилидан таржима қилинганда «Яшил маскан» деган маънони билдиради. Чимён тоғи океан сатхидан 3309 метр баландликда қад ростлаган. Қайси фаслда келманг, Чимён табиатининг жозибаси сизда ўзгача таассурот қолдиради. Бу тоғ чангиси курорти Угам – Чотқол миллий оромгоҳини бир қисми ҳисобланади. Чимёнинг ўсимлик дунёси ҳам ўзига хосдир: 500 дан зиёд гул ва ўсимликлар, айниқса, баҳор фаслида бу ерга ўзгача кўркамлик бағишлайди. Катта Чимён ён бағрида эса унча катта бўлмаган Чимёнсой дарёсига 12 ирмоқ қуйилади. Ҳавоси – мўътадил ва текис. Ёзда ҳаво ҳарорати  $25^{\circ}\text{C}$  дан кўтарилмайди, қиш ҳам совуқ бўлмайди, тоғнинг тоза ҳавоси ўзгачадир. Хуллас, хордиқ чиқариш ва соғлиқни тиклаш учун барча зарур шароитлар мавжуд. Фаол хордиқ тарзини афзал кўрувчи меҳмонлар учун эса «Чимён оромгоҳи» спорт мажмуаси бунёд этилган.

Оммавий дам олиш жойларида эса кафе, дўкон, туристик ускуналар ижараси ва осма аркон йўллари хизматингизга доим мунтазир.



**6-расм. Бельдерсой дам олиш меҳмонхонаси**




**7-расм. Бельдерсой дам олиш меҳмонхонаси ресторани**

Чимён тоғларининг орасида, аниқроғи Бельдерсой довомида яна бир дам олиш маскани жойлашган. Тоғларда беркиниб олган ва оргикча машхурликка даъво қилмайдиган мўжазгина Бельдерсой меҳмонхонаси торгина тоғ йўлакчаси орқали етиб кела олган барча меҳмонларни ўз бағрига олигна тайёр.


Тоғни қоплаб олган қалин қор эса декабрь ойидан то апрель ойига қадар ташриф буюрувчиларнинг кўзини қувонтиради. Шуниси ажабланарлики, қордан атиги 1 метр юқорида ҳаво ҳарорати  $18^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Туристлар нафақат қанғи ва қаналарда учиши балки илиқ ва бўлутсиз кунларнинг кўплиги туфайли қуёшда тобланишлари ҳам мумкин.

«Кумбель» тоғ қанғи трассаси эса МДХ давлатларининг турли бурчақларидан ташриф буюрувчи хаваскорларнинг энг сеvimли жойига айланиб улгурган. Трасса узунлиги 3017 метрни ташкил этса баландлиги 765 метрлар атрофида. Бу ерда хизмат кўрсатадиган осма арқон йўлининг узунлиги – 2225 метр, баландлиги 565 метрни ташкил этади. Бельдерсой тоғи дельтапланчилар ва спорт туризмиди маъқул кўрувчиларнинг энг сеvimли жойларидан биридир. Хордиқ чиқарувчилар шунингдек Чорвоқ сув омбори, Чотқол, Пскем, Кўксув водийларига, турли археологик хайкаллар, энг асосийси кўпгина ғаройиб афсоналарга асос бўлган ўша сирли Пўлатхон тоғини зиёрат қилиш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари 3309 метрлик улқун Чимёнга чиқишлари ҳам мумкин бўлади. Хуллас бу ерда 20 га яқин маршрутлар мавжуд бўлиб, ҳар бир меҳмон ўз хохишига ва дидига мосини танлаб олиши мумкин.

**САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН  
НАМУНАЛАР.**



**8-расм. Регистон. Шердор мадрасаси.**



**9-расм. Амир Темур мақбарасининг пештоқи.**




10-расм. Амир Темури хайкали.

**БУХОРОНИНГ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИДАН НАМУНАЛАР.**



11-расм. Улуғбек мадрасаси.






12-расм. “Бухоро” меҳмонхонаси.



13-расм. «Бухоро» масжиди.


**ХОРАЗМНИНГ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН НАМУНАЛАР**



**14-расм. Хива манзараси.**




**15-расм. Қўхна Арк дарвозаси.**




**16-расм. Тошҳовли саройи. Ҳарам**



**17-расм. Қозикалон мадрасаси. Накшинқор эшик**



18-расм. Нуриллабой саройи.



19-расм. Хиванинг умумий кўриниши.

#### 4.2. Буюк Ипак йўли ҳақида баъзи маълумотлар

Ипак (шойи хомашёси) йўли деб аталишининг асосий сабаби шундаки, қадимги даврларда Хитой, Миср, Ҳиндистон, Европа мамлакатлари орасида савдо ишлари мавжуд бўлиб, уларни боғлаган ораликлар, масофалар, турли манзилгоҳлар мавжуд бўлган. Бунда қарвонларга (туя, от, хачир, эшак, арава ва ҳ.к) ортилган турли-туман истеъмол-товар моллари давлатлар ўртасида олди-берди (савдо) қилинган. Улар орасида Хитойнинг ипаклари, шойидан тўкилган ранго-ранг матолари чинни буюмлар ва бошқа турли хил нарсалар асо-сий ўринда турган. Ўз навбатида Миср, Техрон, Болқон ва б.к Европа мамла-катларининг рангли металллардан (олтин, қумуш, мис, жез ва ҳ.к) ясалган қуроллари, тақинчок безаклари, уст-бош кийимлар Хитой томонга чўзилади-ган қарвон йўлларида савдо қилинган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича Хитойдан бошланган Буюк Ипак йўлининг ташкил этилиши эрадан аввалги II-I-асрларга тўғри келади. Дастлабки даврларда (янги эранинг X-XII-асрларигача) қарвон йўллари асо-сан Марказий Осиёдан ўтиб, Миср, Ўрта ер денгизи атрофи, Ҳиндистон ва улар билан яқин мамлакатларни туташтирган. Кейинги даврларда эса Чингиз-хон босқинчилиги ҳамда уларнинг авлодлари томонидан ҳуқумронлик нати-жалари асосида шимолда янги қарвон йўллари вужудга келган. Бу асосан Қозоғистон, Ўрда, Каспий ёқалари бўйлаб Европа мамлакатларини бирлаш-тирган.

Хитойнинг Марказий Осиё ва унинг жанубий томонларини босиб оли-ши натижасида қарвон йўллари Ҳиндикум тоғлари ораликлари орқали Афғо-нистон, Ҳиндистонга қарвон йўллари очилган.

Кемаларнинг яратилиши ва мамлакатлар ўртасида турли хил савдо моллари, ҳарбий қуролларнинг тарқатилиши туфайли қарвон йўлларида ден-гиз-сув йўллари ҳам қўшилган. Яъни Хитой дарё ва денгиз йўлларида фой-даланиб ўзининг буюмларини Ҳиндистон орқали Араб мамлакатлари ва рус, Япон йўллари орқали Европага етказишга муваффақ бўлган. Ўз навбатида эса у мамлакатлар ҳам шу йўллар орқали Хитой ва унинг йўлидаги мамлакат-

ларга ўзларининг савдогир молларини чиқариб, олди-берди ишлари ривож топган. Шундай бўлсада Марказий Осиёдан ўтадиган карвон йўллари ўз моҳи-ятини йўқотмаган. Бунинг сабаблари асосан икки йўналишдан иборат бўлган, яъни, биринчидан Хитой шойиси ва чинни буюмларига харидорлар бу йўлда кўпроқ учраган. Иккинчидан эса Эрон, Туркия, Миср, Болкон мамлакатлари ишлаб чиққан металл буюмлар, жун, тери ва озиқаларни савдога чиқариш бу йўл қулайроқ бўлиб ҳисобланган. Шу сабабдан бу карвон йўллари тарихда Буюк Ипак йўли номини олган.

Шанхай (Хитой) ва бошқа йирик шаҳарлардан чиққан катта карвонлар Манжурия (Тибет), Андижон, Қўқон, Хўжанд, Ховос, Ўра Тепа, Зомин, Жиззах, Сарбозор (Ғаллаорол), Булунгур, Жомбой, Самарқанд, Катта кўрғон, Малик чўли, Бухоро, Ашгабад, Техрон, Миср, Дамашк ва Болкон мамлакатларига етиб борга. Бу катта карвон йўлининг ўз атрофларида ҳам катта-кичик тармоқли карвон йўллари бўлиб, маҳаллий халқларнинг истеъмол молларини сотиб олиш, ўзининг молларини сотиш, алмаштириш, дам олиш, хордик чиқариш, жойларни ўрганиш, изланиш каби ижтимоий турмуш фаолиятлари юритилган. Уларни қуйидаги йўналиш тармоқларида кўриш мумкин, яъни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларидан ўтган Буюк Ипак йўли тармоқлари: Андижон: Асака-Наманган, Чуст-поп, Учкўрғон, Қўқон, Марғилон, Фарғона, Шохимардон, Исфара, Конибодом (Тошкент ҳудудлари), Қамчик давони орқали Охангарон, Олмалик, Пискент, Тошкент, Хўжанд (Тожикистон)-Ховос-Ўрта Тепа-Зомин, Жиззах йўлидан: Фориш, Нурота, Қозоғистон чўллари. Жиззах-Сарбазар, Булунгур-Жомбой-Самарқанд йўлидан: Ғазара, Челақ, Иштихон, Митан, Қўшробод, Нурота, Самарқанд: Қоратахтача (Омонкўтон) давони орқали Китоб, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Самарқанд-Бухоро йўлидан: Катта кўрғон, Оқ тош, Хатирчи, Нарпой, Кармана (ҳозирги Навоий шаҳри) Қизил тепа, Қоракўл, Олот ва ҳ.к.

Эътироф этиш лозимки, Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон ҳудудларидан ўтиши фақат савдо-сотиқдагина эмас, балки ижтимоий-маданий турмуш шароитларини яхшилаш, халқаро алоқаларни боғлаш, қурилиш ишларини



амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнларини бойнтиш каби жараёнларга ҳам ижобий таъсир ўтказган. Шу сабабдан Маҳмуд Қашгарий, Имом Ал Бухорий, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби маърифат, тиббиёт доҳаларининг бу катта қарвон йўлларида кезишлари, илмий-ижодий фаолиятлар билан шуғулланишлари юзага келган.

Қолаверса Амир Темур, Мирзо Улугбек, Муҳаммад Бобур каби давлат арбоблари Буюк Ипак йўлидан мақсадли фойдаланиши учун ўзларининг амалий ҳиссаларини қўшган. Бу эса хорижий мамлакатларнинг элчилари, сайёҳлари, саргузаштлик билан шуғулланувчиларга катта имконият яратган. Шунингдек Туркистон ўлкасининг савдогарлари, элчилари, солномачилари, ижод билан шуғулланган иқтидорли ишбилармонлари ҳам чет мамлакатларга чиқишга муяссар бўлишган.

Қадимги Буюк Ипак йўли жаҳондаги жуда кўп йирик мамлакатларнинг тарихчи, археологлари, файласуфлари ва б.к соҳалардаги олимлари (Франция, Германия, Англия, Япония, Араб мамлакатлари ва х.к) диққат эътиборини жалб қилиб келган. Шу сабабдан ҳам XX асрнинг сўнгги йилларида (1980-1990) бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) махсус қарори асосида Буюк Ипак йўлини ўрганиш амалга оширилди.

Шу асосда ЮНЕСКОнинг махсус комиссияси тузилиб, унинг таркибида Ўзбекистонлик олимлар, сайёҳлар ҳам фаол иштирок этишди. Натижада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО муҳофазасига ўтказилди, яъни уларни таъмирлаш, муҳофаза қилиш, халқаро туризм масканларига айлантиришда бевосита ёрдам қилмоқда. Шу сабабдан ҳам ЎЗРВМнинг махсус қарори билан Ўзбек туризми компанияси ташкил этилиб (1995) мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш йўлга қўйилди. Айниқса ЎЗРнинг “Туризм тўғрисида”ги қонуни (1999) ҳамда республика ҳукуматининг туризмни ривожлантириш ва мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш соҳасидаги қарорлари (1999 йил, август) муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент давлат Иқтисодиёт университети таркибида туризм факультети ташкил этилди. Шунингдек, Самарқанд,

Бухоро ва яна бир қатор жойларда касб-хунар туризми коллежлари, туризм бўлим-лари ишга туширилди. Бу ўқув юртларининг асосий вазифаси мамлакатнинг тарихий ривожланиши, Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини бўлажак мутахас-сисларга ўргатишдан иборатдир. Шу билан биргаликда сайёҳларга (маҳаллий ва хорижий сайёҳлар) маданий ҳизмат қилиш, яъни меҳмонхоналарга жой-лаштириш, озиқ-овқатлар билан таъминлаш, автоуловларни ташкил этиш, йўлбошчилик (экскурсовод) қилиш, маданий хордиқ чиқариш (театр, кино, спорт, гўзал манзарали жойларни томоша қилиш ва ҳ.к) каби турли-туман фаолиятларнинг ташкилий асослари ҳам ўргатилади. Бўлажак мутахассислар моддий-техник таъминот, тежаш (эконом қилиш), бухгалтерия ишлари, тижо-рат, савдо ва б.қ кўп соҳалардаги назарий билим ҳамда амалий фаолиятларни ҳам эгаллашади.

Таъкидлаш лозимки, туризм бўйича ўқитиладиган махсус фанларнинг дастурларида фақат сайр (экскурсия)ишларигина мазмун топган. Туризм мақсад, мазмун ва моҳият жиҳатдан кўп тармокли соҳа сифатида фақат тарихий ёдгорликлар, маданий обидаларни томоша қилиш билан чегараланмайди. Балки табиатни севувчи, жисмонан чиниқишни ҳамда ўлкани ўрганишни мақсад қилиб қўйган ёшлар ва меҳнаткашларга ҳам хизмат қилади.

Бу йўлда оммавий (гурух) равишда табиат кўйнига чиқиш, соф ҳаводан тўйиб нафас олиш, зилол сувлардан баҳраманд бўлиш (ичиш, чўмилиш), куёш нурларида тобланиш, юкларни кўтариб узоқ масофаларга, айниқса тоғли жойларда пиёда юриш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан пиёда юриш саёҳатларини туризм мутахассисларига ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса аввало ўқув дастурларига уни киритиш, шу асосда махсус пиёда юриш (бир кунлик ва кўп кунлик) саёҳатларини доимий равишда ташкил қилиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон худудларидан ўтиши тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда миллатимизнинг жаҳон халқлари орасидаги обрўйи, шон-шухратининг ошиши, тарихий ёдгорликларимиз, буюк алломаларимизнинг сўнмас фаолиятларини ўрга-

нишда юртимиз аҳолиси ва хорижий сайёҳларнинг ташриф буюришлари муҳим ўрин эгаллайди.

Мустақиллик шарофати туфайли маданий обидалар, тарихий ёдгорликлар қайта таъмирланмоқда, янгидан маданият, спорт, таълим, санъат, сайёҳлик манзиллари, масканлари ташкил этилиб, қошоналик қасрлар, архитектура қурилишлари пайдо бўлмоқда.

Туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қонунлар, қарорлар асосида мутахассис кадрлар тайёрлаш, сайёҳларга маданий хизмат қилиш йўлида халқаро андозаларга (стандарт) мос бўлган сайр-саёҳатлар оммавий маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими эса ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнатқашлар оммаси учун турли шаҳарлар, ҳатто хорижий мамлакатларга саёҳат қилишга шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларнинг фаолиятида сихат-саломатликни яхшилаш ҳамда жисмонан баркамолликни таъминлашда гўзал ва хушманзарали жойларга пиёда юриш саёҳатларидан мақсадли фойдаланишни изга тушириш керак бўлади.

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш учун саволлар.**

1. Буюк Ипак йўли қачон ва қаерда пайдо бўлган?
2. Катта қарвонлар қайси йўллардан ўтган?
3. Ипак йўли тармоқлари ва асосий масканларда нима билан савдо қилишган?
4. Ўзбекистоннинг қайси ҳудудлари ипак йўли билан боғланган?
5. Савдо, тижорат ишлари қандай амалга оширилган?
6. Қадимги буюк ипак йўли мамлакатимиз ҳудудларида нималарга асос солган?
7. Мустақиллик туфайли туризм бўйича кадрлар тайёрлаш қачон ва қаерларда бошланди?
8. Туризм соҳасидаги кадрларнинг энг асосий фаолиятлари нималардан иборат?

9. Сайр (экскурсия) ва саёхатларнинг (пиёда юриш) аҳоли учун қандай аҳамияти бор?

10. Пиёда юриш (Бир кунлик ва кўпкунлик) саёхатларига Сизнинг майлингиз (хоҳиш, истак) қандай?

## **V -БОБ. ОММАВИЙ ПИЁДА ЮРИШ САЁХАТЛАРИ**

### **5.1. Соғломлаштирувчи оммавий пиёда юриш саёхатларининг тарбиявий аҳамияти**

Соғломлаштириш деганда фақат тиббий ёрдамгина (дориворлар) тушунилмасдан, балки жисмоний тарбиянинг у ёки бу воситалари, айниқса пиёда юриш саёхати (туризм) орқали амалга ошириладиган хилма-хил тадбирларни ҳам эътироф этиш лозим.

Ижтимоий турмуш шароити, айниқса меҳнат жараёнларида (ишга етиб бориш, меҳнат қилиш ва уйга қайтиш) пиёда юриш маълум даражада бажарилади. Бу амалий фаолиятларнинг ҳам сиҳат-сақломатликни сақлаш, уни яхшилаш борасида ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Лекин тоғли жойлар, дарё, кўл, сув омбори соҳиллари, яшил ўтлоқлар, соя-салқин жойларга бориб дам олиш, хордик чиқаришда пиёда юришнинг ўзгача гашти бўлади. Чунки, оила аъзолари ёки гуруҳ (ўқувчи-ёшлар, талабалар, меҳнаткашлар ва х.к) бўлиб, керакли жихозлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқатларни кўтариб, орқалаб юриш, камида 10-15 км. Масофани (бир кун давомида) пиёда ўтиш саёхатларининг пойдевори бўлиб ҳисобланади. Ҳар 30-45 дақиқада (саёхатчиларнинг тайёргарлигига қараб ўзгариш мумкин) 3-5 дақиқа қисқа дам олиш (привал), ҳожатларни чиқариш катнашчиларнинг ўта толикмаслигини таъминлайди. Йўлда кета туриб атрофларни кузатиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш саёхатчиларнинг табиат манзараларига бўлган қизиқишларини оширади. Паст-баланд, қир-адирлардан ўтиш, қиялик, сойликлардан тушиш, арик ва катта сувлардан сакраб, кечиб ўтиш жараёнлари амалий (жисмоний) ҳаракатларни кучайтиришни талаб этади. Тушки овқатланиш, дам олиш (катта привал) жараёнида атроф-муҳитга томоша қилиш, зилол сувларда чўмилиш саломатликни мустаҳкамлайди.

Кечки (тунаш) дам олиш пайтида овқат пишириш, чой қайнатиш, иситиш, кийимларни қуритиш (зарур бўлганда), гулхан ёки учун ўтин ғамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек давра қуриб биргаликда овқатланиш, гулхан атрофида суҳбат уюштириш, кўшиқлар айтиш, рақсларга тушиш катнаш-

чиларнинг кайфиятини кўтаради. Ғам-ташвишлар бир паст бўлсада унутилади. Бу жараёнлар ижтимоий-тарбиявий хусусиятларни мужассамлаштирган ҳолда дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, меҳрибонлик каби фазилатларни тарбиялашда хизмат қилади.

Табиат қўйнига уюштирилган пиёда юриш саёҳатининг мақсади ва белгиланган режалар асосида турли фаолиятлар амалга оширилиши мумкин.

Ўқувчи-ёшлар ва талабалар бундай саёҳатларда қуйидаги тадбирларни бажаришлари мумкин бўлади, яъни:

1. Туризмни ўрганиш.
2. Табиат манзараларини томоша қилиш.
3. Жисмоний жиҳатдан чиникиш.
4. Ўсимликлардан гербарийлар ясаш.
5. Турли ҳашоратларнинг (капалак, ниначи, чумоли, қўнғиз ва ҳ.к) тузилишини ўрганиш.
6. Парандаларнинг (бургут, калҳат, лочин, қарчиғой, каклик, қарғалар ва ҳ.к) турларини аниқлаш.
7. Ҳайвонот (чўчқа, кийик, олқар, тошбақа, юмронқозик, жайра, илон ва ҳ.к) олами билан танишиш.
8. Нодир тошларни (яркирок, рангли, турли шакллар ва ҳ.к) излаш ва йиғиш.
9. Қуриган шохлар, илдишлардаги турли шаклларни (одам, ҳайвонлар ва бошқаларга ўхшаш) топиш, уларни йиғиш.
10. Тупроқ таркиби, ранги ва функцияларини ўрганиш.
11. Дарахтларнинг турларига қараб уларнинг номларини аниқлаш.
12. Чорвадор ва ўрмон хўжалиги (табиатни қўриқлаш) ходимларининг ижтимоий турмуш шароитлари билан танишиш ва лозим бўлса уларга беминнат қўмаклашиш.
13. Саёҳат якунига бағишлаб гулхан уюштириш (қўпқунлик саёҳатларда). Бунда барча фаолиятларга баҳо бериш, келажакда яна саёҳатларни режалаштириш.

Юқорида зикр этилган тадбирлардан маълумки, пиёда юриш саёхатлари мазмун ва моҳият жиҳатдан катнашчиларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда хизмат қилади.

Катта ёшдаги кишилар меҳнат жамоалари асосида гуруҳ (10-15) киши бўлиб бир кунлик ёки тунаб келиш (2-3 кун) шарти билан пиёда юриш саёхатларини ўтказишлари мумкин.

Бунда асосан қуйидаги фаолиятлар талаб этилади, яъни:

1. Мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш.
2. Жисмоний ҳолатига қараб юкларни (кийимлар, озиқ-овқатлар, жиҳозлар, керакли буюмлар ва ҳ.к) аниқлаш.
3. Йўналишнинг (маршрут) шароитига (тоғли, тоғ олди ёки сувлик сохиллар) қараб юриш тезлиги (соатига 3-4 км) ва дам олиш (лаҳзалик тўхташ 5-10 дақиқа) меъёрларига эътибор бериш.
4. Тушки ва кечки дам олиш жойини белгилаш, уларга тайёргарлик қўриш (ўтин йиғиш, овқат тайёрлаш ва ҳ.к).
5. Атроф-муҳитни кузатиш, қир-адир, сойликларга сайр қилиш, чўми-лиш, машқлар бажариш, тўп ўйинлари.
6. Давра суҳбатларида табиат манзаралари, қўриқхона, қолган тассуротлар ҳақида баҳслар қилиш.
7. Спиртли ичимликларнинг зарарли хусусиятларини муҳокама қилиш, яъни унинг тоғ шароитларда юришдаги салбий томонларини (чар-чаш, толиқиш, нохуш сезиш, хансираш ва ҳ.к) нфода этиш.
8. Келгуси саёхатларда даврани кенгайтириш режаларини тузиш.

Хулоса, шундаки, пиёда юриш саёхатлари оммавийликни талаб этувчи ва катнашчиларни соғломлаштирувчи хусусиятга эгадир. Шу жиҳатдан ҳам пиёда юриш натижасида атроф-муҳитни томоша қилиш, изланиш ҳамда тадқиқот ишларини олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Энг муҳими эса фаол ҳаракатларни бажариш йўлида турли тўсикликлардан ўтиш, соф ҳаводан нафас олиш, қуёш нурларида товланиш билан са-

ломатликни мустахкамланади. Масофалар қатнашчиларнинг ёши, саломатлиги ва қизиқишларига қараб белгиланади ва қулай жойлар танлаб олинади.

## **5.2. Пиёда юриш саёхатларини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари**

### **5.2.1. Ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг саёхатлари**

Ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг пиёда юриш саёхатлари асосан икки мақсадда, яъни “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини бажариш ҳамда атроф-муҳит билан танишиш учун ташкил этилади. Бу саёхатлар бир кунлик ва тунаб келиш (2-3 кунлик) шаклида бўлиши мумкин. Шунингдек ёзги таътил пайтларида (соғломлаштириш оромгоҳлари ва спорт масканлари) кўп кунлик (8-10 ва ундан ортиқ) пиёда юриш саёхатларини уюштирилади. Бундай саёхатлар ўқув юртлари жисмоний маданият жамоалари кенгашининг (ЖМЖ-спорт клуб) йиллик режалари асосида ташкил этилади. Қайси ўқув юртида туризм клуби ёки сексияси (тўғарак) расмий равишда ташкил этилган бўлса, уларнинг мустақил режалари ҳам бўлади.

Саёхатларнинг қайси тури (пиёда юриш, тоғ туризми ва х.к) ёки шакли (бир кунлик, тунаб келиш, кўп кунлик) бўлмасин уларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун ягона талаблар қўйилади, яъни:

1. Ўқув юртида туризм тўғарагини (секция) ташкил этиш.
2. Жамоатчи фаолларни (инструктор-методист, ташкилотчи) тайёрлаш.
3. Туристик жиҳозларни жамғариш ёки ижарага олиш.
4. Тўғарак қатнашчиларини туризм билан назарий жиҳатдан қуроллантириш, уларни жисмонан тайёрлаш.
5. Топографик тушунчалар, биринчи тиббий ёрдам ва табиатни муҳофаза қилиш йўлларини ўргатиш.
6. Ўқув йили давомида дам олиш кунлари ёки таътил пайтларида яқин атрофларга қисқа сайр-саёхатлар ўтказиш. Бунда чодирларни ўрнатish, атроф-муҳитни қузатиш, юриш йўлларини чизмага (харита) тушириш, компас билан ишлаш каби амалий малакаларни ўргатиш.



7. Барча талаблар бажарилиб, маълум кўникмалар ҳосил қилинади ва тиббий кўриқдан ўтилади. Сўнгра бир кунлик саёхатни ташкил қилиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш лозимки, республикамизнинг деярли барча ҳудудлари пиёда юриш саёхатларига жуда қулай ҳисобланади, яъни тоғ олди ва тоғли жойларда булоқлар, ирмоқлар, кичик дарёлар, сув омборлари мавжуд. Уларнинг атрофлари яшил ўтлоқ, дарахтзор, соя-салкин жойларга эга.

Фарғона водийсининг бутун атрофи тоғлар билан ўралган ва дарёлар, катта сой сувлари, ариқлар, каналлар билан таъминланган. Яъни саёхатларнинг кўпчилиги турларини ўтказиш имкониятлари мавжуд.

Тошкент вилоятининг Хўжакент, Ғазалкент, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалик, Пискент, Бекобод каби ҳудудлари ҳам тоғ, дарё шароитларига эга.

Шу сабабдан ҳам Шохимардон (Фарғона), Арслонбоб атрофи (Андижон), Учқўрғон, Чуст, Поп (Наманган), Чотқол, Чимган, Қурама, Чорвок (Тошкент) тоғ оралиги жойларида ўқувчиларнинг дам олиш оромгоҳлари ва талабаларнинг соғломлаштириш-спорт масканлари (Хумсон, Қумушкон ва ҳ. к) узок вақтлардан буён хизмат қилиб келади.

Сирдарё вилоятининг ўқувчи-ёшлари ва талабалари Сирдарё ва Дўстлик (собик Киров) канали соҳиллари, янги ўзлаштирилган жойлардаги (Ок олтин, Бахт, Янгиер ва ҳ.к) каналларнинг ёқаларидаги соғломлаштирувчи ва дам олиш оромгоҳларида саёхатларни ўтказиш имконларига эга. Баъзи мактаблар, коллежлар ва университет жамоалари саёхатларни Тошкент ва Жиззах вилоятининг тоғли жойларида уюштиришлари амалда қўлланилмоқда.

Жиззах вилоятининг Зомин ўрмон хўжалиги, Бахмал ва Фориш туманларидаги кўриқхоналарда жойлашган ўқувчилар оромгоҳларида саёхатларни ўтказишади. Жиззах Давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабалари билан ўқув машғулоти ва кўп кунлик пиёда юриш саёхатларини Нурота тизма тоғлари (Учма, Осмонсой) ва Бахмал тоғларида ўтказиш бўйича анча тажрибаларга эга.

Самарқанд шаҳридаги ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг саёҳатлари Чўпонота (Зарафшон соҳили), Оҳалик, Омонқўтон, Ургут, Миронқўл каби тоғли ўрмонларда ташкил этилади. Вилоятнинг Булунғур, Жомбой, Тойлоқ, Ургут, Самарқанд, Қўшробод, Чархин каби туманларидаги тоғли жойларда саёҳат боб масканлар жуда кўп.

Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларининг деярлик кўпчилик ҳудудлари (Китоб, Шаҳрисабз, Денов, Сарносиё, Жарқўрган ва ҳ.к) Боботоғ ҳамда Помир тоғларининг этаклари билан туташ бўлиб, саёҳатларни мақсадли ўтказиш учун жуда қулай ҳисобланади. У ерлардаги ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари, айниқса Амир Темур ғори атрофларидаги сайёҳлар маскани мосламалардан кўп кунлик саёҳатларда фойдаланиш мумкин.

Юқорида баён этилган саёҳатларни ташкил этиш ва ўтказиш учун расмий руҳсатлардан фойдаланиш тавсия этилади, яъни:

1. Ўқув юрти раҳбарининг буйруғи.
2. Моддий-техник ва молиявий харажатларни ҳал этиш.
3. Жисмоний тарбия ўқитувчилари сафидан танлаб олиб, уларни туризм қондалари билан малакасини ошириш (тайёрлаш).
4. Ўқувчи-ёшлар ва талабалар ўртасида туризмнинг моҳиятини тарғибот қилиш.
5. “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг талабларини бажаришга даъват этиш (тушунтириш).
6. ЎЗРВМ нинг туризмни ривожлантириш тўғрисидаги қарори (1999 й) ва шу соҳада кадрлар тайёрлашни амалга оширишдаги фаолиятлар ҳақида суҳбатлар ўтказиш.
7. Импоният даражасида туристлар клубини ёки секция (тўғарак) ташкил қилиш.
8. Саёҳатчилар музейини ташкил этиш. Бунда ўлкашунослик ва табиатни муҳофаза қилишга доир кенг ўрин бериш.

### 5.2.2. Мехнаткашларнинг саёхатлари

Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида ишлаб чиқариш корхоналари хилма-хиллиги билан ўзларининг хусусиятларига эгадир. Шу асосда сўнги йилларда кўшма корхоналар ташкил этилиб ишлаб чиқаришнинг салоҳиёти ва мехнаткашларнинг мавқеи анча ошиб кетди. Уларнинг жисмоний маданият, спорт, туризм билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратилмоқда. Спорт клублар таркибида катор спорт тўғараклари (секция) ёки терма жамоалар ташкил этилиб кўпчиликни ўзига бирлаштирмоқда. Улар таркибида альпинизм, тоғ туризми, авто туризм каби секцияларнинг мавжудлиги эътиборга моликдир.

Яна бир томони шундаки корхоналардаги касаба уюшмалари кўмиталарининг раҳбарлиги ва ҳомийлигида тоғли жойларда дам олиш уйлари, соғломлаштириш-спорт масканлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иш мазмунида саёхатлар ҳам ўрин эгаллаганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Мехнат жамоаларидаги кишиларни саёхатларга жалб этиш асосан икки йўл билан амалга оширилмоқда, яъни:

1. Дам олиш уйлари, соғломлаштириш спорт масканларида ҳордиқ чиқарувчи ва даволанувчилар учун кунлик саёхатларни ўтказиш.

2. Тажрибали ва ҳаваскор саёхатчиларнинг режали бир кунлик, тунаб келиш ва кўпкунлик саёхатларини уюштириш. Бу тадбирлар махсус тайёрланган йўриқчилар (методист, инструктор) томонидан ташкил этилиб, саёхатлар мазмунли ва кизиқарли ташкил этилади. Тошкентдаги “Трактор”, “Тўқимачи”, Чирчиқдаги “Кимёгар”, Самарқанддаги “Кинап”, Навоийдаги Конметаллургия заводи спорт клублари бу соҳада намунали фаолият кўрсатмоқда.

Расул Ҳамзатовнинг “Чўлга учмаган бургут-бургут эмас, чўлдан ўлжа билан тоққа қайтмаган бургут-бургут эмас” –деган фалсафий сатрларини саёхатчиларга қиёслаш мумкин, яъни йиллаб мехнат қилган инсон сўлим гўша ва хушманзараларда ҳордиқ чиқармаса унинг қалбида ғамгинлик йиғилаверади ёки тоғли ва сувли яшил манзараларда пиёда кезиб, ҳордиқ чиқармаган

инсон кўнгли гашликдан ҳоли бўлмайди. Саломатлигидан нолиб юрган ним-жон ёки хасталик одамлар тоғнинг зилол сувлари, салкин соялари, оромбахш этувчи шабадаларнинг кадрини билмайди. Демокчимизки, яхши имконият ва шарт-шароитларга эга бўлган зиёлилар, баъзи меҳнаткашлар табиат кўйинидан бебаҳра қолмоқдалар.

Пиёда юриш саёҳатларининг саломатликни яхшилашдаги фазилатлари ҳақида нақллар, мақоллар, оммабоп китоблар ниҳоят даражада кўп. Лекин уларни ўқимаган ёки ўқишга ҳафсаласи кам бўлган катта ва кичик ёшдаги меҳнаткашлар, зиёлилар, турли хил мутахассис эгалари кўпчиликни ташкил этади. Қолаверса оммавий ахборот воситалари, телерадиоларда саёҳатлар ва уларнинг умрини узайтириш, иш қобилиятини ошириш, жисмоний баркамолликни тарбиялашдаги моҳиятлари ҳақида тарғиботлар кам олиб борилмоқда.

Ана шу сабабларга кўра барча меҳнат жамоаларида туризм секцияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, бунда:

1. Туризмнинг мазмуни, мақсади ва ижтимоий-тарбиявий хусусиятлари ҳақида маърузалар, суҳбатлар, мулоқатлар олиб бориш.

2. Туризм билан доимий равишда шугулланиб бораётганларни моддий тақдирлаш (мукофотлар, иш ҳақига қўшимчалар ва ҳ.к).

3. Туризм фаолларини (актив) махсус семинар машғулотларига тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, иш ҳақи тўлаш.

4. Туристлик жиҳозларни ғамлаш, уларни ижараларга бериш билан маблағ тўплаш.

5. Туризм бўйича мусобақалар ўтказиш, ғолиблар ва фаол иштироқчиларни рағбатлантириб бориш.

6. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, газета, радио ва телевиденияларда уларни тарғибот қилиш.

Хулоса қилиб айтганда пиёда юриш саёҳатлари меҳнаткашларнинг севимли машғулоти ва иш қобилиятини оширишнинг асосий омили бўлиши керак.

Шу сабабдан бўлажак мутахассислар саёҳатлар ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиришлари, ташкилий ишларни пухта билишлари лозим бўлади.

### 5.3. Саёҳатларда жисмоний чиникиш йўллари

#### 5.3.1. Саёҳатларгача жисмоний тайёргарлик

Маълумки пиёда юриш саёҳати иштирокчилари, айниқса туризм билан шу-ғулланувчиларнинг жисмонан соғлом, бақувват ва чиникишини талаб этади.

Шу сабабдан саёҳатларга тайёргарлик кўришда махсус жисмоний тарбия билан шуғулланиш лозим бўлади. Бунинг учун эса куйидаги талабларни бажариш шартдир:

1. Тиббий кўриқдан ўтиш, шифокорларнинг розилиги ва рухсатини олиш.
2. Ҳар куни эрта тонгда жисмоний тарбия машқларини (юриш, югуриш, 8-10 та умумривожлантирувчи машқлар) бажариш.
3. Об-ҳавонинг қулайлигига қараб ярим белгача совуқ (илиқмилик) сувда ювиниш ва баданни қаттиқ ишқалаб артиш.
4. Жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулотлари ва мусобақаларда фаол шуғулланиш.
5. Имконият даражасида кунора (ҳар куни) кечки пайтларда 4-5 км. масофаларни тез юриш ва ўртача тезликда югуриш билан ўтказиш.
6. Машқлар (югуриш) олдидан тинч ҳолда кон томирларининг уришини ўлчаш. Машқлар тугагач (баъзан ораликда ҳам) яна кон томирларнинг уриши даражасини ўлчаб, ҳар доим солиштириб бориш. Кескин ўзгариш юз берса шифокорга учрашиш.
7. Жисмоний ривожланиш даражасини (турник ёки дарахтларда кўлларда тортилиш, кўлларга таянган ҳолда букиб ёзиш, гантель ёки тошларни кўтариш, тиззаларни букиб ўтириш ва туриш ва ҳ.к) ва ривожланиши ўлчаш ва уларнинг миқдорларини аста-секин ошириб бориш.
8. Секин ва катта қадамлар ташлаб юраётганда чуқур нафас олиш (қадамларни санаш) ва секин чиқариш (қадамларни санаш). Бу ҳолатларни ҳам назорат қилиб бориш ва миқдорларни ошириш.

Мазкур машқ-фаол ҳаракатлар ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнаткашларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ривожланишига ижобий таъсир этишига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Шароит ва имконият бор жойларда эрталаб ёки кечки бўш пайтларда футбол, волейбол, баскетбол, теннис, бадминтон ўйнаш ва сув ҳавзаларда (арик, канал) чўмилиш тавсия этилади.

Хуллас, пиёда юриш саёҳатларига тайёргарлик жараёнларида (умуман ҳамма вақт) жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш зарур бўлади. Бунга ўрганган кишилар саёҳатларда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни енга олади ёки уларга чидай билади.

### 5.3.2. Саёҳатлар жараёнида жисмоний чинқиш

Ўтган бўлимларда баён этилганидек, пиёда юриш саёҳатларида пастбаланд тепаликлар, адирлар, қирлар ва тоғларда турли ҳаракатлар билан юришга тўғри келади. Бунда энг аввало нафас олиш чуқурлашади ва хансираш пайдо бўлади. Шунингдек оёқлар, бел, елка ва қўлларнинг толиқиши, чарчаш и вужудга келади. Жилға, арик, жарлик, тош-тўсиқлардан ҳатлаб ёки сакраб ўтишда оёқлар кучи, белнинг мустаҳкамлиги сезилади. Умуман эпчиллик, чаққонлилик, чидамлилик каби жисмоний сифатлар талаб этилади. Саёҳатларгача жисмоний жиҳатдан тайёрланганлар ёки бирон спортнинг (айниқса енгил атлетика, гимнастика, сузиш, баскетбол ва ҳ.к) тури билан мунтазам шуғулланувчилар юқорида таъкидланган қийинчиликларни онсонгина ўтказа-ди.

Саёҳатлар давомида жисмоний жиҳатдан чинқиш келажакдаги кундалик фаолиятлар, меҳнат (ўқув) жараёнларида қатта фойда беради. Шу сабабдан саёҳатлар жараёнида қуйидаги машқ-ҳаракатларни бажариш мақсадга мувофиқдир, яъни:

1. Қисқа (3-5 дақиқа) ва муддатли (5-10 дақиқа) тўхташ (привал) пайтларида оёқ, қўл ва белни дам олдириш учун уёқ-буёққа секин юриб, қўлларни ёнга, юқорига силташ, тирсақларни олдинга ва орқага айлантириш, бўйинни

ён томонга буриш ва айлангириш. Ётган ҳолда оёқларни баланд кўтариб, тош, дарахт ёки халтага (рюкзак) суяниш. Соф хаводан тўйиб-тўйиб чуқур нафас олиш.

2. Тушки нонушта пайтида овқатланиш олдидан томонларга айланиб (юриб) келиш, кўл, оёқ ва гавдаги энгил машқлар бериш, овқатланиб бўлгач, раҳбарнинг рухсати билан арик, жилға, сой бўйлари ёки соя-салқин жойларда юриш. Вақтга қараб футбол, волейбол, бадминтон (қизлар) ўйнаш.

3. Тунаб келиш (1-2 кун) саёҳатларида эрталаб жисмоний машқларни (югуриш, дарахтларга осилиб-тортиниш, тошларни кўтариш, оёқларни букиб ўтириб-туриш, жойда айланиб сакраш ва ҳ.к) бажариш. Тушки пайтда муздек сувда чўмилиш, ёки ярим яланғоч ҳолда ювиниш (шериклар сувни куйиши лозим). Куёш нурларида белгача яланғоч ҳолда ётиб тобланиш, энгил кийимларда офтобда юриш, соя-салқин жойларда ўтириб, ёғиб дам олиш. Баланд қирлар, тоғ қояларига чиққанда атроф-муҳитни кузатиш билан бир-қаторда ўтирган ва юрган пайтларда чуқур нафас олиш (10-15 сония) ва чуқур нафас чиқариш (10-20 сония давомида). Нафасни бурун орқали олиб, оғиздан чиқариш мақсадга яқиндир.

Кечки овқатланиш олдидан шароитларга қараб 1.5-2 км. масофани тез юриб ўтиш, зарур жойларда сакраш ва югуриш лозим. Тошларни (10-15 км. чамаси) икки қўллаб баланд кўтариш (10-20 марта), дарахтларда қўлларда тортилиш (8-12 марта), чалқанча ётганда (қизлар) оёқларни баланд кўтариб-пастга тушириш каби машқларни кўпроқ такрорлаш зарур.

Кўп кунлик (10-15 ва ундан ортиқ)саёҳатларда (соғломлаштириш-спорт масканлари ва дам олиш оромгоҳлари шароитида) жисмоний чиникиш йўллари жуда кўп бўлади. Бунда ўқитувчи ёки йўриқчи (методист-инструктор) томонидан машғулотлар режали равишда олиб борилади. Унда барча кишилар иштирок этишлари лозим. Шундай бўлсада баъзи бир саёҳатчилар (дам-олувчилар) мустақил равишда жисмоний чиникишини ўзлари олиб бориши мумкин. Бундай ҳолларда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Одатдаги эрталабки жисмоний машқларни (юриш, югуриш, махсус: тортилиш, ўтириб-туриш, сакраш ва ҳ.к) бажариш ва уларнинг миқдор ҳамда меъёрларини ошириб бориш.

2. Ташкил этиладиган саёҳатларда фаол иштирок этиш.

3. Ўзи севган (шуғулланадиган) спорт тури бўйича машғулотларда (тренировка) қатнашиш.

4. Ўтказиладиган спорт мусобақаларида фаол иштирок этиш.

5. Ҳавзада (арик, канал, кўл ва ҳ.к) ҳар куни 1-2 маротаба чўмилиш (тушгача ва тушдан кейин).

6. Баланд қирлар, тепаликлар ва чўққиларга тез чиқиш (раҳбарнинг руҳсати ва 2-3 киши билан биргаликда).

7. Куёшда ярим ялонғоч ҳолда юриш, ётиб тобланиш (10-15 дақиқа), соя-салқин жойларда ўтириб, ёнбошлаб, ётиб дам олиш (ортиқча ўтириш ва узоқ ухлаш мумкин эмас).

Таъкидлаш лозимки, ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнаткашлар ўзларининг хоҳиши билан кўпкунлик (6-8) саёҳатлар уюштирганда шароитларга қараб юқорида келтирилган талаб ва тавсияларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса шундан иборатки, пиёда юриш саёҳати ижтимоий-тарбиявий жараён сифатида шуғулланувчи ва иштирокчиларни жисмоний тарбиялашда муҳим воситалардан биридир.

Ю.А.Шалоков, Р.Абдумаликов, Т.Холдаров ва б.к. мутахассис олимларнинг илмий тадқиқотлари натижаларига қараганда (адабиёт рўйхатига қаранг) туризм (пиёда юриш, тоғ туризми ва ҳ.к) билан мунтазам шуғулланиб борган кишиларнинг ўртача яшаш умри бошқа кишиларникига нисбатан 10-15 йил узоқ бўлади. Шунингдек иш қобилиятининг юқори даражада бўлиши сабабли уларнинг меғнат махсуллари бошқаларга қараганда 15-20% кўп бўлади.

Ўқувчи-ёшлар ва талабалар ўртасида туризм билан шуғулланганлар барча фанларни ўзлаштиришда бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади. Де-



---

мак саёҳатлар орқали жисмонан чиниқиш ва ақл-заковатни ўстириш, меҳнат қобилиятларни ошириш, энг муҳими эса умрни узайтириш имкониятлари мавжуддир.



20-расм. Алишер Навоий хайкали.



21-расм. Буюк ипак йўли ўтган жойларнинг карта кўриниши.



22-расм. Чорсу меҳмонхонаси.

## 5.4. Саёхатларда ўлкани ўрганиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий фойдали меҳнат

### 5.4.1. Саёхатлар жараёнида ўлкашунослик

Мақтаб ўқувчиларининг пиёда юриш саёхатларида режа асосида, яъни ботаника, зоология, тарих, адабиёт ва б.к. фанларда назарий жиҳатдан ўрганган билимларни амалий тадбирлар билан бойитиш ва мустақамлаш амалга оширилиши мумкин. Бевосита фан ўқитувчиларининг иштирокида ёки махсус топшириқлар (уй вазифалари) асосида ўқувчилар мустақил равишда ўлкани ўрганиш борасида фаолиятларни бажарадилар.

Ўсимлик дунёсини ўрганишда таниш ва нотаниш ўсимликлар, уларнинг илдизи, барг-шоҳлари, гуллари ва ҳосилларини (уруг, дон, мева) текшириб кўриш, таҳлил қилиш ҳамда намуналар олинади.

Эътироф этиш лозимки Чотқол, Қурама, Хумсон, Чимган, Шоҳимардон, Зомин, Ойқар (Бахмал), Нурота, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ ва бошқа тоғли ҳамда тоғолди худудларда хилма-хил гуллик ўсимликлар (лола, равоч, тотрон, байчечак, қоқи ва х.к) ҳамда дарахтлар (арча, ёввойи анжир, олма, қизилча, ёнғок, жийда, тоқ ва х.к) жуда кўп учрайди. Уларнинг турлари ва ўсиш даражаларини ўрганиш барчани қизиқтиради.

Қасб-ҳунар коллежларининг ўқувчи-ёшлари, олий ўқув юртларининг талаблари ўз қасблари асосида ўсимлик дунёсини ўрганишлари мумкин.

Ўқорида қайд этилган тоғли жойларда бургут, қалхат, қалқик, ёввойи қурка турли рангдаги сайроқи қушлар, паррандалар беҳисоб кўп. Шунингдек, бўри, тулки, чўчка, олқар (ёввойи қўй), қийик, жайра, қуён ва б.к ҳайвонлар ҳам йил сайин кўпаймоқда. Чунки, деярлик барча тоғли жойлар ўрмон хўжалиги ёки қўриқхоналарга айлантирилиб, нодир ўсимликлар ва ҳайвонлар давлат томонидан қўриқланади. Шу сабабдан саёхатчилар, айниқса биринчи марта иштирок этувчилар тартиб-қоидага бўйсинишлари шарт, яъни ман этилган ўсимликларни узиш (пиёзларини қавлаб олиш), дарахт шоҳларини синдириш, парранда ва ҳайвонларни тутиш (ов қилиш) мумкин эмас.

Ўлкашунослик ишларининг яна бир муҳим тури шундаки, жойларнинг номини аниқлаш (қишлоқ, овул, якка уйлар, тоғ, сой, дарё, ариқ ва х.к, бунда маҳаллий кишилар билан суҳбатлашиш, қизиқарли жойларни фото-суратга (видео) олиш ва уларни ўқув (меҳнат) жойларида ўрганиш. Энг муҳими эса ўтган ва атрофдаги жойларни чизмага (схема) тушириш, чизма расмларда ифо-далашдир. Бу йўлда рангли тошлар, турли шаклдаги илдизлар, кундалар, қат-тиқ жисмли нарсаларни йиғиш, уларни ўқув (меҳнат) жамоаларидаги музей (махсус хона) ёки шахсий кутубхона-музейда сақлаш мумкин.

Айниқса қишлоқ аҳолисининг қабила, уруғ-аймоқлари, урф-одатлари, кийимлари, шевалари, рақс-қўшиқлари, ҳаракатли ўйинларини билиб ёзиб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тунаб қолиш ва кўп кунлик саёҳатларда географик жиҳатдан изланиш ишларини олиб бориш қизиқарлидир, яъни тош, тупроқларни ноодатий турлари, шамолларнинг эсиш вақти, томони, об-ҳавонинг ўзгариш жараёнлари, шунга асосан қушлар, ҳайвонларнинг ҳаракати(боқиши ёки эркин юриш) ҳам махсус кузатиш ва изланишларни талаб этади.

#### 5.4.2. Табиатни муҳофаза қилиш

Табиатни муҳофаза қилиш деганда, асосан икки муҳим тадбирни амалга ошириш тўғри келади, яъни: 1. Саёҳатчилар тартиб-қоидаларни бузмаслиги. 2. Бошқалар томонидан қилинган ноҳўя ҳаракатларнинг олдини олиш ёки унинг салбий оқибатларини тугатиш. Уларнинг қисқача мазмунларини қуйидагилар билан ифода этиш мумкин:

1. Саёҳатлар жараёнида барча қатнашчилар ўз жойларини тозалашлари, ёнгинларга йўл қўймаслик, дарахтларни кесиш-синдирмаслик, сувларни иф-лос қилмаслик, яшил ўтлоқлар, нодир гулларни пайхон (оёқ ости) қилмаслик лозим. Бу қоидалар табиат мувозанатининг (экология) сақланиши ва янада яхшиланишига сабаб бўлади.

2. Баъзи саёҳатчиларнинг эътиборсизлиги ёки атайлаб қилиши натижаларида қуриган ўтлар, шохлар, дарахтлар ёниб кетиши, атроф-муҳитга, ай-

никса хайвонот оламига катта зарар келтириши аниқ. Шунингдек одамларнинг экин майдонлари, уй хайвонлари ва яшил ўтлоқларда уларга зарар келтириш ҳоллари ҳам учраши мумкин, яъни меваларни рухсатсиз олиш, товуқ, курка, қўзи-улоқларни ўғирлаш, от-эшакларни рухсатсиз миниб бошқа жойларга ташлаб келиш кабилар. Бундай салбий ва нохуш хусусиятларга йўл қўймаслик учун энг аввало саёҳат раҳбари ва унинг фаол ёрдамчилари доимо, ҳар кадамда хушёр бўлиб, кузатувчилик ишларини олиб бориш лозим бўлади.

3. Табиатни муҳофаза қилишнинг энг муҳим йўли шундаки, жойлардаги одамлар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг розилиги ва рухсати билан қуйидаги ижтимоий меҳнатни бажариш керак:

- дарахт кўчатларини экиш (бахор ёки кузда), уларни суғориш;
- чорва моллари учун хашак ўриш, тўплаш, ташиш;
- қўзи ва улоқларни (эрта баҳорда) йиғиш ва уларни парваришлаш;
- йиғим-теримда (мева, сабзавот, дон, полиз ва ҳ.к) қўмаклашиш;
- ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, имконият даражасида амалий ёрдам кўрсатиш ёки мутасадди ташкилотлар, идораларга хабар бериш.

Хулоса қилиб айтганда саёҳат жараёнларида барча махсус тадбирлар каторида ўлкани ўрганиш, табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий фойдали меҳнатларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу асосда ўқувчи-ёшлар ва меҳнаткашларнинг маънавий-маърифий маданиятини тарбиялаш, инсоний фазилатларни мустаҳкамлаш имкониятлари мужассамлашади.

## 5.5. Саёхатларда жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам қилиш

### 5.5.1. Тиббий билимлар ва амалий малакаларга эга бўлиш

XXI аср жуда кўп тарихий воқеликлар билан бошланди. Бунда ижобий ишлар билан биргаликда салбий жиҳатлар ҳам жуда кўп. Яъни 2001 йил сентябрда АҚШдаги портлатиш, 2002 йил 16 февралда Тошкентдаги йирик идораларни ёндириш, Европа мамлакатларининг деярлик барча жойларидаги ёндириш, авто-поезд ҳалокатлари, сув тошқинлари, Океаниядаги (Индонезия ва б.к) табиий офатлар жуда кўп инсонларнинг қурбон бўлиши ҳамда оғир ярдор бўлишига сабаб бўлди. Айниқса 2005 йил май ойида Андижондаги террорчилик, ҳукумат идоралари ва театрларни портлатиб-ёндириш қиргинликка олиб келди. Бундай нохуш табиий офатлар ва сунъий талофатлар (террорчилик) бошқа жойларда ҳам у ёки бу даражада юз бермоқда. Унинг олдини олиш, хушёрлик қилиш қанчалик юқори даражада бўлмасин маккор, ёвуз кучлар ўз мақсадларини амалга оширишни давом эттирмоқда. Бу ҳолатлар юртимиз аҳолисини хушёрликка чиқариш, таҳдид ва ёвузликларга қарши курашишни таказо этмоқда. Шу билан биргаликда ўқувчи-ёшлар, талаба ёшларнинг ва меҳнаткашларнинг барча фаолиятларда иштирок этишини таъминлаш, айниқса биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини таъминлашга даъват этади.

Маълумки тиббий пунктлар ташкил этилмаган мактаб, коллеж, лицей, олий даргоҳ ва меҳнат жамоаси йўқ ҳисоби. Шу сабабдан шифокорлар беморларни текшириш, даволаш ва аҳолини тиббий билимлар билан қуроқлантиришда астойдил меҳнат қилмоқда. 2006 “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили, деб аталиши бежиз эмас. Бунинг негизида ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнат-каш омманинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга доир назарий билим ҳамда амалий малакаларини эгаллашлари ҳам назарда тутилган.

Умумтаълим мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида тиббий билим ва тушунчалар ҳақида махсус суҳбатлар, маърузалар, амалий машғулотлар, видеотасвирларни намойиш этиш йўлга



кўйилган. Бунда асосан касалликнинг олдини олиш, ўз вақтида даволаниш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш каби соҳаларга эътибор берилмоқда.

Қизил ярим ой жамияти ва тиббиётнинг баъзи тармоқлари ҳамкорлигида биринчи тиббий ёрдам беришга доир амалий машғулотлар ахён-ахёнда ўтказиб турилади. Бу аҳолининг тиббий билимларга етарли даражада эга бўлишига камлик қилади.

Ўқув юртлари ва меҳнат жамоалари қошидаги тиббий пункт ёки кабинетлар (маҳкама-хона) жароҳатланган ва б.қ. вокеликлар содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўқувчилар, талабалар ва ёш меҳнаткашларга доимий равишда ўргатишлари лозим.

Бундай фаолиятлардан спорт тўғараклари (секциялар), айниқса туризм билан шуғулланувчилар (тўғарак-секция) мақсадли фойдаланишлари лозим. Саёхатларга тайёргарлик жараёнида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ тушунча ва малака ҳосил қилиш лозим. Энг муҳими дориворларнинг (аптечка) ишлатилишини яхши ўзлаштириш, махсус тиббий ёрдам кўрсатувчини (шифокор ўрнида) аввалдан тайёрлаш лозим.

### 5.5.2. Саёхатларда биринчи тиббий ёрдам бериш усуллари

Саёхатлар жараёнида жароҳатланиш ёки бошқа тасодифлар бўлмаслигига ҳеч ким қафолат бераолмайди. Қатнашчиларни тартиб-қоидалар билан қуроллантириш, уларни доимий равишда назорат қилиб, кузатиб бориш натижасида кўнгилсиз ҳодисаларнинг камроқ бўлишига эришиш мумкин. У ёки бу сабаблар оқибатида қуйидаги ҳодисалар бўлиши мумкин, яъни:

1. Йиқилиш, суриниш, думалаб кетиш сабаби билан этларни шилиниши, бўғинларнинг чўзилиши ёки кўзгалиши, суякларнинг чатнаши (ёрилиши) ёки синиши мумкин.

2. Тош, шох ва бошқа ўткир учли нарсаларга урилиш, йиқилиш оқибатида мушакларнинг йиртилиши (кесилиши), қон томирларининг ёрилиши (узилиши) натижасида қонлар отилиб чиқиши мумкин.

3. Эҳтиётсизлик сабабли овқат пишириш, чой қайнатиш, гулхан ёқиш ёки атрофларда олов ёниши (пожар) туфайли бадан аъзолари куйиши содир бўлади.

4. Куёшда ялонғоч бўлиб кўп юриш, ётиш оқибатида нурланиш (куёш уриши) вужудга келади.

5. Дарё, катта ариқ, канал, кўл, кўлмакларда чўмилиб чўкиб ёки оқиб кетиш натижасида кўп сув ютиб ҳушдан кетиш мумкин.

6. Ёқимсиз, эски (ачиган) овқатлар, замбурук, қўзикорин ва ёввойи меваларни (олча, жийда, дўлана, олхўри, ёнғок ва ҳ.к) истеъмол қилиш натижасида кўнгили айниш, қусиш, қорин оғриғи ва ҳ.к. бўлади.

7. Сурункали (хроник) касалликларнинг (ич кетиш, йўталиш, бош оғриғи, буйрак шамоллаши ва ҳ.к) асоратлари кўзғалиши каби иллатлар ҳам содир бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган воқеликлар ва яна бошқа ходисалар тиббий билимларга етарлича эга бўлмаслигининг оқибатидир, дейиш ҳам мумкин. Шу сабабдан бир кунлик, тунаб келиш, айниқса кўп кунлик саёҳат-ларда тиббий ходимнинг (шифокор ёки фельдшер, медсестра) бўлиши шарт. Уларга махсус тайёрланган санитарлар (қатнашчилар ҳисобидан) ва маълум даражада тиббий малакага эга бўлган бевосита ёрдам беришлари лозим бўлади. Тиббий ходимлар саёҳат шароитларини билишлари зарур бўлган дори-дармонлар, техник воситалар, мосламаларни олиб юришлари шартдир. Шундай бўлсада саёҳат қатнашчиларининг деярлик барчаси биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини саёҳатлар давомида (мусобақа-слёт) амалда яна си-наб кўришлари лозим. Зарурият бўлганда эса амалий ёрдам кўрсатиш керак бўлади.

Уларни куйидаги усуллар билан амалга оширишга тўғри келади:

1. Енгил яраларни артиб-тозалаб (спир ёки одекалон) боғлаш.
2. Қон томирларидан отилиб ёки тўхтовсиз оқиб турган жойнинг юқори қисмини қисиб (жугут ёки рўмол билан) боғлаш.
3. Кўл ёки оёқларнинг бўғини чиқса ёки суяклар синса ёғочлардан мослама (шина) ясаб уни қўшиб боғлаш.

4. Юриш ҳолига эга бўлмаганларни 2-3 киши бўлиб қўлда ёки таёқлардан ясалган замбилларда (носилка) кўтариб тегишли жойга олиб бориш.
5. Куйишнинг даражаларига қараб ёғ (вазелин) суртиш ва боғлаш.
6. Сувда чўкиб ёки йиқилиб хушсиз бўлганларга сунъий нафас олдириш, оғзига пуфлаш. Ичидан сувни чиқариш учун унинг қорни билан тиззага ётқизиб, белидан (орқасидан) босиш, оғзини очиб рўмол-ни (қошиқ ёки б.к. буюм) тишлатиш.

Бемор нафас олмаса унинг оғзини зўрлаб бўлсада очиш ва рўмол, дўппи (шапочка) ёки бирон буюмни тишлатиб қўйиб тилини бармоқлар билан тортиш, чиқариш, кўкрагини (ўпка ва юрак усти) секин-секин босиш лозим бўлади.

Оғир аҳволдаги бемор ёки жароҳатланганларни яқин атрофдаги шифохонага (медпункт) етказиш ёки у ерга бориб телефон орқали тиббий ходимларни ёрдамга чақириш керак бўлади.

Ҳозирги техник тараққиёт жараёнида қўл телефонларидан (сотка) саёхатларда ҳам мақсадли фойдаланиш керак.

Умуман олганда саёхатларда жароҳатланиш ва кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмасликка жиддий эътибор бериш лозим. Бунинг энг асосий чораси қатнашчиларни аввалдан тайёрлаш, тартиби бузукроқларни доимо огоҳлантириш, улар устидан қўшимча (ўртоклари, фаоллар ҳисобидан) назорат ўрнатиш лозимдир.

Мазкур биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни бўлажак касб-ҳунар эгалари пухта эгаллашлари мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай ҳолатлар меҳнат жараёнида ёки кўча-кўйда содир бўлиши мумкин. Уларни кўрганда инсоний фазилат сифатида тезда кўмаклашиш ҳар бир кишининг виждонан бурчи бўлмоғи керак.

Мазкур бобга умумий хулоса қилинса айтиш лозимки, ҳозирги техник тараққиёт, одамларнинг меҳнат ва турмуш юмушлари билан ўта бандлиги сабабли сихат-саломатликни сақлаш, жисмонан баркамол бўлиш каби

эхтиёжий фаолиятларга эътибор сусаймоқда. Ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг кундалик жисмоний машқларни (ўйин, спорт ва ҳ.к) бажариш миқдорлари сусайиб бормоқда. Спорт тўғрақлари, жамоалар (команда) ва спорт мактабларида мунтазам шуғулланувчилар сони 5-10 % дан ошмайди. Йил давомида ўтқа-зилмаётган 10-15 та спорт мусобақаларида фаол иштирок этувчилар ҳам 15-20 % га етиб боради. Хуллас 65-75 % ўқувчи-ёшлар ва талабалар жисмоний машқлар (спорт, ўйинлар ва ҳ.к) билан мунтазам шуғулланиб ўзларининг баркамоллигини оширишдан орқада қолмоқда. Бундай кўрсаткичлар зиёли-лар ва меҳнатқашлар ўртасида кўп бўлса-кўпки, оз эмас. Бунинг устига оммавий пиёда юриш саёҳатларини ташкил қилиш эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Саёҳатларнинг тарбиявий ва соғломлаштириш хусусиятларини кенг тарғибот қилиш, ўқув дастурлари ва иш режаларида мазмун топган саёҳатларни мақсадли ташкил қилиш ҳамда ўтказишни йўлга қўйиш, уларнинг сифат даражасини доимий равишда назорат остига олиш лозим.

Бунда мутасадди вазирликлар, жамоатчи спорт уюшмалари (“Ёшлик”, “Талаба” ва ҳ.к) ва айниқса Ўзбек туризм компаниясининг қуйи тармоқларидаги (вилоят, шаҳар-туман, ўқув юрти) мутасадди ходимларнинг масъулиятларини ошириш лозим бўлади. Энг муҳими эса ўқув юртларида туризм бўйича клублар (секция ёки команда) ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

### **Ўз-ўзини текшириш ва билимларни назорат қилиш учун саволлар.**

1. Оммавий саёҳатлар ҳақида қандай тушунчаларга эгасиз?
2. Пиёда юриш саёҳатининг асосий хусусиятлари нима?
3. Жамоаларда саёҳатлар қандай ташкил қилиниши лозим?
4. Жамоатчи фаоллар (активлар) қандай вазифаларни бажаради?
5. Саёҳатгача ва саёҳатларда қандай жисмоний тайёргарлик амалга оширилди?
6. Саёҳатлар жараёнида ўлкани ўрганиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий фойдали меҳнат қандай амалга оширилади?
7. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш деганда нималарни биласиз?

8. Саёҳатгача ва саёҳатларда биринчи тиббий ёрдам беришни қандай қилиб ўргатиш, уларни амалга ошириш мумкин?
9. Ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида пиёда юриш саёҳатларини йўлга қўйиш учун қандай чора-тадбирлар кўрса бўлади?
10. Оммавий пиёда юриш саёҳатларига сизнинг шахсий муносабатингиз қандай?

## VI-БОБ. ТУРИСТИК ЖАМОАЛАР (КЛУБЛАР) ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

### 6.1. Туристтик жамоа (клуб) ҳақида тушунчалар

Туристтик жамоа деганда саёҳатчиларнинг бошланғич ташкилоти ёки уюшмасини тушунилади. Яъни ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг таркибида жамоатчилик асосида мазкур жамоа (коллектив) тузилади. Жамоаларнинг йирик шаклидаги бирлашмаларини (уюшма) клубга айлантириш мумкин. Туристтик жамоани ташкил қилиш мумкин бўлмаган жамоаларда (ўқув юрти ва ишлаб чиқариш), яъни кичик ва шаронтлари етарли бўлмаса тўғарак (секция) ёки команда (5-10 киши) тузиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш лозимки, собиқ иттифок даврида марказий касаба уюшмалари томонидан махсус “Низом” (положения) ишлаб чиқилиб ва тасдиқланиб, йирик корхоналар ва олий ўқув юртлари қошида туристик клублар, секциялар ташкил этилган эди.

Низомга кўра жамоалардаги жисмоний маданият жамоаси (физкультура коллективи) таркибида туризм секцияси ёки мустақил равишда туристик клуб ташкил қилишга кенг имкониятлар яратилган эди. Улар ўзларининг низомлари ва иш режаларини тузиб ўқувчи-ёшлар ва меҳнаткашларни туризм билан шуғуллантириш ишларини олиб борар эди. Бундай клублар кўпинча мустақил равишда иш олиб бориб, ҳаваскор туристларни ўзига жалб этар эди.

Республика ва вилоятлар миқёсидаги “Спартак” спорт жамияти қошида туризм секциялари мавжуд бўлиб, улар бошланғич ташкилотларда туризм тўғарақлари, командаларни ташкил қилиб, оммавий пиёда юриш саёҳатларини уюштиришига мувоффақ бўлган эди. Бунда асосан “СССР Туристи”, “Меҳнат ва мудофаага тайёр” жисмоний маданият мажмуаси талабларини бажаришга қаратилиб ташкилот раҳбарларининг эътиборини жалб этиб, уларнинг масъулиятларини оширишда катта фаолиятлар кўрсатди.

Бошида таъкидланганидек, мустақилликка эришиш арафалари даврида (1989-1991 й) ва кейинги вақтларда туризмга бўлган эътибор анча сусайди.

Бу ташкилий, иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотлар билан боғланганлигининг сабабидир. Лекин ижтимоий-маданий турмуш, аҳолининг ҳар соҳадаги эътиқоди, эҳтиёжи ва бошқа бир қатор сабаблар билан мамлакатда туризм ишларини олиб боришга киритилди. Бу йўлда “Туризм тўғрисида”ги қонун (1999 й) ва туризмни ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш ҳақидаги ҳукумат қарорлари (1999 й) муҳим босқич бўлиб ҳисобланди. Бу асосан тарихий шаҳарлар, маданий-архитектура ёдгорликларига сайр (экскурсия) уюштириш, халқаро туризмга қаратилди. Пийёда юриш саёҳати эса деярлик эътибордан четда қолмоқда. Ўқувчи-ёшлар ва меҳнаткашларнинг сайр-саёҳатларини ташкил қилиш асосан ҳар бир жамоанинг (ўқув ва меҳнат) раҳбарлари, касаба уюшмалари, ёшлар ижтимоий ҳаракати (“Қамолот”) каби ташкилотлар томонидан уюштирилмоқда. Уларни ташкил қилувчи туризм жамоаси ташкил қилинган эмас.

Шу сабабдан ҳар бир жамоада (ўқув ва меҳнат) туризм жамоаси ёки тўғарагини (секция) ташкил этишга оғир баъзи бир тақлифларни тавсия этилмоқда (аввалги низомлар асосида):

1. Жамоа раҳбарларининг розилиги ва руҳсати билан туризмга қизиқувчиларнинг (махсус эълон асосида) умумий йиғилишини ўтказиш. Бунда туризмнинг аҳамияти ҳақида маъруза ўқиш (раҳбар ёки тақлиф этилган мутахас-сис). Йиғилишда тўғарак раҳбариятининг кенгашини (совет 9-11 киши) сай-лаш. Кенгаш эса секция ёки туристик клубнинг раисини сайлаб, қолган аъзо-ларнинг бурчи ва вазифаларини белгилаш.

2. Ҳар 1-2 ойда кенгаш йиғилишини ўтказиб, унда режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, аъзоларнинг ҳисоботини эшитиш.

3. Фаол ўқувчи, талабалардан (меҳнаткаш) туризм бўйича йўриқчи (методист-инструктор) тайёрлаш. Бунда семинар машғулотларни ўтказиш ёки марказий туризм секцияларига сафарбар этиб, у ерда махсус тайёрлашни амалга ошириш.

4. Дам олиш кунлари, таътил пайтлари ва улуғсаналарга бағишлаб бир кунлик, тунаб келиш (2-3 кун) ва кўп кунлик (6-8 кун) саёҳатларни ўтказиш.

5. Тарихий ёдгорликлар, маданий обидалар, хотира майдонлари, илғор ишлаб чиқариш корхоналари, музей, театр, спорт иншоотлари ва ҳ.к. жойларга сайр (экскурсия) ташкил этишда фаол иштирок этиш.

6. Жамоада (ўқув ва меҳнат) туристик бурчак ёки музей ташкил қилиш, унда китоблар, плакатлар, нодир топилмалар, туристик жиҳозлар, видеотасвир тасмалари, расм-суратлар ва ҳ.к.ни тўплаш сақлаш.

7. Илғор тажрибалар билан танишиб бориш, ўз тажрибаларини матбуот, телерадиоларда ёритиб бориш.

8. Шаҳар (туман), вилоят ва республика туризм анжуманлари, мусобақаларида (слёт) фаол иштирок этиш.

9. Ўқувчи-ёшларнинг ёзги оромгоҳлари, талабаларнинг соғломлаштириш-спорт масканлари ва меҳнаткашларнинг дам олиш уйлари, санатория, курортлардаги саёҳат ишларида қатнашиш, амалий ёрдам бериш.

Юқоридагилардан маълумки, жамоаларда туристик клуб ёки секцияларни ташкил қилишнинг ижтимоий-маданий ва тарбиявий жиҳатдан афзалликлари эҳтиёжларга моликдир. Шу сабабдан ҳаваскор туристларнинг сонини кўпайтириш. Оммавий сайр ва саёҳатларни ташкил қилиш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.



## 6.2. Жамоанинг фаолиятлари

Мамлакатимиз мустақиллиги, олиб борилаётган турли хил туб ислохотлар барча соҳалар каби туризмда ҳам ишларни аниқ режалаштириш, шартшароитларни ҳисобга олиш, ижрони амалга ошириш, назорат қилиш ва текшириш каби энг зарур фаолиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Ўқув юртлари, ишлаб чиқариш (қўшма) корхоналар, аҳоли истиқомат жойларида ташкил этилган (ёки ташкил этиладиган) туристик клублар ёки секциялар (тўғараклар) ўз иш фаолиятларини режалаштириш ва юритишда куйидагиларга (намунавий иш режаси) асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яъни:

### 1. Бошқарув (ташқилий) фаолиятлар:

- Умумий (таъсис) мажлисни ўтказиш. Бунда ҳисобот бериш ва янги бошқарув кенгашини сайлаш. Шунингдек йиллик иш режасини тасдиқлаш.
- Кенгаш (совет ёки бюро) йиғилишларини ҳар ойда ўтказиб бориш. Бунда: аъзоларнинг ҳисоботи, режаларни ишлаб чиқиш, эҳтиёжга зарур бўлган ишларни амалга ошириш.
- Юқори туристик ташкилотлар фаолияти билан алоқадор бўлиш, уларнинг кўрсатма ва топшириқларини бажариш.
- Жамоатчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаларини ошириш, семинар машғулотларини ўтказиб бориш.

### 2. Оммавий тадбирларни ўтказиш:

- Дам олиш кунлари, таътил кунлари, таътил пайтлари ва улуғ саналарга бағишлаб сайр-саёҳатлар ўтказиш.
- Саёҳат йўлларини (маршрут) ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш.
- “Аждодлар мероси”, “Тарихий обидалар”, “Замонавий қаср ва кошоналар” мавзусида сайр ўтказиш.
- “Ўзбекистон саёҳатчиси”, “Адпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларидаги туризм нормативларини (талаблар) бажариш учун оммавий саёҳатлар ташкил қилиш.

- Хотира майдонларига сайр уюштириш.
- Туристтик техника бўйича жамоа биринчилиги учун мусобакалар ўтказиш.

### **3. Тарғибот ишлари:**

- Жамоанинг “Саёҳатчи” деворий (нашрли) газетасини ташкил этиш, унинг сифатига эътибор бериш.
- Туризм мавзусида маърузалар ташкил этиш ва унда мутахассислар, фахрийларни жалб этиш.
- “Менинг ватаним”, “Табиатни асра” (экология), “Жисмоний чиниқиш” каби мавзуларда мулоқотлар, давра суҳбатларини ўтказиш.
- Видео тасвирларга олинган энг намунали табиат манзаралари ва саёҳатчиларнинг фаолиятларини доимий равишда намойиш қилиб бориш.
- Матбуот ва телерадиоларда чиқишни ташкил қилиш.
- Фаол саёҳатчиларнинг фото-суратлари ва фаоллиги ҳақида экспонатлар, витриналар ташкил қилиш.
- Туризм бўйича мусобакаларда ғолиб чиққанларни тақдирлаб бориш, рағбатлантириш.
- Касб-ҳунар билан боғланган саёҳатлар, жисмоний чиниқишлар ҳақида ташвиқотлар олиб бориш.

### **4. Иқтисодий-ҳўжалик ишлари:**

- Клубнинг (секция) молиявий сметасини тузиш. Бунда кирим манбаларини (аъзолик бадаллари, хомийлик, шахсий ёрдам, тижорат, пуллик хизмат-ижара ва ҳ.к) аниқлаш ва маблағларни тўплаш.
- Сметага асосан туристик жихозларни харид қилиш, уларни ижарага бериш, оммавий тадбирлар ва мусобакалар (слёт)учун моддий-техник манбаларни белгилаш.
- Ўқувчи-ёшлар ва талаба-саёҳатчиларнинг турли хил хизматларда (бўш вақтларда) иштирок этиши ва маблағ топишларини йўлга қўйиш, яъни ишлаб чиқариш, савдо, бозор ва ҳ.к.да меҳнат қилишларини

таъминлаш. Уларнинг топган маблағларидан бир улушини клуб (секция) хазинасига (қонуний асосда) ўтказиш.

## **5. Расмийлаштириш ва ҳисобот ишлари:**

### **5.1. Ҳужжатларни расмийлаштириш**

- Саёҳатчилар ва уларнинг фаолиятларини кўрсатувчи карталар (ҳужжат).
- Тадбирларни рўйхатга олиш дафтари.
- Кирим-чиқим қоғозлар рўйхати.
- Секция журнали.
- Режалар папкаси.
- Йўналиш (маршрут) варақалари тўплами.
- Қонун, қарор, низомлар тўплами.
- Молиявий ҳужжатлар.
- Жиҳозлар рўйхати.

### **5.2. Ҳисобот ишлари**

- Даврий (ойлик, квартал, ярим йиллик) ва йиллик ҳисоботлар.
- Молиявий ҳисоботлар.
- Мутасадди раҳбар ташкилотларга ҳисобот, маълумотномалар справка.

**Эслатма:** юқоридаги расмий ҳужжатларнинг баъзи бир намунавий нусхалари илова қилинди.

### 6.3. Жамоатчи фаолларни тайёрлаш тартиблари

ЎзДЖТИ ва вилоятлардаги жисмоний тарбия факультетларида туризм фан сифатида ўқитилса-да, махсус кадрлар тайёрланмаётир. Туризм факультети (ТДИУ) ва вилоятлардаги туризм коллежларида асосан маданий хизматларгина ўргатилмоқда. Пиёда юриш туризми бўйича мутахассис кадрлар ҳеч ерда тайёрланмайди. Фақат махсус курс, семинар-кенгашлардагина йўриқчи-инструкторлар тайёрланмоқда. Демак, ҳар бир ўқув юрти ва меҳнат жамоаси ўз фаолларини юқори курсларни семинарларга юборишлари лозим. Шу асосда ўз жамоаларида ҳам махсус дастур ва режалар асосида (намуна иловада) жамоатчи фаолларни тайёрлашга тўғри келади. Бунда мутахассислар, тажрибали туристларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, туризм ҳаракати ва унинг оммавийлиги асосан бошланғич туристик ташкилотлар (клуб, секция) фаолиятига боғлиқдир. Шу сабабдан сайр ва саёҳатларни ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида оммалаштиришда туристик клуб ва секцияларни ташкил қилиш, уларга амалий ёрдам қилиш лозимдир.

Таъкидлаш лозимки, касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи-ёшлари, талабалар ва меҳнаткаш фаоллар жамоаларда (коллектив) туристик клублар ва секцияларни ташкил қилиш, Олий ўқув юртлари, уларнинг фаолиятларини мақсадлагидек юри-тишда ҳар бир жамоанинг бош раҳбари, етакчи мутахассислари асосий рол ўйнаши ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари (профсоюз), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда турли хил хайрия жамғармалари, хомийларнинг амалий ёрдамлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниш лозим. Шу асосда бўлажак иш, меҳнат жойларида туризм ишларини йўлга қўйиш йўллари-ни ўрганишлари лозим бўлади. Бунинг учун туристик клублар, марказий сек-циялар, жамоатчи ташкилот ҳамда уюшмаларнинг низомлари билан яқиндан танишиш зарурдир.

**Ўз-ўзини текшириш ва билимларни назорат қилиш учун саволлар.**

1. Туристтик жамоа деганда нима кўзда тутилади?
2. Туристтик клуб ва секцияларни (тўгарак) ташкил қилиш учун қандай ишлар амалга оширилади?
3. Туристтик клубнинг (секция) низомида асосан қайси йўналишлар баён этилган?
4. Клуб ва секциянинг иш фаолиятлари нималардан иборат?
5. Клуб (секция) ўз фаолиятини қайси ҳужжатлар асосида олиб боради?
6. Клубнинг (секция) моддий-техник таъминоти қандай бўлади?
7. Янгидан ташкил этиладиган туристик клуб (секция) фаолиятига қим-лар раҳнамолик қилиши керак?
8. Жамоатчи фаоллар қандай тайёрланади?
9. Жамоаларда (ўқув ва меҳнат) туристик клублар ва секцияларни ташкил қилишга қандай муносабат билдирасиз?

## VII-БОБ. ТОПОГРАФИК ТУШУНЧАЛАР ВА ТУРИСТИК ТЕХНИКА

### БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИШ

#### . Топографик билимлар ҳақида тушунчалар

Саёҳатлар жараёнида ва умуман атроф-муҳитни яхши билиш, табиатни кузатиш ҳамда улар билан бевосита боғлиқ бўлган воқеликлар, ходисалар, фаолиятларни англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳада умумтаълим мактаблар, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиладиган география, тарих, адабиёт ва бошқа фанлар аниқ маълумотлар беради.


Мустақиллик йиллари даврида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талаблари таркибида сайр-саёҳатлар аҳолининг ёшларига қараб нормативлар берилганлиги ҳаётий заруриятдир. Унинг меъёрий талабларини бажаришда барча амалий фаолиятлар билан бир қаторда назарий жиҳатдан тегишли билим ҳамда малакага эга бўлиш зарурияти табиий ҳолдир, яъни йўлни (маршрут) танлаш, чизмалар (схема) тайёрлаш, харитани ўқиш, улардаги шартли белгилар ҳақида тушунчаларга эга бўлиш талаб этилади. Шу сабабдан саёҳатларга тайёргарлик ва уларни мақсаддагидек амалга ошириш учун барча иштирокчилар топографик билим ва тушунчаларга эга бўлишлари шарт.

Уларни бевосита махсус (семинар) машғулотлар жараёнида ва мустақил равишда ўрганилади. Саёҳатлар давомида топографик тушунчалар ва билимлар амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб борилади.

#### 7.1.1 Топография ва шартли белгилар

Ер ва унинг тузилишини қоғозда режали равишда акс эттириш *топография* дейилади. Бу геодезияда кўпроқ ишлатилади.

Картада ер ва ундаги асосий белгилар аниқ ва қискартирилган ҳолда берилади.




23-расм. Магнит чизиғи ва азимутнинг оғиши.

Сонли масштаб картада тасвир этилган тўғри чизиклар оралигини аниқлаб берувчи белгидир. У қуйидагича кўрсатилади:

1: A ёки  $\frac{1}{A}$  A – чизиклар картада неча марта қискартирилганини кўрсатувчи сон. Мисол . 1:50000, 1:100000, 1:250000, 1:100000, 1:40000,  $\frac{1}{84000}$ .

Чизикли масштабда жойнинг бирор бўлағи аниқ сонлар асосида чизик билан белгиланади ва бу аниқ белги картанинг тагида тўғри чизик билан тақсимлаб кўрсатилади.



24- расм. Уфқ томонлари соат ва қуёш бўйича аниқлаш усуллари.


Чизикли масштаб сонли масштабга нисбатан оралиқни ҳисоблашга бирмунча қулай. Чунки сонларни кўпайтириб турмасдан аниқ чизик белги-

лари асосида маълум ораликни ўлчаб, масофани тез белгилаш мумкин. Тур-истлар кўпроқ 1:25 000 масштаб-ли картадан фойдаланадилар.

Шартли белгилар картани ўқиш қалитидир, шартли белгилар асосида уч хил қарталар мавжуд: масштабли, масштабсиз, изоҳли.

Шуни ҳисобга олиш керакки, картадаги айрим шартли белгилар фақат ёз мавсумига мослаб олинади.

Жойларнинг рельефи йирик масштабли қарталарда кўрсатилади, бунда денгиз сатҳига нисбатан баландликлар аниқ ўлчов билан белгиланади.




25- расм. Чизикли масштаб.

Баландликларнинг йўналиши, нишаблиги унинг тузилишига қараб акс эттирилади.

Айрим ҳолларда, айниқса схемаларда жойнинг баландлиги ёки пастиги оддий чизикчалар билан ҳам ифодланади.

Маршрутга тегишли бўлган жойларнинг схемасини тузиш ёки уни айнан кўчиришда картанинг масштабларини ўзгартирмаслик зарур. Айрим ҳолларда картадан кўчиришга фотосурат усулидан фойдаланиш мумкин, имкони бўлса кўчирма (эраснимка) қилиш керак. Картадан фойдаланишда унинг чиққан йилига эътибор бериш, фақат янгисини ишлатиш лозим.





26- расм. Циркуль ёрдамида картага қараб масофани ўлчаш.

### 7.1.2. Жойларни чамалаб топиш усуллари

Бирор жойни чамалаб топиш учун картани горизонтал ҳолатда сақлаб, унинг устига компасни қўйиш лозим. Кейин карта компаснинг кўрсаткичи меридианга тўғри келгунча айлантирилади. Магнит кўрсаткичи географик кутбни тўла кўрсатмаганлиги туфайли шундай қилинади. Умуман, икки меридиан, яъни географик (ҳақиқий) ва магнит меридианлари мавжуд.

Ҳақиқий ва магнит меридианларнинг оралигини магнит оғиш бурчаги деб аталади.



27- расм. Томонларни қор эришига қараб чамалаш усуллари.

Бу оғишнинг фарқи 10-20 ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши, шунингдек, турли белгиларга эга бўлиши мумкин. Турган жойни аниқ белгилаш учун картада белгиланган оғиш бурчакларини билиш зарур. Шунингдек, турган жойни Қутб юлдузи орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Агар магнит оғиш бурчаги шарқий томонда бўлса, унда картада плюс (масалан  $7^\circ$ ) билан белгиланади. Демак, ҳақиқий Шимол йўналишининг шимолий чап томонида эканлиги маълум бўлади. Шунда компас кўрсаткичини  $7^\circ$  га тўғрилаш зарур ва шимолий-жануб кесишмаси ҳақиқий географик меридиандан ўтади. Агар оғиш бурчаги ғарб томонда бўлса, унда ҳақиқий меридиан чизигини топиш учун карта магнит оғиш бурчагига қараб ўнг томонга бурилади. Шу тариқа шимолни аниқ белгилаб олишга эришилади. Компас орқали картанинг шимоли аниқлангач, турист ўзи турган жойни белгилаб, йўналиш томонини ва аниқ жойни белгилайди. Шартли белгилар орқали маршрут ўрганилади ва йўлга тушилади.

Компассиз карта орқали чамалаш жойларнинг чизиғи ёки белгилар орқали амалга оширилади.


Жойларни чизик орқали чамалашда йўл, дарё ёки бошқа объектлар белгилаб олинади.




*Пийда юриш сўқмоқлари*



*Қум тепалар*




*Қишда юриладиган йўллар*



*Тик қоялар*



*Кўприклар*



*Кўргонлар*



*Дарёнинг саз жойлари*



*Қатта ва эски чуқурликлар*



*Кемалар тўхтайдиган жой*



*Бир текис қумликлар*

28- расм. Картадаги шартли белгилар.



Одамларни ўтказувчи  
ясси сол



Тундралар



Ўтиш мумкин  
бўлган ботқоқлик



Бутизор



Қудуқлар



Булоқлар




Ғорлар



Чамалаб топиш учун  
зарур бўлган алоҳида  
дархтлар




Баландлик,  
горизонтал ва  
довонлар белгиси



Жирликлар



Музлик ва тоғ  
эиниси тепаликлари



Дала ва ўрмон  
йўллари




Ўтли тўсиқлар



Икки томонлама  
темир йўллар




Бир томонлама  
темир йўллар




Тор изли темир  
йўллар

28- расм давоми. Картадаги шартли белгилар.


Бундай пайтларда қўлдаги картага тез-тез қараш ва белгиларни солиштириб бориш керак.




*Меъали бозлар*




*Баландлик*




*Ўтлоқлар*



*Темир йўллarning эски тасвири*



*Ўтиб бўлмас қамишли ботқоқлик*



*Шоссе (катта йўл)*



*Ўтиш мумкин бўлган шўрхок жойлар*



*Тош терилмаган йўл*



*Ёдгорлик*



*Сув тегирмони*



*Аралаш ўрмон*



*Трубили завод, фабрикалар*



*Нинабаргли ўрмон*



*Тиббиёт пункти*



*Кене баргли ўрмон*



*Сув тегирмони*



*Кесилган ўрмон*




*Шамол тегирмони*



Ёнган ўрмон



Тригонометрик нуқт



Шамолдан йиқилган  
дарахтлар



Телеграф идоралари



Дарахтни кесиб  
ясалган йўл



Ўрмон қоровулининг  
уйи



Трубасиз завод,  
фабрикалар



Йўл кўрсаткичлари

28-расм давоми. Картадаги шартли белгилар.

Жойларни айрим ҳолларда юлдуз, қуёш ҳамда айрим предметларга қараб ҳам чамалаб топиш мумкин.

Соатга ва қуёшга қараб юриш йўналиши ва томонларни аниқ белгилаш мумкин. Бунинг учун соатнинг кўрсатувчи стрелкасини қуёшга кўрсатилади. Соатнинг I рақами билан қуёш томондаги сон ўртасидаги фарқ аниқланади. Бундай ҳолларда соат маҳаллий вақтларга тўғриланиши зарур. Бу усул билан ёзги шароитларда томонларни белгилаш унча кийин бўлмайди ва унда кўпи билан 20-25° га хато қилиш мумкин.

Кутб юлдузи бўйича чамалаш усули куйидагича: кечалари ҳаво очик бўлганда самодаги юлдузларни белгилаш жуда осон. Катта айиқ юлдузи олдидаги қатор икки юлдуз устидан тўғри чизикни фикран Кичик айиқ юлдузининг олдидан ўтган чўмичсимон юлдузларнинг энг чеккасидаги (думли) юлдузини билдиради ва унинг географик меридиандан оғиш бурчаги 2° дан ошмайди. Кутб юлдузи топилганда томонларни аниқ белгилаш мумкин бўлади.

Туристларнинг ой ҳаракатини билиши ҳам томонларни белгилашга ёрдам беради.

Жойлардаги предметлар оркали чамалаш усули ҳам туристлар учун қўл келади.

Табиатда учрайдиган турли предметлар томонларни белгилашда фойдалидир.

Атрофни чамалаб белгилаб олгач, узоқ ва яқинда кўринган предмет ёки масофаларни аниқлаш зарур бўлиб қолади. Бунинг учун қуйидагича иш тутиш керак: ҳар бир киши ўзининг қадами ва унинг кенглигини чамалай билиши лозим. Одатда бир жуфт қадамни 1,5 м билан белгилашади.

Шунга асосланиб, маълум ораликни қадамлар билан ўлчаш ва масофани белгилаш мумкин. Агар масофа узоқ бўлса, ҳар юз қадамда маълум сонларни ёзиб бориш керак, ёзиш имкони бўлмаганда бармоқларни букиш билан ҳисоб қилиб борилади.

Жадвал 9

Уч қадамни метрга айлантириш (С.В. Обручев усули)

Энгилш бурчаги, градус	Уч қадам сонлари							
	100	200	300	400	500	600	700	800
	Метрлар							
Тушиш 20	198	396	594	792	990	1188	1386	1584
Тушиш 10	214	428	642	856	1070	1284	1498	1712
Тушиш 0	228	456	84	912	1140	130	1596	1824
Чиқиш 10	185	370	555	740	925	1110	1295	1480
Чиқиш 10	148	296	444	592	740	888	1026	1184
Чиқиш 10	112	224	336	448	560	672	784	896

Ораликни қадамлаб ўлчашнинг аниқ бўлишига қуйидаги жадвал ёрдам бера олади.

## Ораликни кўз билан чамалаш миқдорлари

Предметларнинг номи	Оралиқ
Катта минора, ғалла омбори мачитлар	1-21 км
Шамол тегирмонлари	11 км
Қишлоқ ва катта иморатлар	9 км
Фабрика трубалари	6 км
Алоҳида уйлар	5 км
Уй деразалари	4 км
Том устидаги трубалар	3 км
Алоҳида дарахт, одамлар	2 км
Километр, кўрсаткич ва йўл устунлари	2 км
Отларнинг оёғини кўриш	700 м
Ойналардаги турли безаклар, белгилар	530 м
Одам боши	400 м
Кийим ва унинг ранги	270 м
Том устидаги тахталар, туйнуқлар	210 м
Тугмалар	160 м
Одам юзи	160 м
Чехранинг ўзгариши (кулиши, қовоқ солиш)	110 м
Кўзлар	60 м
Кўзнинг оқи	20 м

Масофаларни ўлчаш ва чамалашнинг турли усуллари мавжуд. Булардан энг қулай усул учбурчак шаклида ўлчашдир. Бунинг учун гугурт чўпи ўлчов воситаси бўлиб хизмат қилади. Гугурт чўпи имкони борича миллиметрларга бўлиб чиқилади. Шунингдек, ўлчанадиган жойгача бўлган масофада турган нарсанинг (дарахт, тош, уй ва ҳ.к.) тахминий баландлигини билиш зарур. Масалан, одамнинг узунлиги 1,7, велосипед ғилдирагининг баландли-

ги 0,75, от устидаги киши 2,2, телеграф устун-6, шифр ёки тунукаланмаган оддий уйларнинг баландлиги 2,5-4 метр билан белгиланади.

Айтайлик, телеграф устунигача бўлган ораликни ўлчаш керак. Бунинг учун қўлимиздаги гугурт чўпини бармоқларда ушлаб, қўлни тўла олдинга узатамиз ва унинг учини устун билан бараварлаштирамиз (бир кўз билан қаралади). Катта ёшдаги кишининг қўли тахминан 60 см. Узунликка эга. Гугурт чўпи билан устун уфқда тенглаштирилганда устун гугурт чўпининг икки чизиғига (4 мм) тенг келди, дейлик. Ораликни белгилаш ва ҳисоблаш учун қуйидаги пропорциядан фойдаланади:

қўл узунлиги к гугурт чўпи чизиғи к 0,60 0,04 Хк 0,60x6,0 к 900  
қўл оралиғи устун баландлиги Х 6,0 0,04

Шундай қилиб, устунгача бўлган масофа 900 метрни ташкил қилади.


Саёҳат жараёнида масофаларни ўлчашнинг туристик ўлчов, яъни андозаларини билиб қўйиш керак. Туристтик андозалар қуйидаги белгилар билан аниқланади:

қарич (бош ва кичик бармоқлар оралиғи) 18-22 см;

бош бармоқнинг асосидан иккинчи бармоқ учигача 11-13 см;

учинчи бармоқнинг асосидан иккинчи бармоқ учигача 7-8 см;

бош бармоқ билан иккинчи бармоқ учлари ёзилганда унинг оралиғи 16-18 см бўлади; иккинчи ва учинчи бармоқлар ёзилганда уларнинг оралиғи 8-10 см ни ташкил қилиши мумкин



29-расм. Ораликни гугурт чўпи билан ўлчаш;



Икки қўлни ёзганда (қулоч) унинг узунлиги одатда, бўй билан баравар бўлади. Иккинчи бармоқнинг эни 2 см. ва тирноқ эни 1 см. Тўртта бармоқнинг жуфт ҳолдаги эни 7-8 см. ни ташкил қилади.

Маълумки, ҳаво очик пайтда юқорида кўрсатилган нарсаларни белги-ланган км. ёки м. ҳисобида ҳар бир соғлом киши бемалол кўра олади ва шу сабабли маршрутдаги масофаларни кўз билан чамалаш мумкин бўлади.

Жойларнинг тузилишига қараб предметлар турли хилда кўриниши ҳам мумкин. Масалан, чўл шароитида кичик предметлар (дарахт, уй ва бошқалар) жуда катта ва узоқда бўлиб кўринади. Тоғ шароитларида энг катта тошлар, тепаликлар, чўққилар жуда яқин бўлиб кўринади. Бу нарса пастдан ҳам, юқоридан ҳам қараганда шундай сезилади. Канал, дарё жуда узунга ўхшаб кўри-нади.

### **7.1.3. Саёхатларда ўлкашунослик ва кидирув ишлари**

Саёхатлар жараёнида турли хил ўлкашунослик ва кидирув ишлари олиб борилади. Бунинг учун мактаб коллективи, асосан, саёхат раҳбари ўқувчи-ларнинг кўп кунлик туристик саёхати давомида қандай кидирув ёки ўлкашу-нослик ишлари олиб бориш кераклигини аввалдан планлаштириши ва тегиш-ли мутахассислардан маслаҳат олиш керак. Бу соҳада илмий текшириш инс-титутлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги кафедралар, кабинетлар, музейлар ва муассасалар тегишли ёрдам кўрсатиши ёки бевосита топшириқ-лар бериши мумкин.

## **Метеорологик кузатишлар**

Табиатда учрайдиган турли ҳодисалар, жумладан, метеорологик ўзга-ришлар саёхатчилар, умуман одамларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Об-ҳавонинг ўзгаришини билиш учун бир неча кун давомида аниқ бир вақтда (соат 1<sup>00</sup>, 7<sup>00</sup>, 13<sup>00</sup> ва 19<sup>00</sup> да) кузатиш олиб бориш лозим.

Булутларни кузатиш баландроқ ва очик жойда бўлиш керак. Кўз билан кузатишда булутлар 10 балл билан ўлчанади. Булутсиз осмон-0, осмон булут

билан тўла қопланган бўлса-10 балл. Агар булутлар осмонни 1/10, 2/10, 3/10, 4/10 микдорда қоплаган бўлса, унда 1,2,3,4 балл деб ҳисобланади.

Булутлар паст, ўрта ва баланд қатламлардан иборатдир. Юқори қатламдаги булутлар юпка, оқ бўлади ва соя ташламайди. Бундай булутлар об-ҳавонинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Ўрта қатламдаги булутлар зангори-сарғиш тус-да бўлиб, туман ва тўлқинни эслатади. Ўрта қатламдаги булутлар қуёш нури-ни ўтказмайди.

Булутнинг пастки қатлами қуюқ сарғиш тусдадир. Бундай булутлар осмонни тўла қоплаб олади.

Об-ҳавода бўладиган ўзгаришларни олдиндан билишнинг айрим белгилари:

1. Булутлар кўпинча шимолий-ғарб томондан шарққа қараб кўчиб юради.

Бу осмондаги шамолларнинг йўналишини билдиради.

Одатда қуёшнинг чиқиш ва ботишида осмон қизаради. Бундай ҳолларда ҳаво ўзгариши мумкин. Осмон зангари, кўкроқ бўлганда эса об-ҳавонинг узоқ муддатларгача ўзгармаслигини билдиради.

1. Ёз пайтларида осмон булутли бўлиб, шамол пасайса, кечаси салқин бўлишидан дарак беради.
2. Қуёш чиқиши билан булутлар пайдо бўла бошлайди ва куннинг ярмига бориб қўпаяди. Кеч кириши билан булутлар яна йўқолади.

**Ҳаво яхши бўлишининг белгилари:**

қалдирғочлар баланд учади;

чумолилар жуда тез ҳаракат қилади;

кечкурун чигиртка ва бошқа хашаротлар узоқ чириллашади;

асаларилар далаларга жуда эрта учиб кетади;

бурчаклар, ўт оралари, тош ковакларни ўргимчак уяси билан тўла қопланади;

қокиларнинг ҳамма гуллари, сув, қўлмак, хавзаларда оқ нилуфарлар очилган бўлади;

шамол бўлмаганда чанглар тик юқорига қўтарилади;

гулхан чўғларининг усти оқариб, ўчгандай бўлиб кўринади.

**Об-хаво бузилишининг белгилари:**

Юлдузлар қизғиш ёки тиник, зангори бўлиб ярқирайди.

Қалдирғочлар ва бошқа қушлар паст учади.

Бойқушлар кундузи сайрай бошлайди.

Ўрдаклар, оққушлар сувга кўп шўнғийди.

Калтакесаклар инига яширинади.

Бақалар сув, балчиқдан чиқиб қуруллай бошлайди.

Асаларилар кечгача учади ва кечкурун фаоллашади.

Итлар кам овқат еб, кўп ухлайди, бекорчи югуришади.

Мушуклар юз-кўлларини “ювади”.

Товушлар тез эшитилади ва хидлар тез тарқалади.

Телеграф устунларидаги симлар гувиллайди.

Гулхан очик ва тиник кўринади.

### **Топографик кузатишлар**

Топографик кузатишининг энг қулай тури ўтган маршрутни расмга олиш ёки схемага туширишдир. Шунингдек, масофа ёки ораликлар қадамлаб ўлчаш йўли билан, йўналиш эса компас билан аниқланади.

Агар архелогик ёки фойдали қазилма бойлик ва ҳоказоларни чизиш керак бўлса, унда унинг аниқ режасини тузиш лозим. Бундай ҳолларда аниқ ўлчов асбобларини (метр ва бошқа асбоблар) ишлатиш керак.

Кўп ҳолларда туристлар ўзлари турган жойнинг баландлигини ўлчашга уриниб кўрадилар. Бундай пайтларда эклиметр (жойларнинг нишаблигини ўлчайдиган асбоб) ёки барометр (вўсотометр) каби асбоблардан фойдаланилади.

Жойларнинг схемасини чизиш ва шартли белгиларни кўчириш туристларнинг топография соҳасидаги малакаларини мустаҳкамлайди.

## Геологик кузатишлар

Саёҳатчиларнинг геологик кузатиши маршрутнинг геологик суратга олинишини тақозо қилади. Геологик кузатишларда туристлар ер тузилиши, унинг қатламлари, фойдали қазилмалар билан танишадилар.

У ёки бу жойнинг схемасини чизиш, муҳим топилмалар тавсифини ёзишда уларнинг ҳажми, аниқ жойи, узунлиги, кенглиги аниқ кўрсатилиши керак.

Топилмалардан ҳажми 3 x 3 см. қалинлиги 2 см. дан кам ва ортик бўлмаган ҳажмда намуна олиш лозим.

Геологик кузатишларга чикканда геологик болга, арра, ўлчов лентаси (бочевка), тоғ компаси (эклиметрли), 10 процентли туз кислотаси солинган шиша (тоғ жинсларининг қайнашини аниқлайди), матодан қилинган халта ва бошқа керакли асбоб ҳамда жиҳозларни олиш лозим.

Геоморфологик кузатишларда саёҳатчилар ер тузилишидаги ўзгаришларни ўрганадилар. Буни куйидаги режа асосида олиб бориш мумкин:

1. Объектнинг номи.
2. Унинг аниқ йўналишлари.
3. Денгиз сатҳига нисбатан узунлиги ва баландлиги
4. Кесиб ўтиш чизиғи бўйича (энига)учрайдиган турлар, бўлинмалар тўғрисида характеристика.
5. Йўналиш бўйича характеристика.
6. Айрим қисмларни қамраб олган ўсимликлар.
7. Территориянинг халқ хўжалиги учун аҳамияти.

## Гидрологик кузатишлар

Гидрологик кузатишларда ҳали тўла ўрганилмаган қўл, дарёлар тадқиқ қилинади.

Бунда қўл ёки дарёнинг бошланиши, оқиш тезлиги, кенлиги, атрофидаги шароити, табиатнинг ўзгаришига қараб унинг ҳам ўзгариши, қирғоқларнинг тузилиши, дарё сувининг оқиш хусусиятлари тўғрисида материаллар йиғилади. Айрим ҳолларда маҳаллий кишилар билан ана шу мавзуларда суҳбат қилишга тўғри келади.

Туристлар бундай кузатишлар учун 20-30 метр узунликдаги ип, планшетли компас, белгили линейкалар, енгил лангар чўп, секундомер, бошқа асбоблар билан таъминланишлари лозим.

## Ботаник ва зоологик кузатишлар

Саёҳат жараёнида жойларнинг ўсимлик дунёсини ўрганиш ёки ўсимликни излаш учун ботаник кузатишлар олиб борилади. Бундай пайтларда тегишли ўсимликлардан гербарий ясалади, улар турларга ажратилиб, номлари аниқланади.

Ўсимликларни териш олдидан маҳаллий кишилар билан маслаҳатлашиш, унинг ранги, барги, бўйи, тузилиши ва бошқа хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, уларни қуритиш, жойлаштириш қоидаларини ҳам билиш талаб этилади.

Айрим ўсимлик ва гулларни ўз ҳолича йиғишни флоризм дейилади. Рассомлар тасвирий санъат ишларида бу гулларнинг тузилиши, ранги умумий формаларидан фойдаланадилар.

Саёҳат пайтида зоологик кузатишлар асосан ҳашаротларнинг турларини белгилаш ва уларни йиғишдан иборат. Ҳашаротлар зарарли ва фойдалиларга ажратиб ўрганилади. Ҳашаротларни йиғиб, уни сақлаш жуда осон. Бунинг учун махсус банка ёки шишалардан фойдаланилади. Ҳашаротни терган жойнинг номи, майдон кенлиги ва уларнинг миқдорини махсус дафтарда

кайд этиш лозим. Ҳашаротларни излаш унчалик мураккаб эмас, оддий дурбинларни ишлатиш кифоя.

### Фенологик кузатишлар

Фенология биология фанининг ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар қонуниятини, уларнинг иқлим шароитига бўлган муносабатини ўрганувчи соҳаси ҳисобланади.

Фенологик кузатишлар учун махсус жиҳоз ёки асбоб талаб қилинмайди. Лекин, махсус кундалик тутиш лозим.

Жадвал 11

Фенологик кузатишларда ҳисобга олиниши керак бўлган баъзи белгилар (А. Менчуковнинг “В мире ориентиров” М., 1960 й. китобидан).

Ойлар	Табиятдаги кузатишларнинг тахминий муддати			Мавсум шароитларининг номи
	Энг эрта	Кечки	Ўртача	
1	2	3	4	5
Март	7 III	31 III	19 III	Биринчи қузғун келиши
		15 IV	30 III	Чугурчук (майна)нинг келиши
Апрель	18 III	5 IV	1 IV	Тўғрайларнинг келиши
	24 III	18 IV	4 IV	Қайин дархатида сувнинг ҳаракат килиши
	25 III	17 IV	11 IV	Турналарнинг шимолга ўтиши
	17 III	10 V	17 IV	Гуллардаги чангланиш
	30 III	5 V	19 IV	Тоғ терагининг гуллаши
	5 IV	7 V	22 IV	Ольханинг (зирк дарахти) гуллаши
	4 IV	13 V	22 IV	Бақаларнинг қуруллай бошлаши
	8 IV	12 V	24 IV	Черемуханинг қуртак отиши
Май	6 IV	14 V	25 IV	Ёнғоқнинг гуллаши
	24 IV	9 V	30 IV	Каккунинг биринчи сайраши
	15 IV	24 V	7 V	Наврўз гулининг гуллаши
	22 IV	23 V	9 V	Қайинларнинг гуллаши
	1 V	18 V	10 V	Булбулнинг биринчи сайраши
	26 IV	24 V	11 V	Май кўнғизларининг учиши
	29 IV	1 V	12 V	Қалдирғочнинг келиши
	2 V	27 V	13 V	Қоқининг гуллаши

	2 V	5 VI	24 V	Ўрмон ертутининг гуллаши
	6 V	5 VI	22 V	Олчаларнинг гуллаши
	6 V	6 VI	24 V	Олмаларнинг гуллаши
	10 V	12 VI	26 V	Марваридгул (ландўш)нинг гуллаши
	8 V	14 VI	27 V	Сиреньнинг гуллаши
	11 V	17 VI	29 V	Рябинанинг (четан) гуллаши
Июнь	17 V	28 VI	12 VI	Итбуруннинг гуллаши
	25 V	3	16 IV	Жавдар бугдойнинг гуллаши
Июль	24 VI	20 VII	5 VII	Жавдарнинг бошюкланиши
	28 VI	28 VIII	12 VII	Жавдарнинг саргайиши
	15 VI	30 VII	13 VII	Липа (арғувон) гуллаши
Август	1 VIII	17 VIII	10 VIII	Баргларнинг туша бошлаши
Сентябрь	26 VIII	26 IX	3 IX	Кузгунларнинг кегишга хозирланиши
	14 VIII	21 X	27 IX	Турналарнинг қайтиши

Юқоридаги табиий белгилар Ўзбекистон шароитида қарийиб бир ёки бир ярим ой олдин пайдо бўлади.

Топономик кузатишларда дарё, тоғ, кўллар, аҳоли яшайдиган пунктлар ва жойларнинг номлари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ўрганилади.

Иқтисодий-географик кузатишларда эса хўжаликларнинг тузилиши, ташкил қилиниши, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ҳажми билан танишилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги, чорвачилик, экология (ўрмон хўжалиги, кўриқхоналар), тиббиёт ва бошқа соҳаларда таълим олаётган ўқувчи-ёшлар ва шунингдек, меҳнат жараёнларида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар юқорида зикр этилган кузатиш ҳамда изланиш ишларини амалда синаб кўришлари лозим. Шулар асосида ўз тажрибаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

## 7.2. Туристик техника бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш

Умумтаълим мактаб ўқувчилари, касб-хунар коллежлари, академик-лицейларнинг ўқувчи-ёшлари ҳамда олий таълим тизимидаги талабалар, хизматчиларнинг оммавий пиёда юриш саёҳатларида турли хил мусобақалар ўтказишнинг асосий мақсади куйидагилардан иборат, яъни:

1. Саёҳат иштирокчиларининг жисмоний сифатларини такомиллаштириш, касб-хунар билан боғлиқ амалий фаолиятларни мустаҳкамлаш.

2. Пиёда юришларда жисмоний қобилиятларни синовдан ўтказиш, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини бажариш.

3. Туризмга бўлган қизиқиш ва ҳавасларни янада ошириш, уларни кенг тарғибот қилиш.

4. Ижтимоий меҳнат қилиш (қишлоқ, ўрмон хўжалиги, қўриқхоналар ва б.к) йўли билан аҳолига кўмак бериш, таҳдид солувчиларга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш.

5. Ватан ҳимояси учун муҳофаа ишларида хизмат қилишга тайёргарлик, махсус жисмоний машқларни амалда бажариш билан малака ҳосил қилиш.

Туристик саёҳатлар, походларда хилма-хил мусобақалар, слётлар ташкил қилинади. Кагта ёшдаги кишиларнинг саёҳатлари жараёнида спортнинг волейбол, футбол, бадминтон, сувда сузиш каби турларидан оддий қоидалар бўйича мусобақалар, кўнгил очиш тадбирлари ташкил қилинади. Турли ҳаракатли ўйинлар уюштирилади. Баланкликларга чиқиш, тушиш, чодирларни тез ўрнатиш, овқат пишириш кабилар бўйича ҳам мусобақалар, эстафеталар ташкил қилинади. Туристик саёҳатлар ва походлар давомида ташкил этиладиган турли мусобақалар ҳам аввалдан тайёрланган бўлиб, махсус режа ёки низом асосида ўтказилади.

Ўқув муассаса ўқувчи-ёшларининг барча саёҳат ва походларида йўлда юриш тар-тиби, атрофларни кўздан кечириш, жойларни ўрганиш, музей ва




диққатга са-зovor жойларни томоша қилиш, схема тузиш каби тадбирлар билан бирга-лиқда туристик мусобақалар ҳам ташкил қилинади.

Ўқувчи -ёшларнинг туризм бўйича мусобақалари туристик техника бўйича тадбир ва слёт ҳисобланади.

Туристтик техниканинг асосий элементлари паст-баланд жойларда югуриш, тўсиқлардан арқон ва оддий мосламалардан қилинган воситалар ёр-ламида ўтиш, шикастланган пайтда биринчи ёрдам бериш, карта (схема) бўйича жойларни белгилаш, азимут бўйича юриш, чодирларни вақтида қуриш, рюкзакка керакли буюм ва жиҳозларни жойлаштириш, овқат пишириш, чой қайнатиш, деворий газета тайёрлаш, фотоальбомларни намоёниш қилиш каби-лардир.

Ана шу элементлар мажмуаси туристик мусобақа ёки слётларда бажарилади.


Туризмнинг элементлари бўйича мусобақани бир жамоанинг ўзи ҳам ташкил қилиш мумкин. Бунда бир неча команда ташкил қилишига тўғри келади. Командалар тузиш имкони бўлмаганда намуна сифатида 10-15 ту-ристнинг иштирокида мусобақа ташкил қилинади. Бундай мусобақалар ўқув-чи ва туристларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, туристик малака ҳосил қилиш, йирик мусобақа ёки слётларга тайёрланиш мақсадида жамоа туризм секцияларида йил давомида мунтазам ўтказилади. Бундай мусобақа-лар талабга жавоб берадиган табиий шароитларда ташкил қилинади.



30-расм. Арконда осилиб ўтиш.

Мусобақаларни яқинроқ дарё соҳиллари, жар тепа ёки унча баланд бўлмаган тоғ зоналарида ўтказишни мўлжаллаш лозим. Бундай шароитлар бўлмаган пайтларда, баҳор, куз ҳамда таътил вақтларида 2-3 кунлик поход ташкил қилиш, асосий манзилга етгач, мусобақаларни уюштириш керак бўлади.

Туристик техника бўйича мусобақа туман ёки шаҳар миқёсида ташкил қилинади. Туристик мусобақаларнинг энг йириги слёт ҳисобланади.





31-рasm. Арқонни қояга ёки дарaxтга мустахкамлаш усуллари



31а-рasm. Арқонни танага боғлаш усуллари.

Слёт туристларнинг катта анжумани, йиғиндир. Слёт асосан туман, шаҳар, влоят, республика ва иттифок миқёсида махсус низом асосида ўтказилади. Ўқувчи-ёшларининг туристик слётлари, қасаба уюшма ташкилотлари ва халқ таълими тизими томонидан ташкил қилинади. Бошқа ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида ташкил қилинган туристик слётларга ҳам тегишли спорт жамиятлари, туризм Кенгашлари раҳбарлик қилади. Слёт ўтказишдан бир неча ой илгари низом ишлаб чиқилади ва тегишли жойларга юборилади. Низом асосида ўқув юртлари, ташкилотлари, муассасалар команда тайёрлайди.



32 а, в-расм. Тоғли жойларда арконда осилиб ўтиш.

Слётни ўтказиш учун ташкилий комиссия тузилади. Комиссия ҳакамлар ва слётда хизмат қиладиган масъул ходимларни тайинлайди, ҳавфсизлик ва кутқариш командаларини аввалдан огоҳлантиради. Маршрут квалификация комиссияси (МКК) мусобақа ўтказиладиган жой схемаси ва режасини кўриб чиқиб, уни тасдиқлайди. Бу комиссия ҳакамларни белгиланган трасса ва назорат пунктларга тақсимлайди, мусобақа олдидан эса бевосита кўриб чиқади. Слёт куни ҳакамлар ўз жойларига эртароқ бориб жойлашадилар. Ориентирлаш (чамалаш) элементлари бўйича мусобақа бўлганда бу жараёнлар асосан яширин (сирли) равишда амалга оширилади. Чунки, команда вакили ёки унинг аъзолари номаълум трассани аввалдан билмасликлари керак. Схема ёки азимут белгилари фақат старт олдидан қатнашчилар қўлига берилади.

Слёт дастурида асосан қуйидаги тадбирлар бўлади:

1. Умумий парад, рапорт.
2. Туризм тўғрисида маъруза ёки бирон жамоанинг иш тажрибаси жорий қилинади (қисқача мазмунда).
3. Мусобақа, эстафеталар.
4. Чамалаш элементлари бўйича мусобақа.
5. Мазали овқат пишириш, чой қайнатиш бўйича мусобақа.
6. Жамоа ҳаётини акс эттирувчи кўргазма (фотоальбом, музей материаллари, деворий газеталар, техник восита ва ҳ.к).
7. Бадий ҳаваскорлик танолови.
8. Гулхан тайёрлаш ва уни ёқиш.
9. Ғолибларни мукофотлаш.

Слётлар 2-3 кун ва ундан ортиқ вақтга мўлжалланади. Слётлар давомида, яъни кечки пайтларда катта гулханлар ташкил қилинади. Гулхан атрофида турли суҳбат, лекция, докладлар, концертлар уюштирилади. Бадий ҳаваскорлар конкурси, турли рақслар, тажриба алмашиш, илғор тажрибаларни жорий қилиш тўғрисида кўнгина ишлар қилинади.

Ҳар бир ўқитувчи ёки туризм секциясининг раҳбари туристларга слёт низоми дастури ва ташкилий ишлар шаклини изчил ўргатиши ва уларни тўла амалга ошириш учун бор имкониятлардан фойдаланиши керак.

Слётлар ёки туристик мусобақалар учун зарур бўлган барча шарт-шароитни (озик-овқат, транспорт, туристик жиҳозлар) ўқув муассасаси жамоаси, туман қасаба уюшма ташкилоти ва халқ таълими тизими яратиб беради. Кўпчилик спорт жамиятлари бундай слётларни ўтказганда ташкилий ишларни ўз зиммаларига оладилар.


Ёзги дам олиш лагеръларида ўтказиладиган тадбирларнинг катта қисмини ту-ристик саёҳат ва походлар ташкил этади. Шу сабабдан ёзги мавсумда ва доимий ишлайдиган ёзги дам олиш лагеръларида календарь режа асосида туристик саёҳат ва походлар уюштирилади.

Лагерънинг ҳар бир потоги охирида туризм бўйича слёт ташкил қилинади. Слётни ташкил қилиш ва уюштириш умумий қондаларга кўра ўтказилади. Слёт дастури лагеръ шароитига мослаштириб тузилади. Слётга кўшни лагеръ ёки қишлоқ ёшлари ҳамда расмий кишилар тақлиф қилинади. Слёт охирида умумий гулхан ташкил қилинади. “Ёш турист”, “Турист”, разряд меъёрларини ёки “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини тўла бажарган ўқувчиларга кўкракка тақиладиган нишон ва гувоҳномалар тантанали равишда топширилади. Гулханда туризмга ва лагеръ ишларига ҳам яқун ясалади.

Ўқувчи-ёшларнинг туристик мусобақа ва слётлари жараёнида тиббиёт хизмати ташкил қилинади. Шунга қарамасдан марказий туризм сек-циялари, туристик клублар ва болалар туристик-экскурсия станцияларида қутқариш отрядлари тузилиб, улар энг тажрибали туристлар, альпинистлар, жамоатчи инструкторлардан ташкил топади.



33-расм. Олдиндаги кишининг хавфсизлигини таъминлаш




34-расм. Чуқур сувдан ўтиш тартиби.

Ҳар бир турист ёки ўқувчи туристик техника элементларини яхши ўзлаштирган бўлса-да, айрим ҳолларда бахтсизликка учраши мумкин. Шунинг учун слёт ва мусобақаларда кутқариш командалари донмо тайёр ҳолда туради. Айниқса тошлардан, жарлардан, канал ёки катта сувлардан арқон билан ўтишда, чиқиш ва тушишда хавфсизлик ва кутқариш командалари шай туради, тегишли чораларни кўради.

Кутқариш командаси ёки отрядлари аъзолари йил давомида, айниқса кийин об-ҳаво шароитида мураккаб трасса ёки объектларга бориб, мунтазам машқ қилади, малака оширади ва ўз маҳоратларини мустаҳкамлаб боради.

Барча ўқув юртларида, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалардаги туризм секциялари бир йилда икки марта яъни ўқув йили ва календарь йил охирида ўз жамоаси ва юқори ташкилотлар учун ёзма ҳисобот тузади. Ёзма ҳисобот тузиш учун йил давомида қилинган ишларни кўздан кечиради, анализ қилади. Ҳисобот тузиш учун қуйидаги ҳужжатларни юритиш ва уларни тизимли равишда ҳисобга олиб бориш тавсия этилади:



35-расм. Сувдаги тошлар устидан ўтиш.

1. Умумий иш режаси
2. Секция ишининг режаси.
3. Туристик походларнинг календарь плани.
4. Секция журнали.
5. Жамоатчи инструкторлар, ташкилотчилар, фаоллар тайёрлаш журналлари.



6. Мактаб директори, район халқ маориф органи, спорт жамияти, спорт комитети ва бошқа юкори ташкилотлардан келган кўрсатмалари, буйруklar, низомлар, режалар ва б.к. ҳисобга олиб бориш журнали.
7. Ўтказилган поход, саёхатларнинг маршрути, режа, схемаси, тегишли ташкилотлар (МКК) тасдиғидан ўтган маршрут варақалари, баённомалар ҳисоби.
8. Кўп кунлик туристик походнинг плани, схемаси, ҳисоботи, фотолар.
9. Тайёрланган деворий газета (фотогазета), фотоальбом, фотомонтажлар, видео тасвирлар.
10. Ўз жамоа ҳақида газеталарда босилган материаллар, мақола ва хабарлар.
11. Туризм секцияси, мактаб коллективининг туризм тўғрисидаги умумий йиғилишлари қарорлари тўплами.
12. Туристик фаоллар рўйхати.
13. Туризм бўйича разряд ва бошқа меъёрларни бажарганлик ҳақидаги ҳужжатлар, буюртмалар.
14. Туристик жиҳозлар рўйхати.
15. Ўқув муассасалар ёки оталиқдаги ташкилотлар, хўжалиklar томонидан кўрса-тилган моддий ёрдамларга доир ҳужжатлар.
16. “Қамолот” ва ўқувчилар ташкилотларининг туризмга бевосита қатнашишини акс эттирувчи ҳужжатлар.
17. Ўтказилган тадбирларни ҳисобга олиб борадиган дафтар.
18. “Ёшлик”, “Талаба” ва бошқа кўнгилли спорт жамияти, қасаба уюшма ташкилотлари, хомийларнинг кўрсатган ёрдамларини акс эттирувчи дафтар.

Ҳисоботда қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

1. Ташкилий ишлар:

а) режалаштириш;

б) секцияни уюштириш;

в) саёхат ва походларга керакли жиҳозларни тўлаш;

- г) туризмга доир умумий йиғилишлар ўтказиш;
- д) амалий тадбирларда масъул кишилар, яъни жисмоний тарбия, биология, география, тарих ўқитувчилари, камолот ва ўқувчилар ташкилотларининг фаол иштироки ва тўла таҳлили.

## 2. Умумий тарбиявий, оммавий ва тарғибот ишлари:

- а) туризм тўғрисида суҳбат, кечалар ўтказиш ва видео тасвирга олиш;
- б) деворий газеталар чиқариш, танқидий материаллар, унинг натижалари, фотомонтаж ташкил қилиш;
- в) саёҳатлар, походлар, слётлар ўтказиш ва унинг натижалари;
- г) ўқувчиларнинг бир кунлик, кўп кунлик походлари, поход давомида ижтимоий-фойдали ишлар;
- д) ўлкани ўрганиш, кидирув ишлари яқуни;

- е) туризм бўйича музей (бурчак) ишларига характеристика;


## 3. Молиявий ва хўжалик ишлари:

- а) туристик жиҳозларнинг сони, янгидан олишиш анализи;
- б) сарфланган пул, оталиқдаги ташкилотлар ёрдами;
- в) жиҳозлар билан таъминлашдаги камчилик ёки илғор тажрибалар раҳбарларнинг фаолиятлари;

## 4. Хулосалар:

- а) ўқув юртида эришилган ютуқлар ёки камчиликлар сабаби;
- б) асосий ютуқлар ва камчиликлар, уни тугатиш йўллари;
- в) навбатдаги режаларни амалга ошириш тадбирлари;

Умуман, ҳисобот қилинган ишларни конкрет ва объектив ёритилиши, танқидий бўлиши, жамоани туризмга жалб қилиш йўлларини топишга қаратилмоғи керак. Ҳисоботни илмий-методик формалар ва йўналишларга қаратиш, ундан фойдаланиш зарур.




36-расм. Туристтик асбоблар.

Кейинги вақтларда география, ботаника, зоология, тарих ўқитувчилари ҳамкорлигида кўпгина ўқув муассасаларида ўлкашунослик хоналари ташкил қил-инмоқда. Уларда ўлкашуносликнинг муҳим тармоғи бўлган турли гербарий-лар, табиатда учрайдиган хилмахил тошлар ва бошқа нарсалар мавжуд. Қис-қаси, ўқувчилар саёҳат ва походларда учратган қизиқарли нарсаларни олиб келиб, ўз музейларига йиғишади, уларни авайлаб

сақлашади. Бунда жисмоний тарбия ўқитувчилари. Фаол туристларнинг хиссаси катта. Чунки, саёҳат ва походларда коллекциялар тўплашиб, кейин уларни бу хона ёки бурчакларга топширадилар. Лекин шуни ҳам қайд қилиш керакки, айрим саёҳатчилар коллекция ёки гербарий тўплашга унчалик эътибор беришмайди, буни ўз вазифалари деб қарамайдилар. Натижада мактабларда туризм бўйича махсус музей ёки бурчаклар жуда камчиликни ташкил қилади.

Ўқувчи-ёшларнинг туристик ишларини яхшилаш, музейлар таъкил қилиш, дам олиш лагерларида туристик походларни уюштириш, туристик жиҳозларни жамғариш-коммунистик тарбиянинг муҳим қисми эканлиги ҳозирги кунда алоҳида эътиборга олинмоқда.



37-расм. Арқонни боғлаш усуллари.

ЎзРВМнинг жисмоний тарбия, спорт ва туризмни ривожлантиришга қаратилган махсус қарорларида (1999 й) ўқувчи-ёшларнинг саёҳатларини оммавий равишда ташкил қилиш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Ўлкашунослик, туристик ишларни яхшилаш, бу билан ўқувчиларнинг яхши ҳордик чиқариш, соғлиғини мустаҳкамлаш, фан оламини чуқур ўрганиш, билим, савия ва ўзлаштиришни шу йўл билан мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бермоқда.

Шуларни назарда тутиб, ҳар бир ўқув юртида ўлкашунослик ва туристик секцияларни жонлаштириш, иш фаолиятини кучайтириш, тегишли жиҳоз ва имкониятлар билан таъминлаш, махсус музейлар (бурчак) ташкил қилиш даври келди.

Яна шуни эътиборга олиш керакки, ўлкашунослик ва туристик музейлар биринчи навбатда география, тарих, биология, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамкорлигида тузилиши лозим. Музейда фақат ўлкашуносликка оид материалларгина эмас, балки куйидаги туристик материаллар ҳам мавжуд бўлиши лозим:

а) асосий туристик жиҳозларнинг (чодир, рюкзак, арқонлар, идиш-товоклар, туристик кийимлар, бинокль) намуналари;

б) туризмга доир адабиётлар, плакатлар, тарғибот воситалари;

в) кўп кунлик саёҳатларда ишлатиладиган туристик жиҳозлар ҳамда озик-овқатларнинг турлари, меъёрлари, «дорилар» қутичасидаги дориворлар, туристик нормалар рўйхати;

г) жароҳатланганда биринчи ёрдам кўрсатиш тадбирлари, шакллари ва уларнинг воситалари;

е) арқон билан ишлаш, унинг тугунлари;

ё) туристлар ҳаёти, мусобақалари, туристик техникалар акс эттирилган фотомонтаж, плакатлар ва фотоальбомлар;

ж) саёҳатлар, машғулотлар давомида ёзиб олинган магнит ленталари, саёҳат хотиралари ёзилган дафтарлар, газета, журнал материаллари;


з) саёҳатни акс эттирувчи ҳужжатли фильмлар, видео тасвирлар;

и) фаол туристлар, фахрий туристлар, жамоатчи инструкторлар ва туман, шаҳар ҳамда вилоят чемпионларининг фотосуратлари, уларнинг эришган ютуқлари, биографиялари.

Ўқув муассасасида туристик музейнинг мазмунини илғор тажрибалар асосида бойитиш, кенгайтириш лозим.

Хуллас, мамлакатимизда туризм кишиларининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги энг муҳим жараёнларидан бирига айланиб бормокда. Энг кичик ёшдаги болалар, барча типдаги ўқув юртларининг талабалари, ишчи, хизматчи, инженер, зиёли ва барча жабҳадаги кишилар ҳам бундай тadbирга бажонидил қўшилмоқдалар.

Туризм тadbирларини амалга ошириш, унга оммани жалб этишда касабa уюшмаси, камолот, спорт ташкилотлари, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, турар-жойлардаги жамоатчи фаолларни, ота-оналар, туристлар пропаганда ва тушунтириш ишларини ўтказишлари, туристик походлар, слётлар уюштиришлари зарур бўлади. Бу фаолиятларни ташкил қилиш ва ўтказиш шаклларини талабалар назарий ва амалий туристик машғулотлар ҳамда походлар жараёнида тўла ўзлаштириб олишлари, мустақкам малака ва билимга эга бўлиб олишлари керак.



38-расм. Рюкзак турлари.

Хулоса тарикасида айтиш лозимки, туристик техника бўйича мусобақалар ва бошқа тадбирларни тарихий шаҳарларга ўтказилган сайр (экскурсия) жараёнларида ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқдир, яъни шаҳар атрофидаги мавжуд бўлган туристик базалар ёки оромгоҳларда (лагерь) 1-2 кун дам олиш, атроф-муҳит билан танишиш, жисмоний чиниқиш тадбирларини ҳам режалаштириш лозим. Саёҳатчиларнинг истак-хоҳишларига нисбатан (ёшлар) жамоаларни тузиш, оддий эстафеталар ўтказиш, баландликларга тез чиқиб-ту-шиш, чодир ўрнатиш, овқат пишириш каби турларни кўпроқ ўтказиш лозим.

## ХУЛОСА

Сайр (экскурсия) ва саёҳат (путешествия) жаҳон халқларининг ижтимоий-маданий турмуш шароитида тарбия ва жисмоний чиникиш воситаси сифатида муҳим ўринларни эгаллаган.

Ўзбекистон шароитида тарихий ва маданий обидаларга сайр-саёҳатлар ташкил қилиш, уларда аҳолининг барча қатлам ҳамда тоифаларидаги кишилар фаол иштирок этмоқда. Айниқса таътил пайтларида ва улуг саналарга бағишланган нуфузли тадбирларда ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнаткаш оммаси доимий равишда иштирок этиб келмоқда.

Тошкентнинг бугунги жамоли, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларнинг археологик, маданий обидалари хорижий мамлакатларнинг ҳам сайёҳларини ўзига ром этмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли ўқувчи-ёшларни касб-ҳунар эгаллашга, мутахассисликни олишга сафарбар этиш, ўқув жараёнларида жисмоний маданият ва туризм орқали уларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялашга алоҳида эътибор кучайтирилмоқда.

Ижтимоий-маданий турмушнинг тобора яхшиланаётганлиги, соғлом турмуш, тарзи мазмунида жисмоний маданият, спорт ва туризм чуқур ўрин эгалламоқда.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларидаги сайр-саёҳат (туризм) талабаларини бажариш, ўқув юртларининг “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” таълим йўналишлари ўқув дастурларидаги туризм машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш давр талаби ҳисобланади. Бу йўлда махсус кадрлар тайёрлаш, касб-ҳунар эгаларининг туризм соҳасидаги билим ва малакаларининг чуқурлаштириш сиҳат-саломатликни таъминлашда, яъни соғлом авлод давлат дастурини амалга ошириш асосий вазифа ҳисобланади.



## АДАБИЁТЛАР.

1. ЎзРнинг Конституцияси, Т., 1992 й
2. ЎзРнинг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни, Т. 2000
3. ЎзРнинг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, Т., 1999 й
4. ЎзРВМнинг “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 1999 й
5. ЎзРВМнинг туризмни ривожлантириш ва шу соҳада кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ қарорлари, 1999 й
6. Каримов И.А., Ўзбекистон-келажак буюк давлат, Т., 1992 й
7. Каримов И.А., Биздан озод ва обод ватан қолсин, Т.1994 й
8. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, Т., 1999 й
9. Каримов И.А., Инсон бахт учун туғилади, Т., 2002 й
10. Абдумаликов Р., Саёҳат саҳифалари, оммабоп китоб, Т., “Ёш гвардия” 1971 й
11. Абдумаликов Р., Туризм, ўқув кўл., Т., “Ўқитувчи”, 1978 й
12. Абдумаликов Р., Холдаров Т, Туризм, ўқув кўл, Т, “Ўқитувчи” 1988
13. Абдумаликов Р.,Холдаров Т, Дауренов Э.Ю.Туризм дастури, Т 1997
14. Маргунов Б.П., Туризм, уч.пос.,М., “Просвещение” , 1978. й
15. Туристские походы выходного дня, М., “ФИС”, 1984 й
16. Подготовка общественных туристических кадров, М.,1982 й
17. Туризм в школе, М., “ФИС”, 1983 й
- 18.Шальков Ю.А., Здоровье туриста, М., “ФИС”, 1987 й
19. Хусанбаев Б.М., Тулаганов Л.А., Разина В.Г., Дорогами Великого шелкового пути, Т., 1995 й
20. Колбинцев А.В., В горах Чимгана, Т., “Ўзбекистон”, 1984 й
21. Раецк В., Путешествие по Ферганской долине, Т., 1978 й
22. Жисмоний тарбия ва спорт мавзусидаги Республика ва Халқаро илмий анжуманларнинг тўпламлари, 1991-2006 йй.
23. “Фан спортга” илмий-назарий журнал, №1, 1988 й

## Туризм бўйича разрядлар ва категориялар кўрсаткичи.

## Саёҳатлар сони

Унвоилар ва разрядлар	Жинси	Саёҳатларнинг қийинчилик категориялари										
		I		II		III		IV		V		
		катнашчи	раҳбарлик	катнашчи	раҳбарлик	катнашчи	раҳбарлик	катнашчи	раҳбарлик	катнашчи	раҳбарлик	Барча саёҳатлар
Спорт мастери	Эркаклар	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	11
	Аёллар	1	1	1	1	1	1	1	2	2	-	11
Спорт мастерлигига номзод												
	Эркаклар	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	11
	Аёллар	1	1	1	1	1	1	1	-	-	-	7
I	Эркаклар ва аёллар	1	1	1	1	1	1	1	-	-	-	7
II	Эркаклар ва аёллар	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	3
II	—#—	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1
I ёшлар	—#—	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1
II ёшлар *	—#—	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1
III ёшлар **	—#—	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

- Дала шаронтида 5 кун тунаш шарти билан 1 марта поход уюштирилиб, жами масофа 65 км. дан кам бўлмаганда берилади, \*\* 3 кун походда 30 км. масофани босиб ўтиш керак.

## Саёҳатларнинг қийинчилик категорияларини аниқлаш белгилари.

Кўрсаткичлар	Қийинчилик категориялари				
	I	II	III	IV	V
Саёҳатларни муддати (кун ҳисобида шундан кам бўлмаслиги лозим)	6	8	10	13	16
Саёҳат масофасининг оралиғи, км: пийёда тоғ	130	160	200	230	250
Сув (сал ва эшак эшиб)	150	175	200	275	250
велосипед	250	400	600	800	1100
автомобиль	2000	2000	2500	4000	4500
мотоцикл	2000	2000	2500	3200	4000

**Саёхатлар учун шахсий туристик жиҳозлар:**

1. Рюкзак.
2. Туристтик кўрпа (ёки одеял).
3. Кружка, қошиқ, коса, пичоқ, очқич.
4. Оёқ кийимлари (ботинка, кеда).
5. Сочик, совун, тиш чўткаси, паста.
6. Спорт кийими.
7. Иссиқ ёки соябонли бош кийими.
8. Куёшга қарши кўзойнақ.
9. Жун ва оддий пайпоқлар.
10. Ички кийимлар, свитер.
11. Штормовка (ёмғирга қарши костюм).
12. Ён дафтарчаси, ручка, қаламлар.
13. Фотоапарат.
14. Фляга.
15. Ледоруб (муз ва қорли жойларда ишлатиладиган асбоб).
16. Соат.
17. Дорилар қутичаси.
18. Компас.
19. Целлофан халтача.
20. Нина, ип.
21. Бритва.

**Группа (8-10 киши) учун ишлатиладиган туристик жиҳозлар:**

- |  |         |
|--|---------|
| 1. Палатка (чодир)- "Памирка" ёки "Гималайка"                | 2-3 та. |
| 2. Хавфсизликнинг олдини оладиган арқонлар (30-40 м)         | 1-2 та. |
| 3. Овқат тайёрлаш идишлари (қозон, чўмич, челақ ва бошқалар) | 1-2 та  |
| 4. Болтачалар (болға, теша)                                  | 2-3 та  |
| 5. Карта ёки схемалар  | 1-2 та  |
| 6. Компаслар   | 2-3 та  |
| 7. Поход қутичалари.   | 1-2 та  |
| 8. Гугуртлар   | 10-15   |
| 9. Ремонт материаллари (ип, игна, қайчи ваҳоказо)            | 3-4 та  |
| 10. Фонарлар, шамлар   | 5-6 та  |
| 11. Кундалиқ дафтар (ручка, рангли қаламлар, резинка, олмос) | 2-3 та  |
| 12. Дурбин   | 1-2 та  |
| 13. Транзистор ёки магнитофон                                | 1-2 та  |
| 14. Фотоапарат (киноапарат, видеотасвир)                     | 2-3 та  |
| 15. Карабинлар   | 2-3 та  |
| 16. Керогас  | 1 та    |

### Маршрут варақаси

(Дам олиш кунлари ва I категориягача бўлган походлар учун)

гуруҳ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ киши  
\_\_\_\_\_ маршрут

бўйича (асосий пунктлар) \_\_\_\_\_

Дала шароитида тунаш йўли билан “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ дан  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_ гача

Гуруҳ раҳбари \_\_\_\_\_  
(исми ва шарифи)

Маршрут варақасини берувчи ташкилот \_\_\_\_\_

(Маъсул кишининг имзоси)

Мухр ўрни

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_

### Юриш режаси

Кунлар	Маршрут йўллари	Км	Юриш усуллари	Экспурсия объектлари ва ижтимоий-фойдали ишлар

### Саёҳат йўлининг чизмаси.

Йўлларда килинган ижтимоий-фойдали ишлар

Гуруҳ раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_

\* Саёҳатдан кейин йўл варақаси тегишли ташкилот ёки ўқув юртига қайтиб топширилади.

\* Туристлар! Дам олиш пайтларида дарахтлар ва унинг шохларини синдирманг. Гулхан учун фақат қурук шохларнигина ишлатинг. Жўнаш олдидан қоғозларни ёқиб, консерва қутилари ва чиқиндиларни тўплаб, бир жойга кўминг ҳамда оловни сув сепиб ўчиринг.


**Табиатни қўриқланг ва му-ҳофаза қилинг.**

## Озиқ-овқатлар ва уларнинг калориялари.



№	Озиқ-овқатлар номи	Ҳазм қилинувчи моддалар сони (100 г. овқатда грамм ҳисобида)			Калориялар сони (100 г. овқатда)
		оксил	ёғлар	углеводлар	
1	2	3	4	5	6
1.	Димланган гўшт	25,0	12,8	0,5	223
2.	Димланган мол гўшти				
3.	Қуоштирилган шакарли суг	13,4	27,8	0,4	315
4.	Шакарли қаймоқ	7,1	8,6	54,9	334
5.	Курук суг	8,1	18,5	46,9	396
6.	Қора нон	27,1	24,6	25,8	480
7.	Бугдой унидан қилинган каттик нон (сухари)	4,7	0,8	39,2	187
8.	Шакар	10,5	1,2	68,5	335
9.	Гречиха ушоғи (ёрмаси)	-	-	98,9	406
10.	Манна ёрмаси (окшоқ)	8,6	2,3	62,4	312
11.	Арпа ёрмаси	9,5	0,7	70,4	334
12.	Сули ёрмаси	6,3	1,2	66,2	310
13.	Сўк ёрмаси	8,9	5,9	59,8	336
14.	Гуруч	8,2	2,2	63,8	316
15.	Макарон	6,4	0,0	72,0	330
16.	Нўхат	9,6	0,8	71,2	338
17.	Ярим қуритилган колбаса	15,2	2,1	49,3	286
18.	Қуритилган колбаса	14,5	31,1	-	349
19.	Мол ёғи	18,9	36,4	-	420
20.	Сариёғ	1,8	78,6	-	739
21.	Эритилган ёғ	0,5	79,3	0,5	742
22.	Пишлоқ	-	94,1	-	875
23.	Тухум урпоғи (уни)	19,2	27,0	3,4	348
24.	Хўл ва курук мевалар талаб асосида	49,9	34,2	-	523

**ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МЕТОДИ БЎЙИЧА  
ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ ВА ЖОЙЛАРНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛИШ**

XX XX XX  
XX XX XX  
XX XX XX  
XX XX XX  
XX XX XX




XXXXXX  
X X  
X X  
X X  
X X



XXXXXXXXXX

XX  
XX  
XX  
XX  
XX  
XX  
XX




XXXXXX  
XXXXXX  
XXXXXX  
XXXXXX  
XXXX  
XXXX  
XX  
X



## Янги педагогик технология методи бўйича таркатма материал


### Фан бўйича «Кластера» методи «Туризм» фани бўйича 1-вариант



**Изоҳ:** Бу метод ўқувчиларни фикрлаш фаолиятини жаддалаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустахкамлаш, яқши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича тасавурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

## Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал

### Фан бўйича «Кластера» методи «Туризм» фани бўйича 2-вариант



**Изоҳ:** Бу метод ўқувчиларни фикрлаш фаолиятини жаддалаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустахкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида инфодалашга ундайди.





**Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал**  
**Фан бўйича «Бумеранг» методи**  
**«Туризм» фани бўйича**  
**2-вариант**

<b>Мавзулар мазмуни</b> <b>(жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ўйинлари)</b>				
1	2	3	4	5
Кучни ривожлантирувчи	Чакконликни	Чидамлилиқни	Тезкорликни	Эгилувчанликни

**Изоҳ:** Бу метод технологияси танқидий фикрлаш, мантиқий шакллантиришга имконият яратди, хотирани гоёаларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш хўниқмаларни шакллантиради.

**Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал**  
**Фан бўйича «Замжир» методи**  
**«Туризм» фани бўйича**  
**1-вариант**

Азимут – тайёргарлик – кеда – аркон ..... 100 та сўзга қадар (10-15 дақиқа вақт берилади)

**Изоҳ:** Бу метод туризм ва уни ўқитиш методикаси фанига тааллуқли сўزلарни ўз қўлига олиб талабаларни фикрлаш фаолиятини ташлаштиради, интеллектуал ақлий салоҳиятини, таффақурини ишга солади. Бевосита талабалар фикрини жисмоний тарбия ва спорт машғулот жараёнларига, спорт майдонларига, сув хавзаларига, стадион, спорт заллари, туризмга етаклайди. Талабаларнинг билимини баҳолашни 80-100 5 баҳо 60-79 4 баҳо 40-59 3 баҳо қўйилади.

## Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал

### Фан бўйича «Занжир» методи

#### «Туризм» фани бўйича

#### 2-вариант

1. Экспедиция – излаш – топиш – чамалаш - .....

**Изоҳ:** Бу метод туризм ва уни ўқитиш методикаси фанига тааллуқли сўзларни ўз ичига олиб талабаларни фикрлаш фаолиятини тезлаштиради, интеллектуал ақлий салоҳиятини, таффахурини ишга солади. Бевосита талабалар фикрини жисмоний тарбия ва спорт машғулот жараёнларига, спорт майдонларига, суз хавзаларига, стадион, спорт заллари, туризмга тақлайди.

## Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал

### Фан бўйича «Тарози» методи «Туризм» фани бўйича

#### 1-вариант

Спорт мусобақасида қатнашган спортчи (бола) шуғулланувчи ютуқларини ижобий ва салбий томонлари ҳақида фикр юритиш

Атамалар номлари	
Экскурсия	Походга чиқиш
Ижобий томонлари	Салбий томонлари
1. Объектни илмий ўрганиш	1. Қайфиятини кўтарилиши

Изоҳ: Бу технология кичик гуруҳларда ва жамоалар орасида талбиқ этилади. Шунингдек ўқув материалини ўрганишнинг турли босқичларда қўлланилиши мумкин. Утилган материаллар бўйича хулоса қилиш босқичида юқори самара ва натижа беради, чунки ўқитганларнинг юқори даражада хабардорликларини ва ўрганилган материаллардан эркин фойдаланишини назарда тутди.

## Янги педагогик технология методи бўйича таркатма материал

### Фан бўйича «Тарози» методи «Туризм» фани бўйича 2-вариант

#### Туризмни ташкил қилиш орқали жисмоний тайёргарлигини оширишни салбий ва ижобий томонлари

Мавзулар номлари	
Экскурсияга бориш	Чодир қуришни бажариш
1. Иқлим шароитнинг ўрганиш	1. Чодир қуриш усулларини билиш

**Изоҳ:** Бу технология кичик гуруҳларда ва жамоалар орасида тadbик этилади. Шунингдек ўқув материалини ўрганишнинг турли bosкичларда қўлланилиши мумкин. Утилган материаллар бўйича хулоса қилиш bosкичида юқори самара ва натижа беради, chunkи ўқитанларнинг юқори даражада хабардорликларини ва ўрганилган материаллардан эркин фойдаланишини назарда тутлади.

## Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал

### Фан бўйича «Агарда Мен.....» методи «Туризм» фани бўйича фани бўйича 1-вариант

Агарда мен турист бўлсам.....

Изоҳ: Бу метод интерфаол технология бўлиб, танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашнинг муваффақиятлик ривожлантиришга ҳамда ўз гояларини, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этишига имконият яратади. Шунингдек ҳар бир катнашувчининг ўз фикрлари, ўзгалардан кутадиган тарбиявий характердаги катор вазифаларни амалга ошириш имконини беради.

## Янги педагогик технология методи бўйича таркатма материал

### Фан бўйича «Агарда Мен.....» методи «Туризм» фани бўйича фани бўйича 2-вариант

Агарда мен походга борсам.....

**Изоҳ:** Бу метод интерфаол технология бўлиб, танқидий, тахлилий, аниқ логикий фикрлашнинг муваффақиятлик ривожлантиришга ҳамда ўз фикрларини, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда илҳам баён этишига имконият яратди. Шунингдек ҳар бир қатнашувчининг ўз фикрлари, ўзгалардан кутадиган тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради.




## Янги педагогик технология методи бўйича тарқатма материал

### Фан бўйича «Ечим дарахти» методи

#### «Туризм» фани бўйича

#### 1-вариант (туризм орқали туристда пайдо бўладиган ижобий ва салбий томонлари)



**Изоҳ:** Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда таъсир қилувчи омиллар мавзуси мисолида олиниб, бу технология орқали талабаларни фаол ҳаётий нуқтайи назарини шакллантириш, ўз фикрига ҳурмат ва тоқат қилиш, жамоада ишлашни эплай олиш, муросали қарорига кела олиш, ҳушмуомиялиқни, масъуллик ва қизиқишини уйғотади.

**МУНДАРИЖА****БЕТЛАР**

Кириш.....	3
<b>I БОБ. ТУРИЗМНИНГ ТАШКИЛИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ</b>	
1.1. Туризмнинг вужудга келиши ва ривожланиши.....	9
1.2. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш жараёnlари.....	18
1.3. Мустақиллик давригача Ўзбекистонда туризм.....	28
1.4. Ўзбекистоннинг Мустақилиги даврида туризмнинг янги йўналишлар ва уларнинг истикболлари.....	52
<b>II- БОБ. СОГЛОМ АВЛОД ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ</b>	
2.1. “Соғлом авлод” Давлат дастури ва унда туризмнинг педагогик мохияtlари .....	60
2.2. Туризмнинг соғломлаштирувчи ва таълим берувчи хусусияtlари .....	62
<b>III. БОБ. ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ</b>	
3.1. Туризмнинг шакллари ҳақида тушунчалар.....	68
3.2. Туризмнинг турлари ва уларнинг аҳамияти.....	70
3.3. Туризм турларининг классификацияси.....	72
<b>IV. БОБ. САЙР-САЁХАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
4.1. Ўзбекистоннинг сайр манзиллари.....	76
4.2. Буюк ипак йўли ҳақида баъзи маълумотлар.....	97
<b>V. БОБ. ОММАВИЙ ПИЁДА ЮРИШ САЁХАТЛАРИ</b>	
5.1. Соғломлаштирувчи оммавий пиёда юриш саёхатларининг тарбиявий аҳамияtlари.....	103
5.2. Пиёда юриш саёхатларининг ташкил қилиниши ва ўтказиш масалалари.....	106
5.3. Саёхатларда жисмоний чинқиш йўллари.....	111
5.4. Саёхатларда ўлкани ўрганиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий фойдали меҳнат.....	119
5.5. Саёхатларда жароҳатланганларга биринчи ёрдам қилиш.....	122
<b>VI. БОБ. ТУРИСТИК ЖАМОАЛАР (КЛУБЛАР) ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ</b>	
6.1. Туристик жамоа (клуб) ҳақида тушунчалар.....	128
6.2. Жамоанинги фаолиятлари.....	131
6.3. Жамоатчи фаолларни тайёрлаш тартиблари.....	134
<b>VII. БОБ. ТОПОГРАФИК ТУШУНЧАЛАР ВА ТУРИСТИК ТЕХНИКА БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИШ</b>	
7.1. Топографик билимлар ҳақида тушунчалар.....	136
7.2. Туристик техника бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш.....	154
<b>ХУЛОСА.....</b>	170
<b>АДАБИЁТЛАР.....</b>	171
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	172

<b>СОДЕРЖАНИЕ</b>	<b>СТРАНИЦЫ</b>
Введение.....	3
<b>I ГЛАВА. ИСТОРИЯ ОРГАНИЗАЦИИ И РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА</b>	
1.1 Возникновение и развитие туризма.....	9
1.2 Процессу развития туризма в Узбекистане.....	18
1.3 Туризм в Узбекистане до независимости Республики.....	28
1.4 Новые направления и перспективу туризма в Узбекистане в году провозглашения независимости.....	52
<b>II ГЛАВА. МЕСТО МАССОВОГО ТУРИЗМА В СИСТЕМЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ</b>	
2.1 Государственная программа «Соглом аёлдо» и педагогическая сухность туризма в этой программе.....	60
2.2 Оздоровительные и воспитательные особенности туризма.....	62
<b>III ГЛАВА. ВИДУ И ФОРМУ ТУРИЗМА</b>	
3.1 Понятия о формах туризма.....	68
3.2 Виду туризма и их значение.....	70
3.3 Классификация видов туризма.....	72
<b>IV Глава. Общие особенности экскурсии</b>	
4.1 Туристические местности Узбекистана.....	76
4.2 Некоторые сведения о Великом шелковом пути.....	97
<b>V ГЛАВА. МАССОВУЕ ТУРИСТИЧЕСКИЕ ПОХОДУ</b>	
5.1 Воспитательное значение оздоровительных массовых пеших походов.....	103
5.2 Вопросу организации проведения массовых пеших походов.....	106
5.3. Пути оздоровительных закалок в экскурсиях (туристических походах).....	111
5.4. Изучение края, защита природу, социально-значимые труду в экскурсиях (туристических походах).....	119
5.5. Оказания первое помощи в случае получения травму во время экскурсии....	122
<b>VI ГЛАВА. ТУРИСТИЧЕСКИЕ КОЛЛЕКТИВУ (КЛУБУ) И ОРГАНИЗАЦИЯ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ</b>	
6.1. Понятие о туристических обществах.....	128
6.2. Деятельность коллектива.....	131
6.3. Порядок подготовки организации туристических активов.....	134
<b>VII ГЛАВА. ТОПОГРАФИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ И ПРОВЕДЕНИЕ СОРЕВНОВАНИЙ ПО ТУРИСТИЧЕСКИМ ТЕХНИКАМ</b>	
7.1. Понятия о топографических знаниях.....	136
7.2. Организация и проведение соревнований по туристическим техникам.....	154
<b>ЗАКЛЮЧЕНИЕ</b> .....	170
<b>ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА</b> .....	171
<b>ПРИЛОЖЕНИЕ</b> .....	172

**CONTENTS****PAGES**

Preface.....	3
<b>I. CHAPTER I. THE HISTORY OF ORGANIZATION AND IMPROVING OF TOURISM</b>	
1.1. The Origins and Developing of Tourism + Improving.....	9
1.2. The Processes of Developing the Tourism in Uzbekistan.....	18
1.3. Tourism in Uzbekistan Until Independence of the Republic.....	28
1.4. The New Direction and Perspectives of Tourism in Uzbekistan in the Independence Years.....	52
<b>CHAPTER II. THE MASS PLACES OF TOURISM IN THE SYSTEM OF PHYSICAL TRAINING</b>	
2.1. State curricular "Healthy Genvention" and pedagogical Founds of Tourism in This Curricular.....	60
2.2. The Sanitary and Educational Founds of Tourism.....	62
<b>CHAPTER III. TYPES AND FORMS OF TOURISM</b>	
3.1. Conceptions About Forms of Tourism.....	68
3.2. Types of Tourism and Their Meaning.....	70
3.3. The Classificational Types of Tourism.....	72
<b>CHAPTER IV. GENERAL IMPORTANCES OF EXCURSION</b>	
4.1. The Touristic Places of Uzbekistan.....	76
4.2. Some Information's About Great Silk Road.....	97
<b>CHAPTER V. THE MASS TOURISTIC FIELDS</b>	
5.1. Educational Means of Health Improvents of Mass Walk Tour.....	103
5.2. The Problems of Organizing and Holding of Mass Tours.....	106
5.3. The Ways of Physical Training in Tourism.....	111
5.4. Learning the Country , protesting the Nature, Social Humanitarian Works in the Excursion (Touristic fields).....	119
5.5. To Show the First Aid in Case of Having Traumas During Excursion.....	122
<b>CHAPTER VI. THE TOURISTIC COLLECTIVES (CLUBS) AND ORGANIZING THEIR ACTIVITY</b>	
6.1. The Conception About Touristic Society.....	128
6.2. The Activities of Collective.....	131
6.3. The Order of Preparing the Touristic Actives.....	134
<b>CHAPTER VII. THE TOPOGRAPHICAL CONCEPTIONS AND TO HOLD THEM ON TOURISTIC TECHNICS</b>	
7.1. Conceptions about Topographic Knowledge's.....	136
7.2. Organizing and Holding Competitions on Touristic Technics.....	154
Conclusion.....	170
Using Literatures.....	171
Appendixes.....	172



Буюк ипак йўли. Бошланиши ға охири деярли дунёнинг бошқа – бошқа бурчакларида, бири Тинч океан қирғокларида, Хитойда, иккинчиси Римда, Уртаер денгизи мамлакатларида жойлашган қадимги савдо қарвон йўлидир. Ипак йўлидаги савдо-сотиқни бошлаб берган битимлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар милoddан аввалги II асрга тааллуқлидир.

Буюк ипак йўли жаҳон маданияти тараққиётида улкан рол ўйнади. У нафақат савдо – сотиқнинг ривожланишига, балки шаҳарларнинг, ирригация тармоқларининг, санъат ҳамда хунармандчиликнинг гуллаб – яшнашига, маданиятлар, тиллар ва динларнинг ўзаро тушунилишига, бир-бирини бойитишига ёрдам берди, умуминсоний мероснинг ташкил топишига хизмат қилди.

Турли даврларда Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари турли даврларда буюк қарвон йўлидаги асосий, бош шаҳарлар ролини ўйнаганлар.

Бугунги кунда дунёдаги қўлаб давлатларнинг саъи – ҳаракатлари билан Буюк ипак йўлини – Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий, иқтисодий, туристик алоқаларни ривожлантиришининг, ўзаро ҳамкорликни мустақамлашнинг муҳим воситаси сифатида қайта тиклашга қарор қилинди.

Ушбу дастурнинг амалга оширишда Ўзбекистонга алоҳида, қатта эътибор қаратилади, чунки у маданият ва туризм буйича жаҳондаги етакчи ташкилотлар – ЮНЕСКО ҳамда Жаҳон туризм раҳбарий идораларнинг аъзоси ҳисобланади.

Мустақилликка эришиш маданиятимиз сарчашмаларига қайтиш имконини беради. Биз улардан жамиятни тубдан ўзгартириш йўлидаги ишларни амалга оширишда куч – қувват оламиз. Европа билан Осиё ўртасидаги иқтисодий ва маъданий қўприкни – Буюк ипак йўлини қайта тиклашдек улкан лойҳани амалга ошириш ҳам Айни шу нарсага хизмат қилмоғи керак.

И.Каримов, Ўзбекистон Республикасининг Президенти

65 - buyurtma 100 nusxa. Hajmi 5,1 b.t.  
Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi  
Toshkent, Olmazor kuchasi, 171.